


34-35 (981)-сон

26 август — 1 сентябрь 2010 йил

Web-site: oilavajamiyat.uz

Шоҳида УЗОҚОВА:
**БУ КУНЛАРГА
ЕТГАНЛАР БОР...**

4



10

**ЭРКАКНИНГ
ЎРНИ БОШҚА**


**«УЧИНЧИ
КЎЗ»ЛИ АЁЛ**



12

**«БОТИРГАНДА
НОН БОТМАС
ҚАЙМОҒИНИ
СЕВАМАН...»**

24



**Зияев Юсуп
Мингқабилевич**



**Гопиров
Камолдин**



Эргашева Патила

**Ўзбекистон Республикаси
Президентининг
ФАРМОНИ**

**«Ўзбекистон Қаҳрамони»
унвонини бериш
тўғрисида**

Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг жаҳон миқёсидаги шон-шухратини юксалтириш, ислохотларни янада чуқурлаштириш борасида давлат ва халқ олдидаги улкан хизматлари, ишлаб чиқариш соҳасидаги узоқ йиллик фидокорона меҳнати ҳамда ёш авлодни ватанпарварлик ва халқпарварлик руҳида тарбиялашга қўшган катта ҳиссаси учун қуйидагиларга «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони берилиб, олий нишон — «Олтин юлдуз» медали топширилсин:

Зияев Юсуп Мингқабилевич — «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик темир йўл компаниясининг 166-йўл машина станцияси темир йўл қуриш механизми машинисти


Гопиров Камолдин — Шаҳрихон туманидаги 53-мактаб интернати директори, Андижон вилояти

Эргашева Патила — Бувайда туманидаги «Патилахон» фермер хўжалиги бошлиғи, Фарғона вилояти

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2010 йил 24 август

**МУСТАҚИЛЛИГИМИЗ АБАДИЙ
БЎЛСИН!**



**Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ**

**«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЎН ТЎҚҚИЗ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ
БИЛАН ФАН, ТАЪЛИМ, СОҒЛИКНИ САҚЛАШ, МАДАНИЯТ, САҢЪАТ, МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ,
ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ҲАМДА ИЖТИМОЙ СОҶАЛАР ХОДИМЛАРИДАН
БИР ГУРУХИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА»**

Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, халқимиз маданияти ва маънавиятини юксалтириш ишига қўшган муносиб ҳиссаси, ёрқин истеъдоди ва ижоди, илмий фаолияти, ҳалол хизмати, ёшларни она юртга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида соғлом ва барқамол этиб тарбиялаш ҳамда жамоат ишларидаги фаол иштироки учун қуйидагилар фахрий унвонлар ва орденлар билан тақдирлансин:

**«Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби»
Муҳаммадҷонов Рихсибой** — Ўзбекистон кино арбоблари бирлашмаси аъзоси, кинодраматург
Расулов Алишер Турсунбоевич — Республика эстрада-цирк коллежи ўқитувчиси, композитор

**«Ўзбекистон Республикаси халқ артисти»
Адашев Ражаб Ҳалимович** — «Ўзбекфильм» киностудияси актёри
Назарбеков Озодбек Аҳмадович — «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси хонандаси

**«Ўзбекистон Республикаси халқ бахшиси»
Каллиев Тенелбай Генжебаевич** — Нукус маданият ва санъат коллежи ўқитувчиси, бахши

**«Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси»
Санаев Зиёдулла Файзиевич** — Самарқанд вилояти, Нарпай туманидаги 52-умумий ўрта таълим мактаби директори

(Давоми 2-бетда)

ГАЗЕТА САҲИФАЛАРИДА:

«Энди менинг ҳам дадам бор...»	5
Зиркнинг биз билмаган сир	6
Яхши ўйинчоқ анқонинг уругими?	7
Теледастурлар	8-9
Шукр қилиб, фикр қилмоқ керак ёки аксинча...	11
Япон эмас, ёбонлик ўзбек момонинг ғаройиб фазилати	17
Чемпионлик чегара эмас!	19
Эр-хотин муҳаббати энг гўзал мўъжиза	23

(Давоми. Боши 1-бетда).

“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист”

Алимов Самандар Чориевич — Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театри опера солисти

Абдуллаева Мехрижон Кабировна — Наманган вилоят мусиқали драма театри вокал артисти

Ахмедова Лола Бахтиёрвна — “Ўзбекнаво” эстрада бирлашмаси хонандаси

Зиёев Абдунаби Қўчқорович — Бадий жамоалар ижодий бирлашмаси “Мақом” ансамбли созандаси

Раҳматов Мехриддин Тожидинович — Ўзбек миллий академик драма театри актёри

Узоқова Шоҳида Норматовна — Ўзбек давлат драма театри актёри

Умарова Фаридоҳон Жўраевна — Республика ёш томошабинлар театри актёри

Усмонов Рамиз Бекназарович — Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театри опера солисти

Хамроева Нодира Михайловна — Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театри балет артисти

Кўзиев Тоир Асқарович — “Ўзбекнаво” эстрада бирлашмаси “Сато” гуруҳи бадий раҳбари

“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси”

Ортиқов Ғайрат Азизович — Камолитдин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти доценти, рангасвирчи рассом

Омирзакова Кирмизи Жумамуратовна — Қорақалпоғистон Республикаси, Шуманай туманидаги 2-умумтаълим мактабининг математика ва информатика фани ўқитувчиси

Убайдуллаев Мирза-Улуғбек Абдуллаевич — Андижон олимпия захиралари спорт коллежи директорининг спорт ишлари бўйича ўринбосари

“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист”

Бузруклов Аҳмаджон Аъзамжонович — Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси “Ўзбекистон” телерадиоканали “Ахборот” информацион эшиттиришлар муҳарририяти бўлим мудири

Мамадиев Равшан Абдуманнобович — “Наманган ҳақиқати” газетаси катта муҳбири

“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими”

Атабоев Давронбек Жуманазарович — Хоразм вилоят кўғирчоқ театри раҳбари

Ботиров Зубайдулла Ворисович — Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театри бош рассоми

Бомуродов Бобур Ҳодиевич (Бобур Бобомурод) — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир

Воҳидов Шухрат Хуршидович — Ўзбекистон темир йўллари маданият саройи бадий раҳбари, хонанда

Мамажонов Анвар Алимжонович — Республика рассомлик коллежи ўқитувчиси, график рассом

Мамадиев Абдинаби — Ўзбекистон Бадий ижодкорлар уюшмасининг Қашқадарё вилояти бўлими аъзоси, рангасвирчи рассом

Мўминова Шаҳнозона — Ўзбекистон Бадий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, чиннисоз-рассом

Раҳматов Султонали Аҳмаджонович — Эркин ижодкор, бастакор

Сафарова Матлуба Тилаловдиевна — Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси “Ўзбекистон” телеканали Маданий-маърифий ва бадий дам олиш дастурлари бош муҳарририяти катта муҳаррири

Ҳакимжонов Хотам Халилович — Марғилон шаҳар маданият уйи бадий раҳбари, бадий сўз устаси

Хасанов Ҳамидулла — “Ўзбекфильм” киностудияси кинооператори

“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими”

Жўраев Ихтиёр Бозорович — Республика шошилинч тез тиббий ёрдам илмий марказининг Навоий филиали анестезиология-реанимация бўлими мудири

Ташбеков Фарҳод Баҳромович — Соғлиқни сақлаш вазирлиги қошидаги тиббиёт-санитария бирлашмаси уюшмасининг биринчи ўринбосари

“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устози”

Понамарёв Александр Викторович — Сув спорти турлари республика олий спорт маҳорати мактабининг байдарка ва каноэда эшак эшиш бўйича мураббийи

Курбон Олимжон Исоқович — Республика олимпия захиралари коллежининг юнон-рум кураши бўлими бош мураббийи

“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи”

Аҳмедов Баҳодир Йўлдошбоевич — Футзал бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

Каримова Евгения Сергеевна — Тазқондо бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

“Фидокорона хизматлари учун” ордени билан

Курбон Равшанбек Давлатович — Республика ихтисослаштирилган кардиология маркази директори

Менков Вадим Юрьевич — Байдарка ва каноэда эшак эшиш бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси

Юсупов Ибрагим — Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театри бош балетмейстери

“Меҳнат шухрати” ордени билан

Зиёмухамедов Садритдин Муҳиддинович — Ўзбекистон кино арбоблари бирлашмаси аъзоси, сахналаштирувчи-рассом

Муҳамедов Қобилжон Фафурович — Тошкент кимё-технология институтининг Қўнғирот сода заводи қошидаги махсус сиртки бўлим декани

Норматов Нодир — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, санъатшунос

Равшанов Мансур Темирович — Сурхондарё вилоят мусиқали драма театри бош режиссори

Рафиков Абзал Азимович — Ўзбек давлат драма театри актёри

Хасанов Фахриддин Салоҳович — “Ўзбекистон миллий энциклопедияси» давлат илмий нашриёти таҳририят мудири

Хўжаёров Бахтиёр — Ўзбекистон Фанлар академияси Самарқанд бўлими раисининг ўринбосари, Минтақавий муаммолар комплекс илмий-тадқиқот институти директори

Шарипов Сайдиолим Акрамович — “Давлат белгиси” давлат илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси бош рассом-дизайнери

Эгамова Зулайхо Ибрагимовна — Навоий вилояти, Навбахор туманидаги 14-мактаб директорининг маънавий ва маърифий ишлар бўйича ўринбосари

Юнусов Ҳамрокул Некбаевич — Қашқадарё вилояти, Касби тумани тиббиёт бирлашмасининг шошилинч тиббий ёрдам бўлими бошлиғи

I даражали “Соғлом авлод учун” ордени билан

Умаров Иброҳимжон Саматович — Фарғона вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказининг хирургия бўлими мудири

II даражали “Соғлом авлод учун” ордени билан

Тўрақулова Муқаддамхон Маҳмудовна — Жиззах вилояти, Мирзачўл туман тиббиёт бирлашмасининг “Ўзбекистон” қишлоқ врачлик пункти умумий амалиёт врачлари

Усмонова Муаттар Жалиловна — Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси “Ўзбекистон” телерадиоканали “Болалар ва ўсмирлар” эшиттиришлари бўлими мудири

“Дўстлик” ордени билан

Азимов Абдумажид Абдуллаевич — “Моҳият” газетаси бош муҳаррири

Атабоев Азаматжон Шодмонбекович — Ўзбекистон Бадий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, рангасвирчи рассом

Галахов Олег Викторович — Ўзбекистон академик рус драма театри актёри

Ғуломов Шухрат Маннопович — Тошкент давлат техника университетининг кафедра профессори

Зимин Андрей Юрьевич — Бухоро вилояти, Ромитан саноат касб-хунара коллежининг ишлаб чиқариш таълими устаси

Мирхолиқов Раҳим-Мурод Тўхтаевич — “Ўқитувчи” нашриёт-матбаа ижодий уйи муҳаррири

Пак Зинаида Владимировна — “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси муқовалаш цехи матбаачиси

Сайимов Салим Сайимович — Қарши санъат коллежи директори

Солихов Улуғбек Шокирович — Тошкент давлат мусиқали комедия (оперетта) театри овоз режиссёри

Юсупов Бағбек — Хоразм вилояти, Ҳазорасп туманидаги 1-ихтисослашган мактабининг математика фани ўқитувчиси

Қосимов Иброҳим Сотволдиевич — Сирдарё вилоят мусиқали драма театри актёри

Мамлакатимизда амалга оширилаётган маънавий-маърифий ва ижтимоий ислохотлардаги фаол иштироки, самарали меҳнати, ёш авлодни Ватанга муҳаббат, миллий ва умуминсоний қадриятларга хурмат руҳида тарбиялаш ишига қўшган ҳиссаси учун куйидагилар мукофотлансин:

“Шухрат” медали билан

Абдуҳакимова Мўттигон — Республика Маънавият тарғибот марказининг Андижон вилояти Ҳўжабод тумани бўлими тарғиботчиси

Акрамов Саидазим Сайдаматович — “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси офсет босма цехи бошлиғи

Арипова Мастура Ҳикматовна — Тошкент кимё-технология институтининг кафедра мудири

Атабоев Зокиржон Жуманазарович — Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси Республика телерадиомакетининг овоз ёзиш режиссёри

Ботиров Шухрат Хайруллаевич — Навоий кончилиқ коллежининг махсус фан ўқитувчиси

Баҳодиров Ғайрат Отахонович — Ўзбекистон Фанлар академияси бош илмий котиб ўринбосари, фундаментал ва амалий дастурлар бўлими бошлиғи

Бекназаров Тошқул Эшонқулович — Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигининг Жиззах вилояти бўйича муҳбири

Бобоҷонов Абдуҷаббор Қораевич — Сурхондарё вилояти, Сарийосиё туман маданият уйи услубчиси

Бомуратов Карим Атобоевич — Республика Маънавият тарғибот марказининг Бухоро вилояти Шофирон тумани бўлими тарғиботчиси

Ғафурова Сайёра Акмаловна — Ўзбекистон давлат консерваторияси махсус фортепиано кафедраси доценти

Дадамўхамедова Шоҳида Мубашировна — Тошкент шаҳар 1-сонли болалар клиник шифохонаси кўз микрохирургияси бўлими мудири

Исомов Баҳодиржон Сирожидинович — Республика Маънавият тарғибот марказининг Фарғона вилояти Риштон тумани бўлими тарғиботчиси, шоир

Муталов Шухрат Азизович — Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси “Ёшлар” телерадиоканали бош телеоператори

Набиева Ирода Абдусаматовна — Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтининг кафедра мудири

Нуржанова Ўрозгул Ҳожабоевна — Урганч маиший хизмат касб-хунара коллежининг физика фани ўқитувчиси

Олимов Одил — Андижон уй-жой ва коммунал хўжалиқ касб-хунара коллежининг чизмачилик фани ўқитувчиси

Пиязов Женисбек Барқитович — Ўзбекистон давлат консерваторияси талабаси, хонанда

Полонская Людмила Алексеевна — “Туркистон”-“Молодежь Узбекистана” газеталари муҳбири

Пушкарёва Олга Сергеевна — Навоий вилояти “Знамя дружбы” газетаси корректори

Ражабов Илёс Комилжонович — Фафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи босма цехининг 5-даражали чоп этувчиси

Саримсоқов Эшқўзи Қодирович — Сирдарё вилоят кўзи оғизлар кутубхонаси директори

Сатторов Муборак Бориевна — Термиз санъат коллежининг махсус фан ўқитувчиси

Серафимова Люда — Тошкент шаҳар маданият ва спорт ишлари бош бошқармаси бош мутахассиси

Солиева Ҳури Мелихўжаевна — Тошкент вилояти, Ўртачирчиқ туманидаги 16-умумтаълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси

Сулаймонов Ботиржон Абдушукорович — Тошкент давлат аграр университетининг кафедра мудири

Турсунов Лутфилло Саидмуродович — “Хабар” газетаси масъул котиби

Тўхтаева Кубаро Акрамовна — “Усто” бирлашмасининг Самарқанд вилояти бўлими аъзоси, каштадўз уста

Умурзокова Раъно Бердалиевна — Наманган вилояти кўп тармоқли тиббиёт марказининг рентген бўлими лаборанти

Ҳикматова Инобат Сайфиёевна — Бухоро озик-овқат ва енгил саноат технологияси институти қошидаги 1-сонли академик лицейнинг математика фани ўқитувчиси

Шаҳобов Умид Шарифжонович — “Ўзбекнаво” эстрада бирлашмаси хонандаси

Ширинова Гулчехра Хайруллаевна — “Соғлом авлод” газетаси катта муҳбири

Эргашова Мухтасархон Йўлдошевна — Андижон вилояти, Балиқчи туман тиббиёт бирлашмасининг “Аълам” қишлоқ врачлик пункти мудири

Қўшбоқова Собира Мусурмоновна — Сирдарё вилояти, Мирзабод туман тиббиёт бирлашмаси тез тиббий ёрдам бўлими навбатчи фельдшер

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И.Каримов

Тошкент шаҳри,
2010 йил 24 август

ЭЪЗОЗ ВА ЭЪТИБОР ТОПГАН ИЖОД

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида барча жабҳаларда эришилаётган ютуқлар, ҳамюртларимизнинг ўз қобилияти ва имкониятини тўлақонли намоён этиши учун яратилган кенг имкониятлар, тинч ва осойишта, фаровон ҳаётимиз, жамиятимиздаги меҳр-оқибат, аҳиллик муҳити ижодкорларимизни янгидан-янги асарлар яратишга илҳомлантирмақда.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан бир неча йилдан буён анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган "Энг улуг, энг азиз" республика кўрик-танлови ҳам бунинг ёрқин ифодасидир.

24 август кuni Ўзбекистон Миллий матбуот марказида ушбу танлов голибларига мукофотларни тантанали топшириш маросими бўлиб ўтди. Унга турли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари, санъат ва маданият намоёндалари, ижодкорлар, талаба-ёшлар таклиф этилди.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Ш. Фуломов, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги бош директори Б. Алимов ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан барча жабҳаларда илҳом билан амалга оширилаётган ислохотлар ҳуқуқий демократик давлат, кучли фуқаролик жамияти, халқимиз учун ҳеч кимдан кам бўлмаган, обод ва фаровон ҳаёт барпо этиш, юртимизнинг жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллашдек эзгу мақсадларга хизмат қилаётганини таъкидлади. Бу жараёндаги ибратли ишлар миллий ўзликни англаш,

халқимиз онгу тафаккурини ўзгартириш, ёшлар маънавиятини юксалтириш, кадриятларимизни тиклаш ва юксалтириш билан ҳамоҳанг тарзда олиб борилаётир.

Миллий маданиятимиз ва санъати-



мизни изчил раванқ топтириш, ижодкорларнинг самарали фаолият кўрсатиши учун барча шароит ва имкониятларни яратишга оид гамхўрлик адабиёт ва санъатнинг турли йўналишларини услуб ва жанр жиҳатдан ривожлантириш ва бойитишда, ёшларни баркамол инсонлар

этиб тарбиялашда, уларнинг юксак маънавиятли, мустақил ва соғлом тафаккур, бадий дид соҳиби бўлиб вояга етишида муҳим омил бўлмоқда.

Хар йили энг улуг, энг азиз байрамимиз арафасида Ўзбекистон

Матбуот ва ахборот агентлиги, Журналистлар ижодий уюшмаси, Бадий академия, Республика "Тасвирий ойна" ижодий уюшмаси, Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Ёзувчилар уюшмаси,

"Ўзбеккино" миллий агентлиги, Миллий телерадиокомпания каби ташкилотлар ҳамкорлигида ўтказиб келинаётган "Энг улуг, энг азиз" республика кўрик-танлови ана шундай тадбирлар сирасидандир.

Ижодий беллашувдан кўзланган асосий мақсад барчамиз учун азиз ва

муқаддас истиклолимиз халқимизнинг фидокорона меҳнати ва бунёдкорлик салоҳиятининг амалий намоёни, эркин, озод ва фаровон ҳаётимиз, гуруримиз тимсоли эканини адабиёт, санъат ва журналистиканинг турли жанрларида ёрқин ва таъсирчан акс эттириш, ижодкорларнинг меҳнатини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришдан иборатдир. Айни пайтда ушбу кўрик-танлов истеъдод соҳибларининг, айниқса, ёш ижодкорларнинг фаолиятини кенг жамоатчиликка таништиришда, уларнинг меҳнатини муносиб баҳолашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Йил сайин ушбу кўрик-танловда қатнашаётган ижодкорлар сафи кенгайиб бораётгани, тақдим этилган ижодий ишларнинг сифати ва сависиси ортаётгани эътиборлидир. Жорий йилда ёзувчи ва шоирларнинг бадий асарлари, босма оммавий ахборот воситалари ходимларининг журналистик ишлари, телевидение ва радио ижодкорларининг материаллари, тасвирий, кино ва фото санъати йўналишлари бўйича икки минг нафардан ортиқ ижодкордан саккиз мингдан зиёд ижодий ишнинг тақдим этилгани бунинг далилидир. Уларда мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, унинг бебаҳо неъматларини кўз қорачигидек асраб-авайлаш, бугунги фароҳбахш кунларимизнинг қадрига етиш каби эзгу гоюлар ўзининг ёрқин ифодасини топган.

Тадбирда танлов голиблари ва совриндорларига диплом ва мукофотлар топширилди.

Назокат Усмонова,
ЎЗА мухбири

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛ- ЛИГИНИНГ ЎН ТЎҚҚИЗ ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАБ ЎТКАЗИЛГАН «ЭНГ УЛУГ, ЭНГ АЗИЗ» РЕСПУБЛИКА КЎРИК-ТАНЛОВИ ГОЛИБЛАРИ

1. Ёзувчи ва шоирларнинг бадий асарлари бўйича

1-ўрин:
Жуманиёз Жабборов, Ўзбекистон халқ шоири — «Кўнглим китоби» сайланма асарлар тўплами учун

2-ўрин:
Матназар Абдулҳакимов, Хоразм Маъмун академияси илмий ходими — «Мангулик жамоли» ва «Илм сарчашмалари» китоблари учун

3-ўрин:
Янгибой Кўчоров, Қорақалпоғистон Республикаси Ёзувчилар уюшмаси раиси ўринбосари — «Ўн тўққизинчи доvon» достони учун

Рағбатлантирувчи мукофот

1. Нилуфар Умарова — Қашқадарь вилояти Қарши педагогика коллежининг ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси

2. Малик Эгамов — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

2. Босма ОАВ ходимларининг журналистик ишлари бўйича

1-ўрин:
Хусниддин Бердиев, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигининг Маҳаллий ахборот таҳририяти бош муҳаррири ўринбосари — Ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий мавзулардаги туркум мақолалари учун

2-ўрин:
Жуманазар Меликулов, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси аъзоси — Маънавий-маърифий мавзулардаги мақолалари учун

3-ўрин:
Хусан Темиров, «Қишлоқ ҳаёти» газетасининг Қашқадарь вилояти бўйича мухбири — Вилоятдаги иқтисодий ислохотларга ҳамда қишлоқларда намунавий лойиҳалар асосида замонавий уй-жойлар қурилишига ба-

ғишланган материаллари учун

Рағбатлантирувчи мукофот

1. Рисликхон Маънуова — «Наманган ҳақиқати» газетасининг бўлим мудир

2. Хуршидбек Рўзиев — Тошкент вилояти Ички ишлар бошқармаси матбуот бўлими инспектори

3. Телевидение ва радио ижодкорларининг материаллари бўйича

1-ўрин:
Маъруф Ҳасанов, ЎЗМТРК «Ўзбекистон» телерадиоканали

Мадааний-маърифий ва бадийий дам олиш дастурлари бош муҳарририяти режиссёр-оператори — «Белбоғ» фильми ҳамда «Заргар» ва «Кулол» кўрсатувлари учун

2-ўрин:
«Самарқанд-СТВ» телевизион ижодий уюшмаси — «Бу — менинг шаҳрим» туркумидаги ижтимоий телероликлари учун

3-ўрин:
Қахрамон Раззоқов, «Ёшлар» телерадиоканали ЁАЖ режиссёри — «Тошкент — 2200» ва «Баркамоллик сари» телероликлари учун

Рағбатлантирувчи мукофот

1. «Келажак овози» ёшлар телестудияси — Лойиҳа раҳбари — Бахтиёр Тўрахонов

2. Шаҳноза Маҳмудова — Навоий вилояти телерадиокомпаниясининг масъул муҳаррири

4. Тасвирий санъат асарлари бўйича

1-ўрин:
Бахтиёр Санаев, «Тасвирий ойна» ижодий уюшмасининг Самарқанд вилояти Каттақўрғон тумани бўлими раиси — Мустақиллик йилларида ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий соҳаларда эришилган ютуқлар тасвирланган ва Баркамол авлод

йилига бағишланган ижодий ишлари учун

2-ўрин:
Альберт Ахмедшин, расом — «Ўзбекистон — менинг Ватаним» туркумидаги тасвирий санъат асарлари учун

3-ўрин:
Ерик Қулманов, Камолддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти талабаси — «Осойишта Ватаним», «Она Тошкентим», «Наврўз келди», «Олтин куз» тасвирий санъат асарлари учун

Рағбатлантирувчи мукофот

1. Екатерина Иванова — Камолддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти магистранти, Ўзбекистон Бадий академияси қошидаги Ёш ижодкорлар бирлашмаси аъзоси

2. Темир Мамадаминов — Тошкент архитектура-қурилиш институти талабаси, ёш фотосуратчи

5. Кино санъати асарлари бўйича

1-ўрин:
Ҳилол Насимов, «Ватан» киностудияси директори — «Таҳдид» бадийий фильмларидаги режиссёрлик иши учун

2-ўрин:
Дилноза Кубаева, Ўзбек Миллий академик драма театри актрёси — «Муҳаббатим қисмати» ва «Ҳижрон» фильмларидаги роллари учун

3-ўрин:
Ҳожимурод Валиев, Ўзбекистон Республикаси илмий-оммабоп ва ҳужжатли фильмлар киностудияси режиссёри — «Маънавий тикланиш ва юксалиш йўлида» ҳужжатли фильми учун

Рағбатлантирувчи мукофот

1. Султонмурод Мирзаахмедов — «Ўзбекфильм» киностудияси кинооператори

2. Бахтиёр Қосимов — киноактёр

СОҒЛОМ АВЛОД — МИЛЛАТ КЕЛАЖАГИ

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида Вазирлар Маҳкамаси ҳузуриндаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиянинг йиғилиши бўлиб ўтди.

Комиссия раиси, Бош прокурор Р. Қодиров бошқарган мазкур йиғилишда никоҳланувчи ёшлар ва болаларнинг тиббий кўригини ташкил қилиш, оналарнинг репродуктив саломатлигини таъминлаш, болалар ва ўсмирлар соғлигини муҳофаза қилиш, касалликларни эрта аниқлаш ва профилактика қилиш, тиббиёт муассасаларида моддий-техника базасидан самарали фойдаланиш, болалар спогини ривожлантириш орқали соғлом турмуш тарзини қарор тлаптириш, бу борада қишлоқ жойларида яратилган шарт-шароитлар аҳоли ҳамда ушбу масала юзасидан Навоий, Наманган ва Хоразм вилоятларида амалга оширилган ишлар муҳокама қилинди.

Йиғилишда республикамизда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, соғлом бола туғилиши ва уни тарбиялаш учун зарур шарт-шароитлар яратиш мақсадида замонавий тиббиёт техникаси билан таъминланган қишлоқ врачлик пунктлари, оилавий поликлиникалар, болалар шифохоналари, ихтисослаштирилган клиникалар, перинатал ва кенг тармоқли скрининг марказлари, янги туғуруқхоналарнинг фаолияти йўлга қўйилиб, оналар ва болаларга қўрсатилмаётган тиббий ёрдам сифати тубдан яхшилانганлиги қайд этилди.

Жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш мақсадида сўнги бир ярим йил мобайнида республикада 277 та, шу жумладан, қишлоқларда 222 та янги спорт иншооти қурилганлиги, 208 та спорт иншооти капитал таъмирланганлиги, 157 таси реконструкция қилинганлиги, уларда умумтаълим мактаблари, лицей ва коллеж ўқувчиларининг мунтазам спорт билан шуғулланишлари учун зарур шарт-шароитлар яратилганлиги таъкидланди.

Навоий, Наманган ва Хоразм вилоятларида оналар ва болалар саломатлигини, мустаҳкамлаш, айниқса, улар ўртасида касалликларнинг олдини олиш, бу борада таъхис-даволаш ишларини самарали ташкил этиш, туғма нуқсонли ва ногирон болаларни соғломлаштириш, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш юзасидан ҳудудий комиссиялар томонидан соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот бўлимлари ва таълим муассасалари билан ҳамкорликда кенг қўламли ишлар амалга оширилганлиги таъкидланди.

Шу билан бирга, йиғилишда соғлиқни сақлаш мақсадидаги томонидан никоҳланувчи ёшлар ва болаларнинг тиббий кўригини ташкил қилиш, аниқланган касалликларни ўз вақтида малакали даволаш, тиббиёт муассасаларида моддий-техника базасидан самарали фойдаланиш, тиббиёт ходимларининг малакаси ва касб-маҳоратини оширишдаги айрим нуқсонларни бартараф этиш, бу борада тегишли идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш зарурлиги таъкидланди.

Кун тартибидagi масала юзасидан Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги, комиссия аъзоси А. Икромовнинг ҳисоботи эшитилди.

Муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилиниб, ижросини таъминлаш учун мутасадди идоралар ва жойларга юборилди.

Комиссия йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари А. Арипов ва Ф. Ақбарова иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуриндаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия

— Шохида опа, театр шахсан сизнинг ижодий фаолиятингизда қандай ўрин тутадими?

— Театрнинг жуда улуг ва муқаддас даргоҳ эканлигини санъатимиз даргалари, устоз санъаткорлар кўп бора таъкидлашган. Шу маънода айтишим керакки, бу табаррук оstonадан ҳатлаётган инсон агар санъатни тақдирим деб билса, нур устига нур, аксинча бўлса, аввало ўзини, қолаверса, бошқаларни ҳам овора қилмагани яхшироқ, деб ўйлайман. Негаки, театр санъати ниҳоятда мураккаб ва машаққатталаб соҳа. Ўзимдан қиёс: бу машхур ва номдор даргоҳга келганимдан буён худди кечагина иш бошлаган бошловчи актёр каби ҳаяжон ва ҳайрат билан ижодга берилиб кетаман. Ҳали-ҳали эсимда, саҳнада кичкинагина роль ўйнасам ҳам роҳатланардим. Масалан, Баҳодир ака (Йўлдошев) Алишер Навоийнинг "Садди Искандарий" асарини кўйган. Ушанда саҳнага тўртта аёл чиқардик — Саида Раёмова, Гулбаҳор Йўлдошева, Назира опа ва мен. Бу оммавий саҳна дейилади. Тўртовимиз саҳнада юрамиз, гапимиз ҳам кам. Лекин нима десам экан, барибир ўша спектаклни бошқаларидан устун кўяман. Одамнинг бутун вужудини жунжиқтириб юборадиган саҳналар бор эди.

Худога шукр, бугунги кунда ҳам театримизнинг обрўси, нуфузи баланд. Яхши-яхши асарлар кўйилляпти, залимиз ҳар доим тўла, томошабинлар келляпти.

— Актрисанинг томошабин олдида саҳнадан ташқари ҳаётда ҳам ўзига хос масъулияти борми?

— Бўлмасам-чи? Жуда катта. Албатта саҳнадаги масъулият бутунлай бошқача. Нега десангиз, талкин этаятган ролингизга қараб ҳар хил кийим-либосларда чиқишингиз мумкин. Агар эсласангиз, мен "Келинлар кўзголини"да кенжа келин Нигорани ўйнаганман. Саҳнага чўмилиш кийимида чиққанман, лекин ҳаётда ҳеч қачон бундай ҳолатда юролмайман. Айтмоқчи-манки, қаерга қандай либосда боришга жиддий эътибор берман. Лекин бир марта оддий эътиборсизлик туфайли уялиб қолганман. Репетиция кийимида — шорткида хот-дог олиш учун Чорсу бозорига югуриб бориб келдим. Бир ҳафтадан кейин актрисаларимиздан бирови: "Биласанми, Шохида, сен ҳақингда бир аёл роса ранжиб гапирди. "Жуда яхши кўрардим шу актрисани. Ҳафсалам пир бўлди, кўчадаям шунақа кийиниб юраркан-а?" деди. Ваҳоланки, ўшанда жуда тез чиқиб келган бўлсам-да, лекин одамлар кўриб улгурган экан-да. Истай-мизми-йўқми, томошабин тасаввур қилгандек бўлишга интилишимиз керак.

Яна битта воқеани мисол келтиришим мумкин. Роль учун тирноқ кўйдиргандим. Янгийўлда мактаб ўқувчилари ҳузурда ўтказиладиган учрашуга таклиф қилишди. Ушанда "Тирногингиз ўзингизникими ёки сунъийми?" деган савол турди. Ер ёрилмади-ю, ерга килиб кетмадим. Ўзимдан ўтганини ўзим биланман. Роль учун қилинганини, то ўша ролни ўйнамагунча олиб ташлолмаслигини тушунтирдим.

— Эшитишимизча, тўйларга ҳам бориб тураркансиз-а?

— Аввало, меҳмон сифатида яқинларим таклиф этишса, ал-

"Туташ тақдирлар" сериалида раққосани келин қилишни истамаган қайнона образини яратган Шохида Узоқовани кўпчиликлари "Кўнгил кўчалари"даги шаддод Розия орқали таниган бўлса-да, лекин аксарият мухлислар уни "Ўзбек Эсмеральдаси" сифатида яқиндан билишади. Иқтидорли актриса Ўзбек давлат драма театрида фаол ижод қилиш билан бирга, турли кинофильм ва телесериалларда ҳам суратга тушишга улгуряпти.

батта, боришга ҳаракат қиламан. Энди, нима десам экан, аёллар давраси, масалан, келин саломларда ҳолис хизмат қиламан. Лекин тўйчимасман.

— Қатор сериалларда суратга тушингиз. Ўзингиз ҳам уларни кўрасизми?

— Тўғриси айтсам, кўпинча вақт бўлмайди. "Эсмеральда"да овоз бераётганимда, ким мени кўриб қолса, сўрайдиган саволи "Энди нима бўлади, нима бўлади?" деявери бозор қилиб юборишган. Энди айтсам бўлар, ўшанда ҳатто менинг ўзим билмасдим, бу сериалнинг қандай яқун топишини. Чунки бизлар, яъни дубляжда қатнашадиган актёрлар овоз бериш жараёнида кетадиган қисмларнигина кўрардик, ҳолос.

Сериали дастлаб ўзим кўрмадим. Тўғрироғи, вақтим

кўйди. Жуда яхши ишланган. Бундан ташқари, корейсларнинг "Чин муҳаббат"ини кўрдим. Ўлимни тик туриб қарши олган аёл ҳақида. Бунинг учун жуда катта ирода керак.

— Дубляж сизга актриса сифатида нима беради?

— Дубляж тилни қайрайди, чархлайди. Саҳнада залдагиларнинг ҳаммасига эшитилиши учун бақариб гапиришингиз керак. Шунда сўзингиз охиридаги "н" ҳарфини айтмасангиз ҳам, сўз етиб боради. Дубляжда ун-

га хизмат қилдим. Шунинг учун ўғлим Алишернинг кўшиқ айтишига нима дейишим мумкин? Оқ йўл тилайман. Раҳматли отаси-



Шохида УЗОҚОВА:

БУ КУНЛАРГА ЕТГАНЛАР БОР...

бўлмади. Лекин одамлар мени кўча-кўйда кўриб қолишса, "Эсмеральда" деб қақирадиган, кўрсатадиган бўлишди. Бу асарни роса мақташди ҳам. Асарга учрашувга борсак, бирор саҳна ни ижро этишимни сўрашарди. Ахийри, ўзим ҳам қизиқиб қолдим-да, икки-учинчи марта такрор берилгандан сўнг кўра бошладим. Кейин билдимки, яхши

дай эмас. Аниқ ва раво гапиришингиз керак. Кейин хоҳлайсизми-йўқми, овозингизни асрай бошлайсиз. Дубляжда ишлайман, овозим чиройли чиқши керак, дейсиз. Тўғри, театрда ҳам овоз керак, лекин у ерда бунчалик эътибор бермайсиз. Чунки дубляжда ҳаммаси эшитилади. Лабингиз қуриб қолса ҳам, овозингиз бошқача чиқади.

Қолаверса, дубляж чиройли сўзлашга, адабий тилда гапиришга ўргатади. Саҳнада эса ҳозир кўряпсиз-ку, ҳар ким хоҳлаган шева-сида гапиряпти.

— Ўғлингиз Алишернинг ашула айтишига қандай қарайсиз?

— Раҳматли турмуш ўртоғим Мухаммаджон Узоқов (ҳалқимизнинг суюқлиги хофиз Маъмуржон Узоқовнинг фарзанди — муал.) ашула айтганларида, уй зириллаб кетарди. Овоз-

нинг ҳам, бобосининг ҳам руҳи шод бўлади, деб ўйлайман.

— Спортга қизиқасизми?

— Бир нечта тури билан шуғулланганман, фақат сузишга бормаганман. Сувдан кўрқардим. Лекин унга ҳам қатнаша бошладим. Энг яхши кўрган ҳоббим — от миниш. Бу жонивор ҳақида битта мультфильм бор. Унда от ўзи ҳақида гапирди, Афзал ака (Рафиқов) овоз берган. Негадир ўша мультфильмни ёқтираман. Биласизми, ҳайвонлар орасида от билан жуда тез дўстлашиш мумкин. Ҳар ҳолда, одам билан дўстлашиш, кўнгил топишдан осонроқдай. Нега десангиз, одамлар сизни сотиб кетиши, хиёнат қилиши, алдаши мумкин, лекин ҳайвонлар ҳеч қачон сотмайди, хиёнат ҳам қилмайди. Фақат... тишлаши мумкин (кулади).

— Нима, сизни тишлаганми дейман?

— Бир марта бўлган шундай ҳолат. Бегона от эди. Аслида, кўзидан сезгандим безовталигини. Шу жонивор бир нимани бошлади, деб ўйладим. Чиндан ҳам, шундай бўлди. Тишларининг изи ҳалигача қолган. Кейин билсам, илгари болалар унинг фашига қаттиқ тегишган экан...

— Қандай китобларни муталаа қиласиз?

— Болалигимдаёқ Стендалнинг "Кизил ва қора", Мушфиқ Козимийнинг "Кўрқинчли Техрон", Абдулла Кодирийнинг "Ўткан кунлар", Шухратнинг "Олтин занглас" романларини ўқиганман. Китоблар мен учун нондек азиз эди. Хориж адабиётини ҳам яхши кўраман. Кўпроқ тарихий асарларни ўқишни ёқтираман. Яқинда "Жени Герхардт"ни қайта ўқиб чикдим. Ўйглаб-ўйглаб ўқидим. Китоб йўлганда, ўша асарнинг ичига, руҳига кириб кетаман. Балки



Шохида
Узоқова ўғли
Алишер
билан
(1996 й.)

ва таъсирчан сериал экан. Аиники, Эсмеральданинг оддийлиги одамларга кўпроқ ёққан бўлса керак, деган хулосага келдим. У отасининг бойлигини билганидан кейин ҳам ўзгармади, оддийлигича қолди, бурни кўтарилмади. Шунинг учун ҳам ҳалқимиз руҳига яқин бўлгандир балки.

Кейин "Сарой жавоҳири"ни кўришга ҳаракат қилдим. Бу сериал ҳам мени анча қизиқтириб

✓ ГРУПНГ

романтик бўлганим учун шундайди.

— Бугунги кун зиёлиси сизнинг назарингизда қандай одам бўлиши керак?

— Зиёли дегани бу маънавий, маърифатли, оддийроқ тил билан айтадиган бўлсак, илмли, ўқимишли инсон-да. Масалан, мен гоҳида кузатаман. Хўш, театримизга келаётган мухлисларнинг қанча фоизи ўз ихтиёри билан, яъни яхши бир асарни кўриб, маданий ҳордиқ чиқариш учун, яна неча фоизи зўрма-зўраки, бировларнинг етовида кўриган экан, деб ўйлайман. Бутун диққат-эътибори асарни мириқиб томоша қилишга қаратилган шинаванда билан бемалол писта чақиб, телефонда ё бир-бири билан гаплашиб ўтирганлар ўртасида катта фарқ бор, тўғрими? Ана сизга савия, дунёқараш, дид! Менинг тасаввуримдаги зиёли одамда ҳам, жамиятда ҳам фаоллик кўрсатадиган, унинг маълумоти олийми, ўртами, олимми, оддий хизматчи-

ми, барибир, энг муҳими, ИН-СОН бўлиши керак.

— Шохида опа, сиз билан ҳалқимизнинг улуг ва муборак айёми — Мустақиллигимизнинг 19 йиллик байрами арафасида дийдорлашиб турибмиз. Ана шундай фараҳбахш, кутлуғ лаҳзаларда кўнглингиздан кечаётган туйғу, тилақларингизни айтсангиз.

— Ўзини шу овоз, мустақил Ватанинг, йил сайин гуллаб-яшнаётган обод мамлакатимизнинг ҳақли фуқароси деб билган ҳар бир инсон учун бу кун, бу байрам ниҳоятда азиз ва қадрлидир. Тўғри, дунёда байрамлар, саналар кўп. Лекин улар орасида мустақиллик, озолик тантанасига тенг келадигани йўқ. Шу боис мен ҳам барча ватандошларимни, санъаткор ва мухлисларни ушбу кун билан чин юракдан табриклайман. 19 айни навқирон ёш саналади. Президентимиз раҳнамолигида ҳалқимиз асрларга тенглаштирсак арзирли бу тарихий ва унутилмас йилларни мардона босиб ўтди. Бу кунларга етганлар бор, етмаганлар бор. Биз ота-боболаримиз бир умр орау қилиб етолган, армон билан соғиниб ўтган ёруғ замонларда яшяпмиз. Шунинг ўзи бетақорр бахт-саодат эмасми?

Ниятим, фарзандларимиз, невараларимизга шу улуг истиклолимизнинг юз йилликларини, минг йилликларини нишонлаш насиб этсин. Илоё мустақиллигимиз абадий бўлсин!

Комила НОСИРОВА
сўхбатлашди.

ТАҲРИРИЯТДАН:

Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислам Каримовнинг 2010 йил 24 августда имзолаган Фармонига биноан Ўзбек давлат драма театри актёри Шохида Узоқовага "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист" унвони берилди. Биз ҳам таҳририятимиз жамоаси ҳамда мухлисларимиз номидан иқтидорли ижодкорни ушбу юксак эътироф билан самимий муборакбод эта-миз.

Ойгул бугун ҳам ярим тунда алаҳсираб уйғонди. Тушида онаси катта ариқнинг нариги томонида турибди. Бу ёқдан ҳар қанча талпинмасин, онасига етолмайпти. Йиғлаб уйғонган қизча кўзини очиб, ёнига қаради. Хайрият, онаси шу ерда экан. Дарров уни кучоқлаб, яна ухлаб қолди.

Эрталаб уйқудан туриб, иштаҳаси бўлмайдигана нонушта қилди. Ҳар куни индамай кийимларини кийиб, боғчага отланадиган Ойгул бугун «Ҳеч қаерга бормайман», деб туриб олса, бўладими. Негадир кўнгли гаш, бирикки кун олдин уйларига келган аёлларнинг гапини эшитиб қолгани учунми, ё кечаси ёмон туш кўрганиданми, хуллас, бир нарсадан хавотир бўлиб, истаб-истатамай боғчага кетди.

Йўл-йўлакай онаси билан алланамаларни гаплашиб кетаркан, бирдан: «Ойижон, мени ташлаб кетмайсиз-а?» деди онасининг кўлларини қаттиқроқ қисиб.

— Йўқ, қизим, нега ундай деясан?

— Ҳим. Сарвиноз холам ойингни эрга берамиз, дейди, ёлгон-а? — кўзлари мўлтиради қизалоқнинг.

Онаси гапни бошқа ёққа бериб, уни чалғитишга ҳаракат қилди.

...Насибанинг эри ёшлигидан жигари касал эди. Уйланиб, қизчаси икки ёшга тўлар-тўлмас, вафот этди. Насиблага қолса-ку, келин бўлиб тушган хонадониде қизи билан қайнота-қайнонасининг хизматини қилиб яшаб юраверарди. Аммо кенжа қайни-сизга келин қилишгандан сўнг, бу уйда ўзини ортиқча сеза бошлади. Ота-онаси ҳам «Ҳали ёшсан, қизингга ўзимиз қараймиз. Жойи чиқса, узатамиз», деб кўч-кўронини йиғиштириб, олиб кетишди.

Кўхликкина, энди йигирмадан ошган жувонга совчи кўювчилар ҳам кўп бўлди. Аммо у ёлғизгина фарзанднинг бегоналар кўлида хор бўлишини хоҳламай рози бўлмади. Мана, қизи Ойгулнинг ҳам эси кириб қолди. Шу йил кузда, худо хоҳласа, мактабга боради. Боғчадаги «Дадам менга қип-қизил кўйлак олиб келдилар, биз дадам билан боққа бордик, туғилган кунимга компьютер олиб берадилар», дея мактанадиган дугоналарига ҳаваси келади. Тоғавач-

экан. Аввал ўзи Насибанинг ишхонасига бориб гаплашган эди. Ойгулга ҳам ўз отасидай меҳрибончилик қилмоқчи.

Ота-онасига ҳам бу маъқул келди. Ўзи билан тенгдос. Бир-бирини танийди. Қизи ҳам ёнида бўлади. Энг асосийси, фарзандга зор эркак набираларига оталик қила олади. Лекин Насибанинг боши қотган. Уч йилгина оила қурган бўлса ҳам, кўз очиб кўрганининг ўрнига бошқа бирорни тасаввур қилолмайди. Турмушга чиқмай деса, ёши

ТУШЛАРИМГА КИРАР ДАДАМ

чаларининг дадасининг тиззасига ўтириб олиб, эркалик қилишларини кўриб ўқсийди. Айниқса, шу йили туғилган кунда мўъжиза рўй бериб, дадаси келишини, кўшиқ айтиб, рақсга тушаётган кўғирчоқ ҳада қилишини жуда-жуда хоҳлаганди. Аммо бувиси ҳаммасини тушутириб берган. Яъни, Ойгулнинг отаси жуда яхши одам бўлган-у, касалланиб вафот этган. У яхши, ақлли қиз бўлса, отаси ундан хурсанд бўлармиш. Чунки у осмондан кўриб тураркан-да. Онаси эса бу ҳақда гапиргиси келмайди. Мавзу очилганда, гапни бошқа ёққа буради. Баъзи тантқи дугоналари уни ўйинга қўшмайди. «Сенинг даданг йўқ», деб хафа қилишади.

Туво кунни яна уйга совчилар келишибди. Қўшни маҳаллада яшовчи синфдоши Акбардан. Етти йил яшаб, фарзандли бўлмагач, хотинидан ажрашган

ўтпапти, ота-онаси ҳам кексайиб қолган. Қачонгача ака-укалари, янгаларининг қўлига қараб яшайди. Қолаверса, қизига ота керак. Шўрлик Ойгул отасидан айрилганида ҳали тили чиқмаган, «дада», деган сўзни айтиб улгурмаган ҳам эди.

Ойгул бугун ҳар кунгидан бошқача. Кайфияти йўқ. Боғча опаси ўтаётган машғулларга ҳам қизиқмайди. Доим ҳамма саволларга биринчи бўлиб жавоб берадиган қизанининг негадир овози чиқмади. Боғча опаси ҳам безовталаниб, «Тинчликми, Ойгул? Бирор жойинг оғриятими ё? Иссигинг йўқми?» деб пешонасини ушлаб кўрди. Кенга томон ота-оналар келаётган пайтда узоқдан ойисини кўриб, югурди. «Ойижоним! Сизни бугун соғиниб кетдим», деб кучоқлаб олди.

Уйга қайтгач, Насиба қизи билан оқиқчасига гаплашиб

олди. Бу дунёда унга қизидан бошқа азиз кишиси, қадрдони йўқлигини айтди. «Сен нима десаңг шу. Менинг овунчим, суяңчигим, ягонамансан», деб эркалади.

Кечаси билан нимагадир Ойгулнинг уйқуси келмади. Тоғасини болалари ҳар куни дадаси ишдан келишига югуриб пешвоз чиқишлари, эрталаблари яңгаси

борса, орқасидан эргашиб, уни ҳаммадан қизғанадиган одат чиқарди. Уйдагилар эса ҳали ўрғаниб кетар, ёш бола-ку, кўникади деб умид қилишди. Қизининг чехраси очилмаганига Насибанинг ҳам ичи ёришмаяпти.

Қайнонаси ҳам тушунган, меҳрибон аёл экан. Ишга бориб келгунича овқатларни пишириб қўяди. Ойгулга ҳам ўз набирасидек муомала қилади. Акбар уйларига боланинг шовқини эшитилиб қолганидан хурсанд. Ишдан эртарақ қайтиб, оиласи билан бирга овқатланишга шошилади.

...Бугун Ойгулнинг туғилган кун. Етти ёшга тўлади. Эрталаб уйқудан туриб, бошининг тепасида худди орзусидаги кўғирчоқни кўриб қотиб қолди ва бошида парвона бўлиб турган онасига савол назари билан қаради. Ойисининг «Даданг олиб келди» деган гапидан бироз саросимага тушиди, аммо остонада, «Туғилган кунинг билан табриклайман, қизим», деб қулиб турган Акбарни кўриб, дили ёришиб кетди ва «Раҳмат, дадажон!» дея югуриб бориб кучоқлаб олди.

Ойисига: «Бугун мени боғчага Акбар акам... дадам олиб борсинлар», деди. Қизининг бу ҳолатидан хурсанд бўлган Ойгул «Ростданими?» дегандай қараб қўйди. Қизча Акбарнинг қўлидан тутиб, хурсанд бўлиб боғчага кетяпти. Орада атрофдагиларга ҳам қолтибона қараб қўяди. Боғча эшигиндан кираётиб: «Дадажон, хайр, ишга яхши бориб келинг», деб отасининг юзидан ўпиб қўйди ва дугоналарига кўз қири билан қаради. «Энди менинг ҳам дадам бор», дея хаёлидан ўтказиб, юзига табассум югурди...

Шаҳноза РОФИЕВА

✓ ТУРМУШ ЧОРРАҲЛАРИДА

✓ ТАРБИЯ ШАВОҚЛАРИ

лишади. Ота-она дарҳол уларнинг фикрини ўзгартирса, одамлар ҳақида яхши фикрлар туғдиришга ҳаракат қилса, фарзандлари ҳам бунга ўрганишади.

— Қизик, бир кунни ўғлим ғалати савол бериб қолди, — дейди Ғофуржон ака. — Рустамнинг дадаси гердайиб кетганмиш, ошна-оғайнилари танимай қолганмиш... Салим дадасидан эшитибди. Ростдан ҳам Рустамнинг дадаси шунақами-а? Салим айтдики, энди ёмон одамнинг боласи билан ўртоқчиликни йиғиштириш керак экан.

Жўравойнинг (Салимнинг дадаси) гинаси нимадалигини билганимдан гапни шундай бошладим: — Ўғлим, аввало, Рустам билан ўртоқчиликни йиғиштирмоқчи бўлиб чакки қилибсизлар. Негаки, у яхши бола. Отаси ҳақида ҳам ёмон фикр айтолмайман. У киши институтда дарс беради, олим одам, катта-кичikka баробар. Жўравой амакин Рустамнинг дадасидан ноўрин хафа бўлибди. Ўтган йили қизи институтга кира олмади. Ким айбдор? Ўзи, албатта. Мактабда бўш ўқигандан кейин... Мана, сен ҳадемай тугатасан. Ҳаракатингни бўшаштирмасанг, шу тарзда кетсанг, кўзлаган ниятингга етасан, ўғлим!» деди.

Демак, бола онгида одамлар, ташқи муҳит ҳақида ноҳолис хулоса пайдо бўлишига йўл қўймастик керак. Ҳар бир воқеа-ҳодисага болаларнинг адолатли муносабатини шакллантириш зарурати муҳим шартлардан биридир. Қолаверса, фарзанд келажаги ота-она тарбиясига боғлиқ.

Ойша ТўРАЕВА,
педагогика фанлари номзоди,
профессор.

✓ МУНОСАБАТ

ХАЙРЛИ ИШЛАР КИФО

«Қазо қилганинг хурмати тўкин дастурхон билан ўлчанадими?» — 31-сон

Азали жойларга бирор нарса еб-ичиш учун борилмайди. Ақсинча, кўнгли сўрамоқ умидида қирилади. Ортиқча сарф-харажат ёки даҳмазага ҳожат йўқ. Унинг ўрнига ортида қолган яқинларига қўлдан келганча ёрдам бериш чорасини излаш керак.

Ривоят: «Ўтмишда бир киши масжидга бораётиб, мискин-ғарибларга, беваю етимларга пул хайр-садақа қилиб ўтиб кетар экан. Бир кунни ёнида пули йўқлиги учун бир жойда уюлиб ётган қовун-тарвуз пўчоқларини кўриб, териб олибди-да, ариқ сувида ювиб, ўтлаб юрган молларга бериб кетибди. Кечаси тушида вафот этган ота-онаси: «Ўғлим, бугун нима иш қилдингки, нукул қовун-тарвуз едик», дейишибди хурсанд бўлиб. Демак, ўтганларнинг хурмати тўкин дастурхон билан ҳам, тош, панжара қўйиш билан ҳам ўлчанмайди. Бир хайрли иш қилса, фойдаланган одам, «Э отангга раҳмат, онангга раҳмат» ёки «Ўргатган устозингга раҳмат», деб алқаб дуо қилса, шунинг савобидан ҳам ўтганлар баҳраманд бўлади. Тириклигида йўқламай, хизматини қилмай, дуосини олмай, вафот этгандан кейин бутун элли қаҳириб ош бериш бу — шухратпарастлик белгисидир.

Шундай экан, ота-онамиз, яқинларимизнинг тириклигида кўнглини олиб қолмишга ҳаракат қилмайлик. Бу дунёда ҳаммамиз меҳмонмиз, бир-биримизга ганиматмиз. Барчамизга хайрли, эзгу, соҳиқ амаллар қилмоғимизни насиб қилсин!

Маматқул СУЛАЙМОНОВ,
Сирдарё вилояти.

БОЛА УЙИДА КЎРГАНИН ҚИЛАР

Ёш авлодга уй-рўзгор тутуми, оила ҳўжалигини тежаб-тергаб бошқариш, бир-бирини тушуниш, муросан мадора, поклик, хаё-андиша, қайнота-қайнонани сийлаш, қайнбўйинларни туғишганлардек кўриш, фарзандларни қобил қилиб тарбиялаш каби гўзал фазилатларни сингдириб, ўргатиб бориш ҳар биримизнинг ота-оналик бурчимиздир.

Одатда, одамнинг феъл-атвори, юриш-туриши, муомала-муносабатига қараб, унинг ота-онаси ким, оилада қандай тарбия кўргани ҳақида ҳукм чиқарилади. Табиатан мулойим, ҳушқачқак, одамшаванда, меҳнаткаш кишилар аҳил оилада камолга етадилар. Бола тарбияланаётган оиладаги эр-хотиннинг ўзаро тотув бўлиши, бир-бирига самимий муносабати, вафодорлиги, ишонч ва хурмати катта аҳамиятга эга.

Масалан, ота ишдан уйга барвақтроқ қайтди-ю, аммо ҳали она уйга келгани йўқ. Ота болаларни ёнига олди-да, овқат тайёрлашга, уйда тартиб ўрнатилганга киришди. Ишдан хориб келган она саранжом-сарихталликни кўриб, кўнгли ёришди, гўё бир зумда ҳордиги чиққандек ўзини енгил сезди. Эр билан хотин ўртасидаги бундай ўзаро хурмат ва гамҳўрлик болаларни, онани хурмат қилишга, унга нисбатан меҳрибон бўлишга ўргатади. Натҳажда, оилада сансаларликка ўрин қолмайди. Муҳими, ота ёки онадаги яхши хусусиятлар болаларга ҳам ўтади.

Меҳнат билан топилган ҳар бир сўмни

жой-жойига, эҳтиётлаб сарфлаш ва зурриётларини ҳам бунга болаликдан ўргатиб бориш тарбиянинг муҳим талабларидан саналади. Оилада қанча киши ишлаши ва бундан оилага қанча даромад келишини болалар ҳам билиб қўйгани маъқул. Тўплаган даромадни нималарга сарфлаш кераклиги оилавий кенгашда келишиб олин-



са, яна ҳам яхши. Болалар ҳам бунни тушуниб, ўринсиз талаблардан ўзларини тийишга ўрганадилар. Оилавий сўхбатларда, дастурхон бошида ҳеч қачон кўни-қўшниллар тўғрисида ёмон гап гапириб, гийбатга ўрин бермаслик даркор. Бунинг таъсирида болалар кўчадан ҳар хил гапни топиб ке-

СОҒЛИГИНГ — БОЙЛИГИНГ

ТАБИБНИНГ СЎЗИ ҲАМ ДАВО

«Бир неча йиллардан бери остеохондроз касаллиги билан оғриб келардим. Вақтида даволанмаганим боис бу хасталик оқибатида радикулитга ҳам (орқа миянинг нерв илдизлари ва улардан кетадиган нерв толалари касаллиги) дучор бўлдим. Азобларим кундан-кунга ортиб борарди. Бир кун ушбу газета орқали Қаҳҳоржон Аминов муолажалари ҳақида ўқиб қолдим. Сўнг умид билан йўлга чиқдим. Даволаш муолажаларига мунтазам қатнаб, табибнинг қатъий тавсиясига биноан тайёрланган малҳамлардан ичдим. Ҳозир аҳволим анча яхши ва у кишига ўзимнинг самимий миннатдорчилигимни изҳор этмоқ ниятида сизларга мактуб йўллашга жазм этдим.

**Ҳилола,
Қарши шаҳри».**

Ўзбек халқ табobati соҳасида бир неча йиллардан бери самарали фаолият кўрсатаётган табиб Қаҳҳоржон Аминов ўзининг табиий гиёҳлар асосида тайёрлаган дармон-дорилари орқали куйидаги даволаш муолажаларига тақлиф этади:

- ⇒ **Ўт қопидаги тошларни тушириш;**
- ⇒ **Ошқозон-ичак, қораталоқ касалликлари;**
- ⇒ **Гижжа, лямбля, юздаги оқ доғларни кетказиш;**
- ⇒ **Бел ва оёқ оғриғи, бод, артрит, полиартрит умуртқа чурраси, елкада, бўйин ва тиззада туз йиғилиши сингари хасталиклар;**
- ⇒ **Инсултдан кейинги тикланиш даври, юрак, қон-томир, қон босими ва асаб касалликлари;**
- ⇒ **Эндокрин касалликларининг барча турлари самарали даволанади. (т)**

ТАБИАТ — ДОРИХОНА

ЗИРКНИНГ ХОСИЯТЛАРИ

Зирк шаробин ички, унинг фойдасидир беҳисоб, ич кетиш, дил ғашлигини ҳар кишини қутқарар. Ҳам жигарга, ҳам юракка, меъдага қувват бериб, ҳам куйвар сафрони-ю, чанқов касалини йўқотар...

Гиёҳшунослик китобларида зиркни «зирш», «зож», «зирнак», «амбарбари», «қорақанд», «барбарис» деб атайдилар. Ўзбек паловини хуштаъм қилиш ва шухратини дунёга машҳур этишда зиркнинг ҳам ҳиссаси бор. Бу ажойиб хушманзара, шифобахш ўсимлик бутун дунёга қадимдан маълум. Мирзо Улуғбек ўзининг машҳур «Юлдузлар жадвали»ни, Алишер Навоий ўлмас шеър ва газалларини унинг шарбатидан тайёрланган сиёҳлар билан ёзган.

Турган-битгани фойдали бу ўсимликнинг нордон барги, меваси ва илдизи таркибида алкалоидлар, витаминлар — А, С, Е, В1, В2, қандлар, фруктоза, гликозид, ошловчи моддалар, эфир майлари, органик кислоталар (олма, лимон ва б.), минерал тузлар, бўёқ ва бошқа фойдали моддалар мавжуд. Зиркнинг шифобахш хусусиятларидан қадимий Рум, Миср, Шом, Ҳиндистон, Хитой табиблари самарали фойдаланганлар.

Буюк табиб Абу Али ибн Сино зиркни чанқоқ қолдирувчи, иситма хуружидан халос этувчи, иссиқ ишларда фойда берувчи, меъда ва жигарни кучли қилувчи, юракка далда бўлувчи, ични боғловчи, сафрони ҳайдовчи ва бошқа касалликларга шифо бўлгучи омил сифатида тавсия этган. Берунийнинг таъкидлашича, зирк пўстидан тайёрланган шарбат иссиқдан куйган танани даволашда ёрдам беради ва оғриқни пассивиради.

Зирк халқ табobatiда юрак-томир, асаб фаолияти сустлашганда, неврастения, ошқозон-ичак, сарик, зотилжам, ҳафакон, безгак, бод ва бошқа касалликларни даволашда ишлатилади. У иштаҳа очувчи, ўт ҳайдовчи, яллиғланишга қарши восита сифатида ҳам қўлланилади. Зирк новдаси, илдизи ёки пўстлогидан тайёрланган қайнатма синган, чиққан, лат еган суякларни,

ҳар хил яра-чақа, истисҳо дардини ҳамда куйган терини даволашда фойдалилиги алоҳида таъкидланади. Бу қайнатма халқ тилида «Қиёми зирк» деб аталади, унинг суолтирилгани билан оғиз бўшлиғи касалланганда чайқаш тавсия этилади. Зиркнинг барглари асосида тайёрланган дахлама безгак асорати бўлган талоқ шишида, жигар касалликларида фойда бериб, пўстлоқларининг дахламаси ўтдаги тош, сарик, буйрак оғриғи, бод каби хасталикларни даволашда қўлланилади. Олимларнинг фикрича, зирк барглари асосида тайёрланган спиртли эритма қон



тўхтатиши, яллиғланишга қарши даво бўлиши билан бирга, қон томирларини торайтиради, томир уришини тезлаштиради, ўт ажралишини кучайтиради, бачадон мушакларини қисқартиради. Илмий табиблар ҳам зиркдан тайёрланган дори-дармонлар кенг қўлланилади. Масалан, зирк баргидан тайёрланган шарбатлар сафро, хавфли ўсмаларни даволашда ва шамоллашга қарши самарали восита сифатида ишлатилади. Қўп дардларга дармон бўлмиш табиат неъматидан фақат халқ табobatiда эмас, озик-овқат ва қандолатчилик сановатида ҳам кенг қўлланилади. Ундан шарбатлар, мураббололар, компотлар, киселлар, консервалар, спиртсиз ичимликлар, сир-

калар тайёрлашда фойдаланилади. Ўзбек пазандчилигида зирк кўпгина овқатларга қўшилиб, уни тотли, хушхўр ва шифоли бўлиши учун хизмат қиладди. Зирк асалчиқ ўсимлик бўлиб, у манзарали ўсимлик сифатида ҳам қадрланади.

Фойдали маслаҳатлар:

1. Зиркнинг қуритилган ва хўл баргидан чой дахламаси ўрнида фойдаланса ҳам бўлади.

2. Сурункали холециститни даволашда икки чой қошиқ зирк мевасини эмал кастрюлдаги 250 мл сувга солиб, 20–30 минут паст оловда қайнатиб, ҳар кун ичтириш олдидан 2–3 маҳал 1–2 ош қошиқдан ичиш керак. Таъсирига қараб, кўпроқ ичиш ҳам мумкин.

3. Суяк синганда, чиққанда, лат еганда, бўгин ва мушак оғриқларида зирк қиёмини бугдой (мош) уруғидек микдорини илиқ сувда (сутда) эритиб, кунига 2 маҳал овқат олдидан ичиш фойдали.

4. Зирк иссиқ миждоли кишиларга фойдали бўлиб, совуқ миждоли ҳамда қабзият, куланж, ич дам бўлиш (ма-теоризм) хасталиғи бор кишиларга зарарлидир.

5. Наша ва тамаки билан захарланган ҳамда чекишни ташламоқчи бўлган кишиларга зирк илдизи қайнатиб берилса, ёрдам бериши мумкин.

6. Олма ва зирк сувидан тенг микдорда олиб, зиркдан олинган сувнинг ярмига лимон сувидан аралаштириб, унинг устига бироз шакар ҳам қўшиб қайнатилса, захарни кесувчи, нафас ва юрак сиқилишини, ғам-ғуссани ва иштаҳасизликни, иситмани даф қилади.

7. Зирк сувининг миждоли совуқ бўлиб, сафрони йўқотиб, чанқовни қолдиради, меъда ва жигар йўлини очади, истисҳога фойда қиладди, балғам қўлғидан ёки жигар сустлигидан юз берадиган ич кетишни қолдиради.

8. Сабзавот ва меваларга зирк барглари қўшиб сиркаланса, узоқ вақт яхши сақланади.

**Сафар МУҲАММАДИЕВ,
доцент.**

МУТАХАССИС МАСЛАҲАТИ

МАХСУС МАШҚЛАР ҚУВВАТНИ ОШИРАДИ

(Давоми. Боши ўтган сонларда.)


1. Ваннага сув тиндирасиз ва жуда оз микдорда ош тузи соласиз. Бу тadbир бир неча дақиқа давом этади.

А) 3 дақиқа давомида иссиқлиги +38°C бўлган сувда ётасиз, шундан кейин сувнинг иссиқлигини +32°C даражага тушириб, яна 1 дақиқа ўтирасиз.

Б) Бу босқичда +32°C даражадаги сувда 3 дақиқа ўтирасиз ва бир дақиқа ўтириш билан якунлайсиз.

Бундан кўзланган мақсад сувнинг ҳароратини тез алмаштириш ёрдамида баданда, айниқса, гавданинг белдан пастки қисмида қон айланиш жараёнини тезлаштиришдир.

2. Яна бир тadbир. Бунисини бажариш учун иккита катта эмал тоғора керак бўлади. Уларни бир-бирига яқин, ёнма-ён қўясиз-да, биринчисига иссиқлик даражаси +37—+40°C бўлган сув қўясиз, иккинчисига эса сув тarmoқларидан олинган совуқ сув қўясиз. Иссиқ сувда 3 дақиқа ўтиргач, совуқ сувли тоғорага ўтиб, 1 дақиқа ўтиринг. Мана шу тadbирни уч марта такрорланг. Тadbирни совуқ сувда ўтириш билан якунлайсиз, чиникиб, кўникиб борганингиз сари бу тadbирни бажариш мuddатини қўзиб бораверишингиз мумкин. Масалан, иссиқ сувли тоғорада



DOCTOR-D клиникаси раҳбари, тиббиёт фанлари номзоди Дилмурод ЭРҒАШЕВ

6 дақиқа, совуқ сувлигида 1 дақиқа, сўнгра бу рақамлар 9–3 гача кўтарилиши мумкин.

3. Чиникиш даражаси яхши бўлган, юраги соғлом одамлар совуқ сув тўлдирилган ваннада ўтириш билан ҳам ўз жинсий қувватларини оширишлари мумкин (аввал сувни +25°C даражага қиздириб, кейинчалик совуқ ҳолича). Бундай ваннада сувнинг совуқлиги сезилмай қолгунча қадар ўтириш керак. Ванна қабул қилинаётган хонадаги ҳарорат +20°C даража бўлиши лозим.

Бундай ванналар юраги хаста, қон босими баяндам ва умуртқа суягида остеохондроз борларга тавсия этилмайди.

Бу борада бизнинг «DOCTOR-D» ихтисослаштирилган клиникамизда керакли муолажалар, тиббий ёрдамлар кўрсатилади (тел: +99871-113-00-57). E-mail: hospital@doctord.uz. URL: http://www.doctord.uz

«68 ёшли бувимнинг ўнг оёғи оғриди. Айниқса, кечалари азоб бергани учун яхши ухлалмайди. Шифокор тавсия қилган дори, малҳамларнинг ҳам фойдаси бўлмапти. Оёғи гоҳи музлаб, гоҳи исиб кетади. Қондаги қанд микдорини текширтирсак, меъридан баланд (15) чиқди. Бу қандай касаллик, давоси борми?»

САВОЛ-ЖАВОБ

**Захро,
Тошкент».**

Беморнинг аҳволи диабетик полиневропатияга дахлдор эканини кўрсатапти. Яъни, қонда қанд микдори ошиши туфайли нерв толалари емирила бошлаган. Касалликни эндокринолог ва невропатолог ҳамкорликда даволайди. Қандли диабетга хос хасталикни буткул тузатиб юбориш мушкул бўлгани учун вақтида малакали муолажа олинса, беморнинг аҳволи оғирлашмайди.

**Омон ҒУЛОМОВ,
олий тоифали невропатолог.**

«Гриппдан кейин ўнг кўзимнинг тепасида доим нуқта турадиган бўлиб қолди. Икки ойдан бери, кўзим олдидан шу нуқта сира кетмайди. Дўхтирлар буюрган дорилар наф бермади, улар аниқ ташхис ҳам қўймади. Баъзида қон босимим кўтарилиб туради. Кўзимни даволаш мумкинми?»

**Фарида ЭСОНОВА,
Андижон, 62 ёш».**

Гриппдан кейин кўз тубида асорат қолиши мумкин. Лекин беморни кўрмай туриб унга аниқ ташхис қўйиш ва тавсиялар беришнинг иложи йўқ. Бу ҳолатнинг асл сабабини билиш учун кўзини текшириш — қорачиқни кенгайтириб, кўз тубини кўриш керак. Турар жойингиздаги поликлиникага мурожаат қилиб, офтальмологнинг юқоридаги текширувидан ўтинг.

**Тўрабек СОЛИЕВ,
шифокор-офтальмолог**

«Нос чекишни ташлашга қийналапман. Бунинг давоси борми?»

**Аброр,
Фаргона».**

Бу зарарли одатдан қутулишнинг имкони бор, албатта. Диспансеримида шифокорлар томонидан бу чора-тadbирлар амалда қўлланиб келинапти. Танани захардан тозалаб, организмдаги никотинга бўлган талабни камайитириш йўли билан даволаш тажрибада самара бермоқда. Истиқомат қилаётган вилоятингизнинг наркология диспансерига мурожаат қилинг.

**Мирвоҳид Қосимов,
Тошкент шақар наркология диспансери нарколог-шифокори.**

BOLALAR DUNYOSI

YAXSHI O'YINCHOQLAR KO'PAYSA

Sardorbek ismli besh yoshli o'g'lim bor. Bog'chadan keladi-yu, televizor yoniga mixlanadi. Xorij kanallarida beriladigan multfilmlarni ko'rib o'tiraveradi.

— Ko'chaga chiqib, o'rtoqlar bilan o'ynab kel, desam, «Multfilm ko'raman!» deb turib oladi. U juda injiq, qaysar, aytganini qildiradigan bola bo'lib o'sayapti. O'g'lim bilan biror joyga

o'yinchoq ko'rsa, olib berasiz, deb turib oladi. Imkoniyatim bo'lsa-ku, mayli, lekin ba'zida do'ppi tor kelgan paytlar nima qilishni bilmay qolaman. Nuqul qo'rq'inchli, narxi baland o'yinchoqlarga tarmashadi. Yana qandaylari deng, «Черепашка ниндзя», «Человек паук», «Spiderman» oti ham allambalo,

biri-biridan dahshatli odamsifat maxluqlar. Narxining osmondaligi mayli-ku, ular nari borsa bir-ikki kunga chidaydi, xolos. Eng achinarlisi, bunday yovuz o'yinchoqlar bolalarni ezgulikka chorlaydimi? Shu bois do'konlarda, bozor peshtaxtalarida farzandlarimizning dunyoqarashini o'stirishga, kayfiyatini ko'tarishga, ularga xotirjamlik bahsh etishga xizmat qiladigan o'yinchoqlar ko'payishini istardim.



mehmonga borishga uyalaman. Hattoki do'konga ham chiqish azob. Chunki u yerda qanday

Nilufar YO'LDOŠEVA,
Farg'ona viloyati.



SHUHRAT

SALOM, MAKTAB!

Salom, maktab, jon maktab, Gul bog'laring chiroyli. Eshiging och kattaroq, Endi kirib boraylik.

Yoz oylari o'ynadik, Dala, qir va tog'larda. Kattalarga qarashdik, Polizlarda, bog'larda.

Daryolarda cho'mildik, Toqqa chiqdik, chirmashdik. Gerbariyalar to'pladik, Shahar o'tib, qir oshib.

Soya-salqin bog'larda, O'ynab yig'dik kuch-quvvat. «Yana a'lo o'qiyimiz!» — Bu bizdagi zo'r niyat.

O'RNAK OLING!


YOSH POLVON

Sarvarbek Rajabov sportga juda qiziqadi. U Navoiy shahridagi 8-maktabning 4-sinfida a'lo baholarga o'qish bilan birga, suzish va milliy kurash to'garaklariga ham qatnashadi.

Sarvarbek maktab, shahar va viloyat miqyosida o'tkazilayotgan musobaqalarda faxrlari o'rnlarni qo'lga kiritib kelmoqda. Samarqandda «Sog'lom avlod yili»ga bag'ishlab o'tkazilgan musobaqada kurash bo'yicha 2-o'rinni, Buxoroda milliy kurash bo'yicha o'smirlar o'rtasida bo'lib o'tgan viloyat ochiq turnirida 1-o'rinni, bu yil esa Bolalar sportini rivojlantirish jamg'armasi sovrini uchun Jizzax shahrida o'tkazilgan musobaqada shu sport turidan 3-o'rinni egalladi.

Sarvarbek singari yoshlar davlatimiz tomonidan yaratilgan imkoniyatlardan oqilona foydalanib, nafaqat sportda, balki boshqa jabhalarda ham o'z iqtidori va bilim salohiyati bilan yurtimiz davrig'ini olamga yoymoqda.

Ra'no RABBIMOVA,
Navoiy viloyati.



KAMTARIN DARAXT

Na o'sar yer bag'irlab, Na bir falakka sapchir. Bir gullamay, ikki bor Hosil beradi anjir, Mevalari mazzadir.



MUSHUK

Mushuk zoti bor — Sichqon dodi bor. O'chmas xotira, Yolg'on yodi bor. Baland-pastini, Aytсам rostini, Sichqondan olar Itning qasdini.

Madinabonu SAIDOVA,
Angren shahridagi
73-maxsus internat o'quvchisi.

TUN

Tunda osmon yulduzga to'lar, Men ularga qarab qolaman. O'z yulduzim qidirib asta, Shirin xayol bilan yonaman,

Mana topdim o'z yulduzimni, Porlashidan qamashar ko'zim. Biram go'zal, biram bejirim, Unga boqib, ko'roldim o'zim.

Tun, sokinlik, go'zal manzara, Uyimizda barcha uyquda. Qo'llarimda qog'oz-qalamim, Bir she'r yozdim, baxtliman juda. O'g'iljon ABDULLAEVA, Xorazm viloyati Urganch shahridagi 1-umumta'lim maktabining 9-sinf o'quvchisi.

TAASSUF

KSEROKOPIYA EKAN-KU!

Karimaning antiqa qobiliyati bor-da: dars oxirida uy vazifasini topshirishingiz bilan qo'lini ko'taradi.

— Ruxsat bering, uyga vazifani gapirib beray.

U fizikadan o'tilgan darsni kitobda qanday yozilgan bo'lsa, nuqta verguligacha bexato takrorladi.

Dastlab o'quvchining noyob qobiliyatiga qoyil qolib yurdik. Bir chorak unga faqat eng yuqori baholar qo'ydik. Keyinchalik Karimaning tahlil qobiliyatini sinash maqsadida o'tilgan darslar, bir-biriga bog'liq fizika qonunlari, ularning tahlili haqida savollar berdim. U bularga mutlaqo javob qaytarolmadi.

Karimaning miyasini komputer, deb yurardik. Afsus, yanglishibmiz. U bor-yo'g'i kserokopiya ekan.


Ismoil SHOMURODOV,
Xorazm viloyati.

TOPJSHMOQLAR

To'rtidir uning oyog'i, Temir mixli tuyog'i, Manzilga yetishtirar, Toshdan qattiq tuyog'i.



G'it-g'it deydi, ishlaydi, Yerga kukun tashlaydi.



Qat-qat quloq, Dum-dumaloq.



TEZ AYTJSHLAR

Mavluda hovlida, Singlisi Mavjuda — qo'lida.

Sabiha, Sohiba, Zabiha, Sahifani sinchiklab o'qidi.

NABOTOT OLAMI AJOYIBOTLARI

OLMA EMAS

Odatda, daraxtlarning mevasi novdalarida joylashadi. Tropik mamlakatlarda esa yo'g'on tanasida meva tugadigan daraxtlar ham uchraydi. Ular fanda omfokarpum anoktsentrum deb nomlanadi.


Shimoliy Barneoda uni yerli aholi "tugmacha daraxt" deb ataydi. Uning bo'yi 15 metrga boradi. Mevalari pishish oldidan olmaga o'xshaydi.

ZAMBARAK DARAXT

Britaniyaning Gvianasida juda ajoyib bir daraxt o'sadi. Uning gul va mevalari daraxt tanasi bo'ylab osilib turadigan novdalarga o'rmasigan. Fanda couropita guanenane deb yuritiladigan daraxtning mevasi qattiq, yumaloq, sharsimon, jigarrang, diametri 10–18 sm bo'ladi. U shamolda bir-biriga yoki daraxtning tanasiga urilib, uzoqdan kelayotgan zambarak tovushini eslatadi. Shuning uchun unga «zambarak daraxt» deb nom berishgan.

HAM BOSHPANA, HAM SUV MABYAYI

Madakaskar orolida o'sadigan barglari tovushning dumini eslatuvchi o'simlik — ravenala madagaskarenzisini sayyohlar quvonch bilan tilga



bahramand etadi.

Ravenala gigant daraxtlardan hisoblanadi. Butun tanasi barglardan iborat.

FIL DARAXTI

Fanda paxikarpus diskolar deb ataladi. Kaliforniyaning janubida uchraydi. U yerdan bir yo'la bir nechta tana chiqaradi. Shu bois bu daraxtning ko'rinishi xartumini ko'tarib turgan filni eslatadi.

Shunday bahaybat daraxt ham juda chiroyli gullaydi. Bu davrda o'simlikning barglari to'kilib ketadi.

Akbar SIDDIQOV,
O'zDSI talabasi.

Sahifani Nigora RAHMONOVA tayyorladi.

ДУШАНБА 30

06.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
07.10-08.00 «Мазнавият» дастури.
08.00 «Тахлилнома».

17.00 «Ахборот».
17.15 «Ватан манзиллари».
17.35 «Эртақлар – яхшиликка етаклар».

13.40 «Қорақалпоқ ёшлари».
14.00 «Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон».

08.45 Мультсериял: «Сеними, шашмай тур!».

22.20 Эко-«Пойтахт». /рус/.
22.30 «Пойтахт».

06.00 Барҳаёт наволар
06:30 «Буни ҳаёт дейдилар»

07.00 Информацион блок
07:20 «Улуғимсан, Ватаним!»

СЕШАНБА 31

06.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
07.10-08.00 «Мазнавият» дастури.

17.00 «Ахборот».
17.10 «Турон ботир». М/ф.

11.30 «Салом, ёшлар!»
12.10 «Мешполон». Б/ф.

07.30 «Салом, Тошкент!»
08.20 Тошкент тароналари.

21.40 «Интервью».
22.20 «Репортаж». /рус/.

07.00 Байрам наволари
09.00 Мультфильм

06.30 «Буни ҳаёт дейдилар»
07.00 Информацион блок

ЧОРШАНБА 1

06.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
07.10-08.00 «Мазнавият» дастури.

20.40 «Иклим».
20.45 «Ватанимни куйлайман».

13.30 Миллий сериал: «Сержантлар».

22.00 «Тошкент оқшомлари».
22.30 «Пойтахт». /рус/.

07.00 Байрам наволари
09.00 «Хечдан кўра кеч»

08:10 Бадий фильм
09:50 Информацион блок

ПАЙШАНБА 2

06.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
07.10-08.00 «Мазнавият» дастури.

11.00 «Ахборот».
11.15 «Умр манзаралари».

17.00 «Ахборот».
17.15 «Тарих кўзуси».

06.00 «Салом, ёшлар!»
06.40 «Сайқал».

13.00 «Давр».
13.10 «Барқамоллик йўлидан».

20.50 «Император аёл». Т/с.

07.30 «Салом, Тошкент!»
08.20 Тошкент тароналари.

САХОВАТПЕШАЛИК КАСБИ УНИНГ ...

ИСТИҚЛОЛ ИМКОНИЯТЛАРИ

Ургут тумани кўҳна Самарқанд заминининг қадим маданият ёдгорликларига, зиёратгоҳ маконларига бой ҳудудлардан бири. Шунингдек, бу манзил одамлари қадим-қадимдан деҳқончилик бўйича бой тажриба тўплаб, она ер билан тиллашиб, эл-юртга ризку рўз улашиб келганлар. Айниқса, истиқлол йилларида барча юртдошларимиз қатори бу туман аҳолиси ҳам чин маънода ерга, мулка эгаллик ҳиссини англаб етди, десақ, муболага бўлмас. Энг муҳими, ўзлари туғилиб ўсган заминда бунёдкорлик, яратувчанлик билан машғул бўлган ургутликлар орасида саховатпешалик, меҳнатсеварлик ва фидойилик бобида ўрناق бўлмоққа эришгил инсонлар кўп.

Бугунги мақолаимиз қаҳрамони Нарзулла Файзуллаев Ургут туманидаги «Абн-Нарзулла-Алим» фермер хўжалиги раҳбари. Суяги меҳнатда қотган, иқтисодчи, тажрибали деҳқон. Биз — газетчилар тили билан айтганда, сўзи билан иши бир, обрў-этиборли, қатъиятли раҳбар. Хўш, нима бўлибди, юртимизда бундай лафзи ҳалол инсонлар, илғор фермерлар, деҳқонлар камми, дерсиз? Шукрки, мустақил юртимизнинг ҳар бир кишлоғи, маҳалла-кўйида ана шундай, эл қорига ярайдиганлар кўпчиликини ташкил этади. Шуларнинг фидойиликлари боис Ватанимиз обод, кишлоқларимиз кундан-кунга чиroy очиб бормоқда. Тан олайлик, фидойиликни ўз ҳаёт мазмунига айлантириб яшаётган шундай кишилар ҳақида, назаримда бизлар камроқ ёзаётгандекмиз. Улар айримларга ўхшаб, ҳадеб мақтанишни хуш қиришмайди, камтаргина меҳнати, ибратли яшаш тарзини ҳам кўз-кўз қилгилари кел-

майди. Нарзулла ака ҳақида ҳам гап кетса, юқоридаги фикрларнинг тасдиғини эшитиш мумкин.

— Аниқ ҳисоб-китобда ҳикмат кўп,



— дейди Нарзулла Файзуллаев биз билан суҳбатда. — Қолаверса, фермерчиликдан кўзланган асосий мақсад ҳам фаровонликка эришиш ва юртни обод этишга муносиб ҳисса қўшишдан иборат экани бугун ҳаммамизга аён оддий ҳақиқатдир.

Дастлаб 2006 йил 16 гектар ер билан ташкил этилган хўжалигимизнинг бугунги кунда 49,8 гектар ери бор. Шундан сугориладиган майдонимиз 43 гектар. 20 гектарига тамаки, 14 гектарига галла, қолган қисмига эса сабзавот ва полиз экинлари эканмиз. Утган йили 15 миллион сўм соф фойда олдик...

Нарзулла аканинг бу гаплари сал баландпарвозроқ туюлса-да, аслида, рост. Утган йиллар шартнома режаси ортиғи билан бажарилгач, даро-

мадга яраша ишчилар ҳам рағбатлантирилган. Хўжалик аъзоларидан айримлари машинали бўлди, кимдир ўй курди, яна кимдир ўғил уйлади, қиз чиқарди. Бир сўз билан айтганда, ҳалол ишлаган одам яхши яшайпти.

Нарзулла акадаги соҳага бўлган қизиқиш, унинг табиатига хос тиниб-тинчимаслик, ишбилармонлик каби хислатлар фермер хўжалигининг ҳар томонлама барқарор ривожланишига асос бўлмоқда. Эргаш Йўлдошев, Жумагул Шарипова, Шавкат Ибодуллаевлар фермер хўжалигидаги илғор ишчилар ҳисобланади.

— Келинларим Комила, Розила, Гулзорлар ҳақида ҳам ёзиб кетинг, — дейди Нарзулла ака. — Ошпазимиз ҳам, новвойимиз ҳам, сут соғувчиларимиз ҳам шулар. Ҳар куни тандир-тандир нон ёпишади, хуштаъм овқатлар пиширишади. Уч бош соғин сиғирни ҳам ўзлари боқиб, ўзлари соғади. Ҳаммага ҳам шундай келинлар насиб қилсин! — дейди фермер фахрлиб.

Йигирма икки йил жамоа хўжалигида ҳисобчи, ўн йил бош ҳисобчи бўлиб ишлаган Нарзулла акани бугун Фишмачит маҳалласида ёшу қари бирдек хурмат қилади, эъзозлайди. Аёли Гулсара опа билан етти нафар

ўғил-қизни ўстириб, тарбиялаб эл-юртга қўшишди.

— Жонажон юртимизнинг равнақи учун шу муқаддас замин ҳақи-хурмати, қўлимиздан келгунича уни обод этайлик. Ниятим, ҳар биримизнинг «Умр» деб аталган саваб дафтаримизни фақатгина яхшилик безасин, — дея сўзида давом этади суҳбатдошимиз. — Бахтимга Гулсара янгангиз омон бўлсин. Уттиз йил бирга яшаб, бир марта кўзимга тик қарамади, гап қайтармади. Барака топсин. Фарзандларим, невараларим жам бўлишса, уйимиз тўлиб кетади. Шулар билан кўнглим шод, бағрим бутун.

Алп қоматли, маънан етук, руҳан тетик, камтарин инсон Нарзулла ака Файзуллаевнинг орзу-истаклари, кишлоқ мулкдорларига хос салоҳияти, ота-боболаримиз орзу қилган буюқ неъмат — мустақиллик туфайли рўёбга чиқаётганига амин бўламиз. Ургут туман кишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи Улаш Пўлатов қаҳрамонимиз ҳақида шундай дейди: «Нарзулла ака фермерларимиз орасида ўзининг меҳнатқашлиғи, ҳолис ва ҳалоллиғи билан ажралиб туради. Жонли бир мисол, деярли ҳар йили ўз ишчиларини-ку керакли маҳсулотлар билан таъминлайди, улардан ортиб, маҳалласида яшовчи кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилаларга ҳам чин кўнглидан, беминнат равишда хайрия ёрдамлари кўрсатади, ободончилик ишларига маблағ ажратади.

Дарвоқе, фермер хўжалиги аъзоларининг жорий «Баркамол авлод йили»даги режалари янада улкан. «Абн-Нарзулла-Алим» каби фермер хўжаликлари юртимизда йил сайин ривожланиб, янада кенгроқ фаолият юритаётгани қувонarliдир. Бу эса, шубҳасиз, халқимиз дастурхонининг янада тўкин бўлишига хизмат қилади.

Ҳошим ОРЗИҚУЛОВ,
«Oila va jamiyat» муҳбири. (t)

ЁБОНЛИК МОМО

ЎЗБЕК ФЕЪЛИ

кўндирдингиз, — дедим кампирни мактаб.

— Бир йили тўнғич ўғлим кўярда-кўймай ўн кунлик дам олиш уйига олиб борувди. Менга тўғри келмади, икки кунда қочиб кетувдим, — деди жил-майиб.

— Нима, шунчалик юмушингиз кўпми?

— Элчилик-да болам, кўшнимиз Холиқ қўпнинг тоби йўқ эди, яна иккита келинимнинг ой-қуни якин. Тўй-маъракалар бор.

— Сиз бўлмасангиз тўйлар ўтмайди? — дейман ҳазиллашиб.

Момо менга ажабсиниб қарайди.

— Менсиз қандай ўтказишадди, қани, ўтказиб кўришин-чи? Менсиз товукларига туҳум ҳам бостиришолмайди.

Шу пайт дарвоза ёнига машина келиб тўхтади ва ундан учта йигит тушиб, биз томонга юришди. Момо уларни кўриб, қувониб кетди:

— Ана, болаларим келишди!

Йигитлар оналари билан кўришиб, машина юкхонасидан тарвуз-қовун, мева-чевалар, патир ва бир тоғора Чиял яхнасини кўтариб келишди. Момо олиб келинган неъматларни барчага тақсимлаб, улашиб чиқди.

Пешин пайти Қурбонсулов момо жўнаб кетди. Назаримда, ҳайҳотдек шифохона ҳувилда қолгандек эди...

Ўролбой ҚОБИЛ,
Қамаш туманидаги
42-мактаб ўқитувчиси.

Шифохона боғидаги ўриндикда газета ўқиб ўтирардим. Ёнимга даштлиқ экани кўриниб турган момо келиб, қўлимга телефонини тутди:

— Болам, мановини ёқиб бер, уйдагиларни бир тергаб қўймасам, ҳаддиларидан ошиб кетишади.

Мен телефондан керакли рақамни топиб узатдим. Момо бирдан жиддий тортиб гапирди: — Бувиражаб, сенмисан, мен кетиб эркин чумчуқ бўлиб қолдиларинг-ма, бованг қаерда? Яна Ўсар ошанасиникига қарта ўйнагани кетди-ма, «азройил» йўқлиғида яйраб қолай деганда. Сизни соғинди, дединг-ма? Ундай уят гапни айтма, ўзи мендан кутулломай юрибди. Айтиб қўй, кўзим хиралашасям, ҳали ўлганим йўқ! Мени эшитаясан-ма, эрингга айт, тилпонимга пул ташлаб қўйсин. Пенсиядан дейсан-ма, йўқ, чўнтагидан! Ўғил бўп менга нима хизмат қилди, эржонинг? Ҳой, эшит, лекин Кўчқор неварамга уришма, кўшини палағига ўғирликка тушса тушибди-да, ҳали бола, уйланса босилиб қолади, мен бадар кетиб, шугинага қийин бўлдиёв...

Бехосдан момонинг телефони сигнал бериб ўчди-ю, яна қанча айтадиган гаплари чала қолди. Момо менга бир қур назар солиб, хонасига кириб кетди.

Кечки пайт момо яна ёнимга келиб ўтирди. Юз-кўзидан, ҳаракатларидан зерикаётгани кўриниб турарди. Мен секинги-

на сўз қотдим.

— Қаерликсиз, хола?

— Чироқчининг Чиял тарафидаги ёбондан. Отим Курбонсулдув, лекин таниганлар «бой момо» деб чақиривади. Ёшим етмиш олтида. Кўзим хиралашиб, ип ўтказолмай қолдим. Келганимга уч кун бўлди, дўхтир қизлар дори билан даволаяпти, ҳарна яхши. Ўзинг қаерликсан, болам?

— Қамашининг Жонбўзсойидан, мактабда болаларни ўқитаман.

— Яхши, аммо китоб-қоғозга кўп қарабсан-да, кўзойнақ тақиб олибсан. Менинг тўксон тўртта кирган энам бор, ўрмак тўқийди, куви пишади, урчуқ йигиради, бир чақиримдан эркак-аёлни ажратади. Бу ерга ҳам «ўзингнинг жонинг, ўзингга керак», деб уришиб жўнатди. Тўғриси айтсам, зерикдим, айна бугдой ўрилайтган пайтда мен бу жойда ялпайиб ўтирсам, уят бўларов...

— Нима фермермисиз?

— Бўлмасам-чи, беш йил бўлди, хўжалик менинг номимда, «печати» сандиғимда. Айтсам, 280 гектар ерга галла экдик, бу йил ҳосилнинг шашти баланд, ўзим эшак миниб айланиб кўрдим. Яна ўттиз гектар ерга зиғир, қовун-тарвуз экканмиз.

— Сиз тарафларда сув йўқ-ку?

— Ҳамма шундай дейди, ишлаган йўлини топади. Иккита артезан қудугимиз бор. Суви ширин. Ўзимиздан ортиб кишлоқдошларнинг томорқасига ҳам етади.

— Болалардан нечта, хола?

— Бариси уйли-жойли бўп кетишган, қишлоқнинг ярми десаям бўлади. Ўғилларимнинг тўрттаси фермер бўлганди, яқинда бир-лаштирдим. Ҳисоб-китобини бухгалтер келиним бажаради. Яна тўртта тракторимиз, комбайнимиз, юк машинасим, жувоз, тегиригимиз бор. Кишлоқдаги келин-чакларни тўплаб, ўртанча келиним гилам тўқийдиган цех очган. Ишлари жойида. Фермерликнинг ҳисобидан кишлоғимиз йўлига тош ётқиздик, қабристонни девор билан ўраддик, кўприк курдик. Мактабга ҳам кўмак бериб турадим. Ахир, ўқувчиларнинг ярми невараларим-да...

Шу пайт ёнимиздан шифохона дўхтири ўтиб қолди. Момо дарров уни тўхтатди.

— Ҳой, дўхтир ўғлим, менга қачон жавоб берасан, кўзим яхши бўлди-ку?

— Эндигина уч кун бўлди, онажон, яна бир ҳафта сабр қилинг, — деди у қулиб.

— Йўқ, ундай дема, кечкурун



ўғилларим келади, дориларни ёзиб берсанг, келинларим томи-зиб турарди.

— Нима, бирор камчилик борми?

— Йўқ, ҳаммаси жойида, фақат менинг кишлоқда зарур ишларим бор.

Охири бўлмади, дўхтир бу қайсар момога жавоб беришга ваъда бериб қутулди.

Момо мамнун қиёфада ёнимга келиб ўтирди.

— Зўр экансиз, охири

Истиқлол қуёшидан баҳраманд бўлган юртимизда ҳар бир кун байрамга шайинди, десақ арзийди. Айниқса, жаннатимонанд ўлкамизда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари шахсинга ва ҳар қанга эътироф этмоққа лойиқдир.

Пойтахтимиздаги

“БЕКТЕМИРСПИРТ”

очиқ акционерлик жамияти жамоаси

халқимизни ҳамда Ватанимизда яшаётган барча миллат ва элат фарзандларини миллий байрамимиз — Мустақиллигимизнинг 19 йиллиги кун билан чин юракдан табриклайди!

Бу улуғ ва муборак сана ҳар биримиз учун ниҳоятда азиз ва эъзозлидир. Мустақилликни мустаҳкамлаш, бу фараҳбахш кунларнинг қадрига етмоқлик ҳар биримизнинг шарафли бурчимиздир.

Шундай экан, бу улуғ заминни кўз қорачўғидек асраб-авайлайлик. Биздан келгуси авлодларга озод ва обод Ватан қолсин!

БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!

ОБОДЛИК КЎНГИЛДАН БОШЛАНАДИ

ШУКУХ

Улар куну тун бедор бўладилар, десак ишонаверинг. Иш кунидан ташқари маҳалларда кўча-кўйларга чиқиб, тинчгина айланиб юрсаларда, бирор жойда чиқинди ёки исталган нарса эътиборсиз ётган бўлса, тинчи, оромни бузилади. Улар шунга ўрганиб қолишган. Ҳар кунги иш вақти эрта тонгданок шаҳар кўчаларидан бошланадиган бу касб соҳибларини ҳеч иккиланмасдан «ободлик элчилари» десак арзийди.

Шахрисабз туман ободонлаштириш бошқармаси ишчи-хизматчиларининг бир кунлик иш фаолиятини кузатсангиз борми, беихтиёр таҳсину раҳматлар айтасиз ва кўнглингизда соҳа вакилларига бўлган эҳтиром ва хурмат янада ортиб кетади.

— Шахрисабз, биласиз, кичкина жой эмас, мамлакат миқёсида оладиган бўлсак ҳам, энг кўна ва қадим манзиллардан бири ҳисобланади. Вилоятимизда аҳоли гавжум яшайдиган иккинчи йирик ҳудуд. Демак, шунга яраша кувонч ва ташвиши етиб ортади. Бизнинг вазифамиз бу гўша туну кун тоза ва озода бўлишини таъминлашдан иборат. Айни пайтда шаҳримиздаги барча кўча ва хиёбонларни маиший чиқиндилардан тозалаш учун зарур бўладиган техника воситалари жалб қилинган, — дейди **Шахрисабз туман ободонлаштириш бошқармаси бошлиғи Ҳаким Йўлдошев**. — Асосан одамлар серкатнов бўлган деҳқон бозори, Оксарой хиёбони, хорижликлар кўпроқ ташриф буюрадиган шаҳарнинг тарихий обидалари жойлашган диққатга сазовор жойларини ҳамма вақт тоза ва озода сақлашга алоҳида эътибор қаратганмиз. Негаки, юртимизнинг таъриф-тавсифини эшитиб келаётган ҳар бир



сайёҳ, энг аввало, муаззам шаҳримизнинг диққатга сазовор жойларини томоша қилиш билан бирга, унинг ташқи ва ички қиёфасини ҳам кузатади. Шу боис соҳамиз ходимлари ҳар бир жойни синчковлик билан мунтазам назорат қилиб туришади.

Тасаввур қилинг, одатда ҳар қандай экин тури эрта баҳорда экилса, ундан кутилган натижани олиш мумкин. Лекин ёзнинг иссиқ жазирасида кўча ва хиёбонларни

янада гўзалликка буркаш учун турли хил гул кўчатларини экиб, уларни авайлаб парваршлаб ўстираётган бу касб эгаларини ҳақиқий мўъжиза яратувчилар десак, лоф бўлмайди. Чунки улар мавсумий гулларнинг доимий равишда очилиб, ям-яшил бўлиб туришига жиддий эътибор қаратишади.

Соҳибқирон бобомиз Амир Темур ҳазратлари таваллуд топган гўша — қадим Кешга ташриф буюрган ҳар бир ин-

сон бу ҳудудга қадам қўйиши биланок, энг аввало, яшил-ликдан кўнгли чоғ бўлади, мезбонларнинг ўзгача меҳмондўстлиги ва сертакаллуфлигидан руҳи тозарари. Айниқса, ҳозирги пишиқчилик, тўкинлик ҳукм сураётган августда бутун шаҳар байрамона либосга бурканади. Чунки вилоятнинг турли туман ва қишлоқларидан, шу билан бирга, Қашқадарёга кўшни Сурхондарё ва Бухоро, Навоий, у ёғи Хоразм ва Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудларидан ҳам бу кўна шаҳарни бир кўриб, зиёрат этмок умидида қадам ранжида қилаётган юртдошларимиз сони ҳам шу фаслда кескин ошади. Уч тарафи тоғлар билан ўралган хушга-во гўшада амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларининг ўзи алоҳида мавзу. Муболағасиз айтсак бўлади, Ватанимиз Мустақиллигининг 19 йиллиги байрами арафасида ўтмиш ва бугунни боғлаб турган кўприк — Шахрисабз ўзгача чирой ва гўзалликка бурканган. Турли мавзуларни ўзида мужассам этган панно ва плакатлар киши эътиборини тортлади.

— Шаҳримизнинг мафтункорлиги ва гўзаллигини кўрган кўзлар қувнайди, — дейди Тутзор маҳалла фуқаролар йиғини раиси Сафар Суярлов. — Ҳудудимизда 3585 нафар аҳоли бўлиб, «Арабон» улгуржи бозоригача бўлган жойни доимо саранжом-сарришталигини сақлаш маҳалламиз фуқароларига юклатилган. Бу ерда болалар шифохонаси, 39 та катта-кичик хизмат кўрсатиш шохобчалари мавжуд. Ободонлаштириш бошқармаси томонидан

белгиланган жойларга чиқинди ташлаш қутилари қўйилган бўлса-да, бунга риоя қилмайдиганлар ҳам учраб туради. Неча бор оғоҳлантиришимизга қарамай, айримлар маиший чиқиндиларни белгиланмаган жойларга, ариқларнинг ичига ташлаб кетаётгани дилни хира қилади. Бундай хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш мақсадида доимий равишда туман санитария-эпидимиология маркази, табиати муҳофаза қилиш кўмитаси ва қиллари билан ҳамкорликда назорат чоралари кўриляпти. Маҳаллаларда экологик маданиятни тарғиб қилиш бўйича ўтказилаётган учрашув ва суҳбатлар ҳам ижобий самара бермоқда.

Бугунги кунда корхонада 349 нафар киши меҳнат қилмоқда. Гулчилик бўлими бошлиғи Шохиста Учқунова, гулчилик агрономи Азамат Муҳаммадиев, ҳайдовчи Саъдулла Тошпўлатов ва Карим Қодиров, Тўхта Курбонова, Замира Узоқова сингари жонқуяр ишчи-хизматчилар меҳнатни алоҳида таъкидлаш лозимлигини ҳамма раҳбарлари бежиз таъкидлашмади. Тепарлик, Хабарлик, Саъдий, Маърифат, Кеш сингари маҳаллаларда доимий равишда ободонлаштириш ишига масъулият билан ёндашилгани боис, тоза ва озодликка қатъий риоя этилиши кузатилади. Бир сўз билан айтганда, гўзалликка, ободликка ошурта инсонлар меҳнатини ҳар томонлама қадрлаш ва эъозлашга ҳар биримиз масъул эканлигини ҳам унутмайлик. Ана шундагина юрт обод, кўнгиллари шод бўлади.

Шавкат СУЛТОНОВ,
«Оила ва жамият»
муҳбири.
Қашқадарё вилояти. (т)

Яккабоғ туман халқ таълими бўлими тасарруфидаги 8-умумий ўрта таълим мактаби жамоаси



юртдошларимизни Мустақиллигимизнинг 19 йиллиги байрами билан қизғин табриклайди. Баркамол авлод тарбияси йўлида ҳеч қачон толманг, азиз устозлар!

УСТОЗ НОМИН ОҚЛАЁТГАНЛАР

Яккабоғ туманидаги Эсат қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида қарашли Қучактепа қишлоғига бориб, Йўлдош Тиловов хонадонини сўрасангиз борми, каттаю кичик ўзгача меҳр-муҳаббат билан таъриф беради. Ўқитувчилар оиласида камол топган фарзандлар бугунги кунда нафақат ота-онаси, балки элдошларининг ҳам хурмат ва ишончини қозонишган. Оиланинг тўнгич фарзанди Шоирахон Тошкент давлат тиббиёт институтини муваффақиятли тугаллаган бўлса, Замирахон ҳам халқ саломатлиги йўлида самарали меҳнат қилаёпти. Муроидилло Тошкент давлат техника университетини тугаллаб, айни пайтда Москвада таҳсилни давом эттирмоқда. Мансурбек ҳам мазкур олий даргоҳни тугаллади.

— Нимасини айтасиз, бир замонлар тузуқроқ касб ёки соҳани эгаллаш осонми, минг бир машаққат билан ўқишга кирардинг-у, кейин тайинли иш топгунингча сочинг оқарарди, — дейди оила бошлиғи Йўлдош ака фарзандлари камолдан мамнунлик туйиб. — Оллоҳга минг қатла шўқрлар бўлсин, мана, 19 йилки мустақиллик шарофати тўғайли елкамизга оғтоб теғди. Фарзандларим илмли, хунарли бўлди.

Дарҳақиқат, Йўлдош Тилововнинг ёшлик йиллари шу қишлоқда кечган. 1980 йили Қарши давлат университетининг уму-

мий техника фанлари ва меҳнат факультетини тугаллаб, дастлаб туман халқ таълими бўлимида, сўнг 44- ва 51-мактабларда ўқитувчи бўлиб ишлаб, тажриба орттиргач, 1996 йилдан буён тумандаги 11-умумий

ИСТИҚЛОЛ БИР ОИЛА ТАҚДИРИДА



ўрта таълим мактабида ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари вазифасида ишлаб келмоқда. Турмуш ўртоғи Гулнора Музаева билан ўтган йиллари асрларга татигулик муддат десак, арзийди.

Йўлдош ака ишлаётган илм масканида 500 нафарга яқин ўғил-қиз таълим-тарбия олади. Директор ўринбосари сифатида Йўлдош Тиловов ўқувчилар ўртасида жисмоний ва назарий билимларни ошириш учун самарали иш олиб бораёпти. Масалан, Зафар Қудратов ва Аббос

Бердиев ҳам устозлари қўлида илм олиб, спорт соҳасида нафақат вилоят, балки республика миқёсида катта муваффақиятларга эришди. Зафар Қудратов миллий кураш бўйича, Аббос Бердиев муайтай бўйича Ўзбекистон чемпиони бўлди.

Ҳасан ва Ҳусан Шоймардонов, Бобир Бердиев, Севара Норқобилова, Юлдуз Темирова сингари ўқувчилар ҳам спорт мусобақаларида фаол иштирок этиб, мактаб ва туман шарафини муносиб ҳимоя қилишаёпти.

Мактаб директори Гулчехра Раҳимованинг таъкидлашича, ўқувчиларнинг бундай ютуқларга эришувида Йўлдош Тилововнинг ҳам хиссаси катта экан. 2005 йилда қайта қурилган мазкур мактаб қишлоқ хуснига чирой бағишлагина қолмай, балки ўқувчилар учун ҳам кенг имкониятлар эшикларини очди. Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан спорт анжумлари олиб берилди. Зеро, бир кун келиб, шундай чекка қишлоқларда ўсиб-ўлғайган, вояга етган ёшлар юрт доврўғини дунёга таратиши шубҳасиз.

Ўз муҳбиримиз (т).

СУРАТДА: Ўзбекистон чемпиони, мактабнинг собиқ ўқувчиси Зафар Қудратов устозлари даврасида.

**KIYIM**ochiq aksiyadorlik
jamiyati

**ИСТИҚЛОЛ — БЕБАҲО НЕЪМАТ!
МУСТАҚИЛЛИК — ВАТАН ШАРАФИ,
ҒУРУРИ, ҚАДР-ЭЪЗОЗИ!**

*19 йиллик қутлуғ ва тарихий довонни босиб ўтган
халқимизни энг муборак айём — Мустақиллигимиз
байрами билан*

ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ

“КИҲИМ”

ОЧИҚ АКЦИЈАДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

чин дилдан қутлайди!



Ватан озодлиги, истиқлолини кўз қорачиғидек асраб-авайлаш, мустаҳкамлаш ҳар биримизнинг энг шарафли бурчимиздир. Шу улуг юртга муносиб фарзанд бўлмоқлик бахти, унинг обрў-нуфузини кўтаришдек савобли амал ҳеч биримизни тарк этмасин. Озод ва обод заминда ҳар биримизнинг бахтимиз бутун, толеимиз сарбаланд бўлмоғини тилаймиз.

МУСТАҚИЛЛИГИМИЗ АБАДИЙ БЎЛСИН!

(Давоми. Боши ўтган сонда.)

— Жабранувчи доимо улар билан бирга бўлганини айтипти. Агарда аёлингизнинг айби исботланса, у Ўзбекистон Республикасининг 169-моддасига биноан жазоланишини биласизми?

— Менга қаранг, бу ерда қандайдир англашмовчилик бор. Рухшат беринг, мен ўзим хотиним билан гаплашсам.

Абдусалим терговчи билан хайрлашди-да, кўчага чиқишга ҳам сабри чидамай йўлдақёқ сигарет тутатди.

Эрининг уйга эрта қайтганидан хавотирланган Зилола юғри унга пешвоз чиқди. Газабдан қисилган, ўзига тик боққан нигоҳига бардош бера олмай кўзини олиб қочди.

— Яхши келдингизми, дада-сиз?

— Бу ёққа юр. — Абдусалим хотинини биллагидан ушлаганча уни кўшни хонага бошлади.

Олдига пешвоз юғриб чиққан кичик қизига "Опоқ қизим, кўчада ўйнаб тургин, ойинг билан гаплашадиган гапимиз бор", деганича, уни кўчага чиқариб юборди.

— Нахотки шунчагача бординг? Майли, мени ўйлама, аммо фарзандларинг энди кўчада қандай бош кўтариб юришадилар? Кўшнларнинг "Ана ўғрининг боласи" деган таъна тошига қандай чидайди?

Зилола бир зум эрига тикилиб, олдингидек ўзини касалга солиши иш бермаслигига кўзи етди-да, хужумга ўтди.

— Синглиминг бешик тўйига нарса олиш учун сиз менга пул бердингизми? Бор-йўғи битта қоляска кўтариб бориш уят-ку? Ахир, катта опасиман, бунинг устига сиз ҳам ўлар жойда эмассиз?

— Хали сен ўғрилиқ қилиб, обрў топмоқчи бўлдингми? Майли, уйдаги пулни олганингдан индамадим? Шунча йил яшаб, ёлгончи, товламачи, ўри эканингни билмаган эканман-а?

Эх... — Абдусалимнинг кўллари мушт бўлиб тугилиб, овози титраб кетди... — Сен билан бир кун ҳам бир уйда яшамаган бўлардим. Йигирма йил касалман деб алдаб келдинг. Болалар сендан нимани ўргандилар? Бирортаси аъло баҳога ўқимайди. Фойдали иш билан шуғулланмайди. Ота-боболаримиз "Онасини кўриб, қизини ол", деб бежиз айтишмаган экан-да! Бердикул амаки тоғамга айтган эди-я, "Онасини кўли эгри, худо кўрсатмасин, қизи ҳам шундай бўлиб қиқса, Абдусалимни шўрини қуритади", деб, эсиз, унинг гапига кулоқ солмаганимга йигирма йилдан буён пушаймонданман. Болалар бўлмаганда эди...

— Болалар бўлмаганда нима қилардингиз? Ажрашармидингиз?

— Ҳа, ажрашардим, сен билан яшагандан кўра... Эх... Абдусалим эшикни шарақлатиб ёпганича чиқиб кетди.

— Соат саккиздан ҳам ошиб кетди. Иш тугаганига ҳам икки соат бўлди. Нима бало, ишхонада ётиб қолмоқчимисиз, Абдусалим ака? — Кувондиқ хавотир билан бўлим бошлигининг уйқусизликдан ич-ичига ботиб кетган кўзларига, тунд юзига боқди. — Тинчликми? Ё яна янгам билан уришдингларми?

— Э, ҳаммаси жонга тегди. Ажрашмасам бўлмайди, шекилли. Уй эмас, дўзах. Умуман уйга

боргим келмайди. Аммо болалар...

— Шунга ҳам сиқиласизми? Ҳамма оилада бўладиган гап-ку. Рўзгор жанжалсиз бўлмас, эркак одамнинг иши эса рўзгорнинг посангисини топиш, дердилар раҳматли бувим. Мана биз посангисини топиб юрибмиз!

—
— Абдусалим акажоним-эй! Бирортасини топинг. Жанжал куни тинчгина униқига борасиз, дилингиз ҳам, ўзингиз ҳам ором оласиз. Янгам ҳовуридан тушса, яна ҳеч нарса бўлмагандай қайтасиз. Сих ҳам куймайди, кабоб ҳам...

— Нима, бошпана бериб, дам олдирадигани кўчада сочилиб ётган эканми? — Бу сафар Абдусалим компьютер мониторинг нигоҳини олиб, Кувондиққа қаради.



— Вой, манави одамни қаранглар. Қайси замонда яша-япсиз, ўзи? Компьютер деган жониворни фақат ҳисобот ёзиш-у, статистик маълумотларни тартибга солиш учун чиқармаган. Интернет деган нарса бор. Танишув сайтларининг бирортасига кирсангиз, хоҳлаганини танлаб оласиз.

— Жинни бўлганмисан? Уша сайтда таниш-билишлар кўриб қолса, нима деган одам бўламан?

— Унга ўзингизнинг номингиз билан рўйхатдан ўтишингиз шарт эмас. Бирор бошқа ном топса ҳам бўлади. Масалан, Абутолиб! Қалай?

— Балосан-да...

Шу кунгидек Кувондиқ Абдусалимни янги номи билан танишув сайтларининг биридан рўйхатдан ўтказди. Эртадан кечгача иш билан банд Абдусалим Тошкентнинг ўзида шунча эр қидираётган, яқиндан танишиш, "дўст" бўлиш мақсадида виртуал маконда кезиб юрган аёллар борлигиндан хайрон бўлиб, Кувондиққа ажабланиб қаради.

— Айтмадимми сизга?! Қаранг, манови кўхликчиюна экан, эргамга тегмаган. Танишайлик, деб ёзинг-чи..

— Йўқ, буниси бўлмайди. Эридан ажрашгани маъқул, шекилли. Қиз болани иккинчи хотин қилиб, кейин бошим балога қолиб юрмасин...

— Унда манависига қаб ёзмаз. Уқутувчи бўлиб ишларкан, фарзандли, турмуши бузилган экан, маъқулми?

Интернетдан янги таниш излаш билан иккаласи ҳам тун ярминдан оқанини билмай қолишди. Танлаган аёлларидан биринкетини жавоб хати келиб, баъзилари учрашувга таклиф ҳам қилишди.

Биринчи учрашган аёли ёши ўттизлардан ошган жувон эди. Унинг кибриди қарашли Абдусалимга ёқмади. Ўз навбатида жувон унга бошдан-оёқ сиқичлаб разм солар экан, муддаога кўчиб қўя қолди.

— Уйланиш ниятингиз ҳолисми, Абутолиб ака? Майли, иккинчи хотинликка розиман. Фақат бир неча шартим бор. Ҳафтада бир марта келасиз. Мени тўлиқ таъминлайсиз. Ота-онам билан тураман. Ўзингиз биласиз, келиб туришингиз учун алоҳида квартира керак. Мени кўчада қолдирмасиз, деган умиддаман-а?

— Ҳа, албатта. Уйлаб кўрай, сизга ўзим кўнгирак қиламан... Абдусалимнинг учрашувдан

ўйлаб кўринг... Ҳа, айтгандай, асл исми — Абдусалим, Абутолиб эмас...

Нафосат билан танишув Абдусалимнинг ҳаётига нур олиб киргандек бўлди. Кувондиқнинг маслаҳатига кириб, уни хотини билан албатта ажрашишига ишонтира бошлади. Кечкурунлари бирга овқатланиш, машинада шахар бўйлаб сайрлар, узундан узоқ суҳбатлар, энг асосийси, Абдусалимнинг фарзандларига эътибори собиқ эридан бир томчи ҳам меҳр кўрмаган Нафосатнинг қалбини юмшатди. Тугилиб-ўсган шахарчасида қолган отасининг қабрини бирга зиёрат этишган кун эса аёл калбида Абдусалимга нисбатан уй-фонган меҳрни муҳаббатга айлантирган бўлса, ажаб эмас. Уша кунни қабристондаги сукунатни фақатгина аллақайси қушининг галати овози аҳён-аҳён бузарди.

Абдусалим қабр бошига чўккалаб, тиловат қилгач, тош мармарнинг б и р - и к к и жойи кўчганини кўриб, Нафосатнинг

СЎНГГИ ПУШАЙМОН

сапта: — Қабр таъмирталаб бўлиб қолибди. Ямаш керак, — деди.

Тошдаги отасининг қабридон юзига термилиб турган аёл ҳўрсинганича индамади.

Иккаласи қабристондан чиқиб, машинага ўтиришди. Бироз юргач, Абдусалим ёнида ўтирган паршон холатдаги Нафосатга юзланди:

— Бугунги ишни эртага қўйма, деган. Мен ҳозир.

Машинани дўкон ёнида тўхтатиб, бир зумда ичкаридан қурилиш молларини кўтариб чиқди. Машинани ўт олдириб, қабристон томон бурилди.

Енгини шимариб, қабрининг кўчган жойларини ямаётган Абдусалимнинг хатти-ҳаракатини кўриб, аёлнинг кўзига ёш келди. Собиқ эри қайнотасини қабрини зиёрат қилиш туғул, бирор маротаба ҳам уни "дада" демаган эди...

Тошкентга қайтган куни Абдусалим қайтадан тугилди, гўё. Дунё ҳам кўзига барча ранглари билан жилваланиб кўрина бошлади. Тез орада Нафосат билан никоҳ ҳам ўқитишди. Нафосат қаршилик кўрсатмоқчи бўлди-ю, аммо Абдусалим ажрашиш бўйича судга ариза ташлаб келганини айтиб, аёлни тинчлантирди.

— Абдусалим ака, янги ҳаётимни ёлгон билан бошланганини истамайман. Ажрашганимдан сўн бир ҳамкасбим билан яқин муносабатда бўлган эдим. Аммо ҳозир бунга барҳам берилган.

БУНИ ҲАЁТ ДЕЙДИЛАР

— Ким у?

— Исми Анвар. Аммо мана уч ойдирик ўртамизда ҳеч нарса йўқ.

Абдусалим ўзига хавотир билан тикилиб турган Нафосатга қараб турди-да, уни секин бағрига тортиди.

Турмуш ўртоғидаги ўзгаришдан шубҳаланган Зилоланингни юрагига қурт тушди. Борган фолбинлари шубҳаларини тасдиқлаган сари ваҳимаси орта бошлади. Нахотки, эри ундан ёшини толган бўлса? Икки-уч кунлаб уйга келмай қўйиши бежиз эмас. Бозор қилиб, болаларни кўчага чақиради-да, эшик олдиндан ораксига қайтади. Ишхонасига бориб, каттақонига арз қилсамикан?

Зилоланингни боши қотди. Охири эрининг ишхонасига боришга қатъий қарор қилди. Аммо қанча бақириб-чақирмасин, эшик олдида ўтирган милиционер уни ичкарига қўймади. Эри ҳам иш билан кўчага чиққан шекилли, қораси кўринмади.

Ҳамкасбларидан Зилоланингни келиб, жанжал қилганини эшитган Абдусалим уйга қайтди. У ичкари кириши билан Зилола ўзини касалга солиб ётиб олди. Эри ювиниш хонасига кириб кетгач, дарров телефонини титкилади. Қайси бири экан-а? Манави, шекилли. Нафосатмикан ўша «жонон»нинг исми? Қайта-қайта кўнгирак қилганига қараганда, шу бўлса керак.

Нафосат қўл телефонини кўтарган заҳоти нотаниш аёлнинг зардали овози эшитилди.

— Менга қара, сурбет. Сенга бериб қўядиган эрим йўқ. Унинг тўртта боласи бор, билдингми?

— Кимсиз, ўзи?

— Абдусалимнинг хотиниман. Агар эримни тинч қўймаган, ўглимга айтиб, сени сўйдираман, тушундингми?

Гўшакдан эшитилаётган ҳақоратлару таҳдидлар аёлнинг тинч ҳаётига нуқта қўйилганидан дарак беради. Телефонини ўчириб қўйиб, эртасига зарурат юзасидан қайта ёққан Нафосат энди интернет орқали жаънатилган худди шу мазмундаги SMSларни ола бошлади. Тоқати-тоқ бўлиб, бу воқеани Абдусалимга айтди.

— Шундай бўлишини билар эдим. Узр, рақамингни телефонимдан олибди. Телефоннинг ўзини эса жазаваси қўйиб, синдириб ташлади. Мана, сенга бошқа номер-карта олиб келдим. Эски номерингни ўчириб ташла.

Абдусалим икки ўт ўртасида қолганини англаб етди. Нима қилиб қўйди, ўзи? Тинчлигини ўйлаб, жаннатни излаб, дўзахга тушди, шекилли. Бунинг устига, Зилолага бегона эркаклар тез-тез кўнгирак қилиб, уни учрашувга таклиф этишар, баъзида гўшакни кўтарган катта ўғли ижриганиб, онасига тўнғилларди.

— Ҳа, отанг ўзига хотин топганида, мен эр топма оймайманми? Менга ҳам қарайдиганлар бор...

Фалванинги устига келиб қолган Абдусалимнинг олдида Зилола букаламун сингари тусланди. Ундан ҳол-аҳвол сўраб, чой-гана унади.

Абдусалим ўглининг тунд юзини кўриб, ундан нима гаплигини сўради.

Наргис ҚОСИМОВА

(Давоми келгуси сонда.)

ЖИЗЗАХ ДОН МАҲСУЛОТЛАРИ

АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

барча юрtdошларимизни, шунингдек, халқимиз
дастурхонини тўкин ва обод этиш йўлида фидойилик
кўрсатиб меҳнат қилаётган ҳамкасбларимизни
энг улуғ ва энг азиз байрам – Ватанимиз Мустақиллигининг
19 йиллиги билан чин дилдан
самимий табриклайди!

19

“Озодлик қуёш каби бетимсол”, дейдилар.

Истиқлол шарофати туфайли йил сайин

ўзгараётган, чин маънода бунёдкорлик

майдонига айланаётган жаннатмонанд

ўлкамиз ҳамиша гуллаб-яшнайверсин.

Тинчлик-осойишталик, аҳиллик ва тотувлик

доимо барқарор бўлсин!

«Баҳром билан синфдош эдик. Ҳар баҳорда бутун синф билан далага лола сайлига чиқардик. Бизлар бир дастагина лола терсак, унинг кучоғи тўлиб кетарди. Мени ҳар доим лола билан сийларди. Баҳор элчисига қўшиб севги мактубини ҳам қўлимга тутқазарди. Ниҳоятимиз холис экан-да, тўйимиз ҳам баҳорда бўлди. Синфдошларимиз никоҳ кечасида бизларга бахт-иқбол тилаб кучоқ-кучоқ лолалар тақдим этишган. Жудаём ахил-иноқ яшардик. Шу орада қизимиз туғилди. Исмини Лола қўйдик.

Уша машъум кун тонгда туш кўрдим. Баҳром қора чопон кийиб, менга қайрилиб қараб-қараб узоқлашиб кетди... Шу пайт бирдан тоғ кулаб, тўзон кўтарилди. Чўчиб уйғондим. Баҳром ховлида эрталабки бадан тарбия машини бажараётган экан. Энам тайинлаганидек, тушимни сувга айтдим. Баҳром нонушта пайти бошқача меҳрибонлик билан «Ҳомиладорсан, тўйиб-тўйиб овқатланган, эшитаясанми?» деди. Ва кизчамизни қўлларига олиб эркалатди-да, чиқиб кетди. Орадан икки соатча вақт ўтар-ўтмас, унинг ав-



тоҳалокатга учрагани ҳақида ноҳуш хабар келди. Касалхонага етиб борганимизда жони узилган экан. Минг афсуски, ҳаётнинг бу оғир зарбасига сабр қилмоқдан ўзга чорамиз йўқ эди.

Ҳозир катта қизим беш, кичиги икки ярим ёшга кирди. Ҳаёт эса тўхтаб тургани йўқ, ўз йўлида давом этапти. **Ёшим 26 да.** Маълумотим ўрта-маҳсус. Ёшимга мос, ҳаётда менга суянч, қизларимга оталик меҳрини бера оладиган, юраги тоза, олижаноб инсон учраса, турмушга чиқиш ниятидаман.

ДИЛНУРА,
Тошкент вилояти».

«Дугонам Ойгул бир оилани гуллатадиган қиз. Лекин тақдир экан, унинг учун осмон никоҳи ҳалигача ерга тушгани йўқ. Эшитишимча, уни қўшниси келин қилмоқчи бўлган. Қўшниси ёлғиз ўғли вафот этгач, ундан қолган ёдгори — неварасини оқ

ювиб-оқ тараб вояга етказибди. Дугонамни болалигидан кўз остига олиб юриб, тенг-тенглаб, буй-бўйлаб уларниқига қайта-қайта совчиликка келибди. Унинг отаси «Қизимни тагли-туғли жойга бераман», деб сўзида туриб олибди. Қўшни аёлнинг гайирлиги келиб, Ойгулни суриштирган совчиларни йўлдан ураверибди. Ота-онаси қизининг бахтини кўролмади, армон билан бу дунёдан кўз юмишди.

Баъзида ҳеч кимдан кам жойи бўлмаган дугонам ўзининг келгуси ҳаётини ўйлаб эзилади. Мен эса унинг бахтли бўлишини жудаём истаيمان. **Ёшим 42 да.** Маълумоти олий. Ёшига мос, уйим-жойим дейдиган, иши тайин, дўёнатли инсон учраса, хабар берарсизлар.

ҲАМИДА,
Тошкент шаҳри».

«Зубайдага уйланишим анчагина қийин кечган. У юрак етишмовчилиги (порог) билан туғил-

ган экан. Шунинг учун отам, айниқса, онам кескин қарши бўлган. Лекин мен севгим учун астойдил курашдим. Ниҳоят, тоғам мен тараф бўлиб, ота-онамни зўрга кўндирган эди. Рисоладагидек тўйимиз бўлди. Зубайда хушмуомалалиги, меҳрибонлиги билан катта оиламизнинг азиз аъзосига айланди. Ҳатто онам ҳам бирор маслаҳатли юмуш бўлса унинг фикрига суянарди. Ёш бўлса ҳам кўп эзгу ишларга мос бўларди. Кетма-кет фарзандларимиз туғилди. Учинчи нуридийдаимиз дунёга келганида дўхтирлар қайта туғиш мумкин эмас, дейишди. Зу-

байда болаларимиз тарбияси билан жиддий шуғулланарди. Учурасиям беш ёшида ўқиш, ёзишни биларди. Ҳозир улар онаси орзу қилганидай етук мутаҳассис, эл қорига камарбаста бўлиб вояга етишди. Қанча авайламайлик, барибир Зубайда шу хасталик туфайли 41 ёшида дунёдан ўтди. На илож. Шунга ҳам мана, беш йил бўлди. Фарзандларимнинг ҳаммаси оилали, ўзидан тинган. Улар меҳрибон, атрофимда парвона. Яқинда ўғлим «Ота, опаларим билан маслаҳатлашдим, уйланинг», деди. **Ёшим 58 да.** Ёшимга мос, инсоний фазилатларни қадрлайдиган, меҳрибон аёл учраса, уйланоқчиман.

РЎЗИМБОЙ ака,
Хоразм вилояти».

ТАҲРИРИЯТДАН:

«Бахтли бўлинг» ружига хат йўллаётган ёки бево-сита муружаат қилаётган фуқаролар паспорт нусхаси ва яшаш жойидан (маҳалла кўмитасидан) маълумотнома тақдим этишлари шарт. Шунингдек, ажрашганлар бўлса, суд қарорининг нусхасини топширишлари талаб этилади.
МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОН: 234-25-46

БИР ҲОВУЧ ДУР

Минглаб тасодифлар синовидан ўтадиган эр-хотин муҳаббати кундалик энг оддий ҳодиса бўлишига қарамасдан, энг гўзал мўъжизадир.

Ф. МАРИАК

Оилани бузишга мўлжалланган ҳар қандай ижтимоий назариялар яроқсиз, шу билан бирга, номақбулдилр. Оила — жамиятнинг дур ва гавҳари.

В. ЮГО

Оила инсон ҳаётига тўқислик бағишлайди, оила бахт келтиради, лекин ҳар бир оила, айниқса, жамиятдаги оила, энг аввало, давлат аҳамиятига эга қутлуг ишдир.

А. С. МАКАРЕНКО

Фақатгина оила ғамини еб яшаш ҳайвоний очкўзликдир, бир киши учун яшаш — тубанлик, фақат ўзи учун яшамоқлик эса шармандалиқдир.

Н. А. ОСТРОВСКИЙ

Биргина қалб хоҳишига қараб уй соламан деган одам уни бамисоли вулқон отилиб турган тоғ устига қураётгандай. Ўз бахту саодатини фақат оилавий ҳаётдан кутган киши эса бу уйни кум устига қуради.

А. И. ГЕРЦЕН

Фақат эри ва ўз болаларинигина севишни биладиган, қолган бирор нарса ҳақида тушунчаси йўқ ва бошқа бир нарсага интилмайдиган аёл қулгили, аянчли ва эркак зоти муҳаббатига муносиб бўлмаганидек, ўз хотини ва болаларидан бошқани билмайдиган эркак ҳам худди шундай қулгили, аянчли ва номуносиб одамдир.

В. Г. БЕЛИНСКИЙ

Мен ўз ҳаётимни пораланиши мумкин бўлган юракка ҳам, ўтмаслашиб қоладиган ҳис-туйғуларга ҳам эмас, балки ҳеч қачон эскирмайдиган ва ҳамма нарсага бардош бера оладиган мияга жамлаганман.

О. БАЛЗАК

Ўзбошимчаликни ёнғиндан ҳам тезроқ ўчирмоқ зарур.

ГЕРАКЛИТ

Тузувчи: Пардабой ЭРГАШЕВ

«БОТИРГАНДА НОН БОТМАС ҚАЙМОҒИНИ СЕВАМАН...»

Она Ватансиз инсон бўлмайди. Одамнинг кўнгил тубидаги энг инжа туйғулари шу замин билан, шу макон билан чирмашиб кетади. Шоир минг бора ҳақ, Ватан бойликлари учун севилмайди.

Тўқсон билан тўқнашган бувимдан «Ватаннинг нимасини яхши кўрасиз?» деб сўрасам, «Э, болам-а, ботирганда нон ботмас қаймоғини севаман», дейдилар. Шу тобда «Ватан» сўзининг сеҳри бувижонимнинг юзларида акс этади гўё. Назаримда, унинг гаплари эмас, нуруний чехрасида живаланган нур Ватан туйғусини тўлиқроқ ифодалаб бера олади. У кишининг сўзлари, аслида, мажозан айтилган. Дунёдаги энг яхши қаймоқлар қаерда бўлади, буни билмайман. Мабодо кўм-кўк сутдан фарқи бўлмаган тақдирда ҳам, бувим учун шу ўлканинг қаймоқлари энг ширин туюлаверарди. Ахир, ҳатто музликларни макон эт-



ТҮЙҒУ

ган бўлса-да, инсон учун она юрти барибир чиройли, барибир бетакрор-да!

Биз Ватанимизни озод ва обод, гўзал ва бетакрор, қадимий, деб таъриф этамиз. Булар, аслида, юртимиз ҳақида кўпчилик эътироф этадиган ҳақиқатлардир. Ҳар бир таърифу тавсифимизни ўзимиз теран англашимиз, юрак-юрақдан хис этишимиз керак. Бу туйғу эса юртимизни бутун вужудимиз билан севишга ундайди ва улкан бунёдкорлик ишларига мадад беради.

Бугун мен баҳсга ўч, илмга чанқоқ, қалби қайноқ талаба дўстларимга ана шулар ҳақида сўзлаб бергим келади. Бизлар учун яратилаётган имкониятлардан унумли фойдаланиб, Ватанимизнинг янада гуллаб-яшнаши йўлида бор куч-ғайратимизни аямай ҳаракат қилайлик, дегим келади. Зеро, бу бизнинг энг олий фарзандлик бурчимиздир.

Замира АҲРОРОВА,
ТДЮИ талабаси.

«МОНАДА-АМОН»

МЧЖнинг неврология шифохонасида юқори технологияли тиббиёт аппаратуралари ёрдамида беморларга тўғри ташхис қўйилиб, самарали даволанилади.

Швейцарияда ишлаб чиқарилган «Swiss DolorClast» аппарати ёрдамида зарбали-тўлқинли терапия (ЭУВТ) ўтказилади. Бу даволаш усули остеохондроз, диск чурчалари, сколиоз, остеоартроз, мушак ва пайларни тортиб оғриши каби касалликларда ўта самарали бўлиб, бўйин, елка, қўл, бел, оёқ бўғимларидаги қотиб қолган пайлар, тузаларни юмшатиб, сўрилиб кетишига, ўрнига янги тўқималар пайдо бўлишига замин яратади.

Шунингдек, компьютерлашган лазеротерапия аппаратида бир вақтнинг ўзида лазер нури билан лазеротерапия ва лазерли рефлексотерапия муолажалари мужассамлашган ҳолда олиб борилади.

Бундан ташқари, компьютерлашган аппаратда умурткаларни чўзиш, ультрафонофарез, карипазин билан электрофарез муолажаси, нуқтали уқалаш, нина санчиб даволаш ва бошқа физиотерапевтик муолажалар юқори малакали мутахассислар томонидан ўтказилади.

Шифохонада уч ўлчамли УЗИ аппаратида ички аъзоларни УЗИ қилиш, юрак УЗИси, компьютерлашган ЭКГ, электромиография текширувлари, шунингдек, ҳамма лаборатория таҳлилларини ўтказиш йўлга қўйилган.

Шифохонада ётиб ва катнаб даволаниш учун барча шaroитларга эга бўлган стационар мавжуд.

Тел.: (+99897) 119-32-10, (+99897) 338-35-15

Факс: 8 (371) 283-40-35

Электрон почта: monada-amon@mail.ru

Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Нор-хўжаева кўчаси, 52-й.

Мўлжал: Фарғона йўли кўчаси «Ўзбум» бекати.

Дўппили ҚИЗЛАР

Дўппи кийса, ярашар қизлар, Совчилар ҳам талашиб излар. Камон қошга ўсма нозланиб, Кўзгуларин талашган қизлар. Яна бошга тушди дўппилар, Бунча латиф, гўзал дўппилар.

Соллонасиз кўзгуга қараб, Сунбул сочи бир ёнга тараб. Гулмисизки, гул-гул ёнасиз, Ой суқланар сизларга қараб. Бошга тушди чаман дўппилар, Ярашади санам дўппилар.

ГАЗЕТХОН ИЛҲОМИ



Сочлар, киркта майда ўрилиб, Қошда ўсма турар керилиб. Ҳаё тўла кўзларда сурма, Қўлларидан хино ўргилиб. Урфга кирди ироқ дўппилар, Бунча латиф, гўзал дўппилар.

Санам қизлар, лобар гул қизлар, Сиз ойдаги ҳарир нурсизлар. Чўлпон ойга менгазан сулув, Ойдан сулув, ойдан гўзаллар. Ярашади бошга дўппилар, Санам қизлар, санам дўппилар.

Дилфуза ҲОТАМОВА

МУНОСАБАТ

ҲОТАМТОЙЛИКНИНГ

ҲАМ МЕЪЁРИ БОР

«Топганимиз тўйларга буюрсин-у...» — 32-сон

Очигини айтиш керак, ҳозирги тўйларимизда бўлаётган турли кўринишдаги дабдабозлиги гаройиб «янгиликлар асосан хотин-қизлар томонидан жорий этилиб, оила бошлиқлари — эрлар томонидан бажарилмоқда.

...Кўшни кишлоқда бир зиёли оила қизини турмушга узатди. Кувёв чақирғида «Тико» энгил машинасининг калити ҳам сеп-сидирғалар ичида кувёв болага тутқазилди. Тўғри, ота-она шу фарзандлари учун яшайди. Топганини уларнинг келажаги учун сарф этади. Қурби етибдики, кувёв болага машина совға қилибди. Лекин шунки кўпчилик ичида, яъни эл олиндида кўз-кўз қилиш шартмиди? Буни тўйдан кейин келин-кувёв уйларида меҳмонга келганида берса ҳам бўларди-ку?

Масаланинг бошқа томонини, яъни кўрганлар ва эшитганлар учун бу одат эртага урфга кириб кетиши мумкинлигини ҳам ёддан чиқармаслик лозим.

Қайнона ва қайнота бу илтифотлари билан атрофдагилар орасида «юксак» обрўга эга бўлди, дейлик. Аслида, бу кўпчиликка «Кўринг, қайнота-қайнона дегани мана бунча бўлади», дея кибрланиш эмасми? Ана энди уларнинг доврuginи кўкларга кўтариб мақтайдиган маҳалла аёлларининг ҳавасини кўринг. Ниҳоят, кўпчилик бекалар ана шу «ҳавас» касалига муб-

тало бўлиб, кечаю кундуз обрў орттиришга интилиб, «Тико» совға қилиш даражасига чиқишни ўйлайдилар. Бундай пайларда эринг маоши урғачароқ оилалар можаронинг уясига айланади. Асаббузарлик, қинғир йўл билан пул топишга уринишдек касалликлар худди шунинг оқибатида пайдо бўлади.

Шуларга ўхшаш турмушдаги ичир-чиқирлар, болаларининг, қолаверса, невара-чевараларининг уйи, машинасига таёйрлаб беришга уриниш бора-бора одатий ҳолга айланиб қолмасмикан?

Менимча, ҳар бир келин-кувёв ўз меҳнатлари эвазига янги оилани бойитишлари зарур. Юқоридаги ҳолат, бу — ота-онани «маданий пора» олишининг бир кўриниши. «Ҳамма қилаяптими, сиз ҳам қилинг» — бу қизингиз ёки ўғлингиз айтмаса ҳам, тилининг учиди турган гап. Ана шу «ҳамма»га бугунми, эртами, сиз билан биз ҳам қўшилганимизни сезмай қоламиз.

Ҳозирда тўй ва бошқа турли маросимларга эътибор кучайгани беҳиз эмас. Биламизки, бирор урф-одат, расм-русум ҳеч қачон тасодиф асосида юзага келмайди. Бўлар-бўлмас одатларнинг томир отиб кетишига йўл қўймаслик маҳалла фаоллари, маслаҳатчиларига янада жиддийроқ масъулият юклайди.

Зумрадхон АБДУЛЛАЕВА

«ЎКТАМХОН-НУР»

ЎҚУВ МАРКАЗИ

қуйидаги ўқув курсларга таклиф этади:

- Тикувчилик — 3 ой, бошловчилар — 6 ой.
- Тўй ва оқшом либослари — 1-2 ой.
- Аёллар костюм-шимми,
 - плаш-пальто — 1-2 ой.
- Ҳамшира — 6 ой. 4 ойи ўқиш, 2 ойи амалиёт.
- Ҳамшира (тезкор) — 3 ой.
- Тиббий массаж — 2 ой (амалиёт билан). Нуқтали — 1 ой.
- Торт ва пишириқлар — 2 ой (амалиёт билан).
- Пишириқлар олий курси — 1 ой.
- Уйгурча таомлар ва салатлар — 1 ой (амалиёт билан).
- Аёллар сартарошлиғи — 3 ой (амалиёт билан).
- Педикюр, маникюр — 1 ой (амалиёт билан).
- Сартарошлик — 3 ой (амалиёт билан).
- Тўй ва оқшом турмаклари ва макияж — 1 ой.
- Бухгалтерия ҳисоби — 3 ой.
- Элита парда ва чойшаблар олий курси — 1 ой (амалиёт билан).
- Сартарошлик — 2-3 ой (ўғил болалар учун, амалиёт).
- Каштачилик — 3 ой (машинада вышивка).
- Тўқувчилик — 2 ой.
- Инглиз тили — 3 ой, бошловчилар — 6 ой.
- Рус тили — 3 ой, бошловчилар — 6 ой.
- Бисер тикиш, яъни мунчоқ тикиш — 2 ой.
- Сунъий гул ясаш — 1-2 ой.
- Компьютер сабоклари — 2 ой. Интернет — 1 ой.
- Арабча ва миллий рақс — 3 ой.

Ўқишга қабул ҳар куни

■ Машгулотлар амалиёт билан бирга олиб борилади. ■ Ётоқхона мавжуд.

Ўқишни тугатганларга ДИПЛОМ берилади.

Манзил: Юнусобод тумани, 3-мавзе, 1-уй, 31-хона. Мўлжал: Юнусобод деҳқон бозори орқасида. Тел: 221-17-95, 221-77-72 (кундузи), 225-97-93 18:00 дан 22:00 гача.

Мухтарам муштарийлар! Ушбу сондаги кўшсаҳифалар бепул илова қилинмоқда.

Газетамизнинг навбатдаги сони 9 сентябрь кунни чиқади.

Муассислар: Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, «Болалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш» ассоциацияси ва «Соғлом авлод учун» халқаро жамғармаси

Тахририятга келган қўлёзмалар муаллифларга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.	Бош муҳаррир: Норқобил ЖАЛИЛОВ		ОБУНА ИНДЕКСИ — 176
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Босишга топшириш вақти — 15:00. Босишга топширилди — 18:00	Қабулхона: (тел/факс) 233-28-20	МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент — 700000 Амир Темуру кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй Мўлжал: Олой бозори ёнида	Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0169-рақам билан 11.01.07да рўйхатга олинган. Буюртма Г — 732. Формати А-3, ҳажми 6 табоқ. Адади — 8711 Навбатчи муҳаррир — Фаррух ЖАББОРОВ Саҳифаловчи — Илҳом ЖУМАНОВ Мусахҳиҳлар — Саидгани САЙДАЛИМОВ, Мафтуна МИНГБОЕВА
E-mail: oilavajamiyat@sarkor.uz	Мухбирлар: 233-04-50 Котибият: 237-21-82 «Оила» бўлими: 234-25-46	ISSN 2010-7609	2 3 4 5
Web-site: oilavajamiyat.uz			

14.00 Жаҳон мусиқаси дурдоналари. Менделсон. 14.05 «Дунё», теледастури. 15.00 «Пойтахт». 15.15 «Аёл эрки». Т/с 15.35 «Каронсарой». 15.45 Мультсериал: «Кувноқ думбоқчалар». 16.05 «Умид юлдузлари». 16.20 «Дурдона». 16.35 Буюк келажақ сари. 17.25 Миллий сериал: «Умидингни сўндирма». 21-қисм. 18.00 «Пойтахт». 18.20 «Ислохот одимлари». 18.35 «Кўнгил риштаси». Т/с 19.30 Тошкент тароналари. 20.00 «Пойтахт».

20.35 Буюк келажақ сари. 21.15 Тошкент тароналари. 21.40 «Интервью». 22.00 Адабий портрет. 22.20 «Репортаж». /рус/.  6.10 «Саломат бўлинг». 6.45 «Олимп сари». 7.00 «Истиқлол йўлларида». 7.25 Болалар майдончаси. 8.00 ХАБАРЛАР. 8.15 «Аёллар клуби». 8.30 Футбол. Уртоқлик учрашуви. Ўзбекистон -

Озарбайжон ўсмирлар терма жамоалари. 10.15 Эшак эшиш. 11.20 ИнтерФутбол. 13.05 Болалар майдончаси. 13.35 Теннис. АКШ очик чемпионати. 15.10 Аёллар футбол. Ўзбекистон чемпионати. 15.50 «Санъат ва спорт». 16.10 «Солнома». 16.15 ИнтерФутбол. 18.00 Болалар майдончаси. 18.30 «Камолот – тур». 18.45 ХАБАРЛАР. 19.05 «Истиқлол йўлларида». 19.35 «Жозиба».

19.50 «Иқтидор». 20.20 «Арсенал». 20.50 «ПрофРИНГ». 21.45 ХАБАРЛАР. 22.05 ИнтерФутбол. 22.45 «Камолот – тур». 00.00 Жума дастури анонси. 00.10 Теннис.  07.00 Ўзбек наволари 07.30 Prime time (рус) 07.40 Ўзбек наволари 09.30 Сериал «IRIS» 10.40 Ўзбек наволари 11.30 «Илова» бадий фильм 13.10 Ўзбек наволари

15.40 Мультфильм 17.00 «Baby Terra Landiya» 17.30 «Премьера» 18.00 Prime time (рус) 18.10 Ўзбек наволари 18.30 Сериал «Завтра наступит сегодня» 19.30 Ўзбек наволари 20.50 Сериал «IRIS» 22.00 «МИЛЛИОНЕР ИЗ ТРУЩОБ» худ фильм  03.35 «Зиё» студияси 04.00 Барҳаёт наволар 04.30 «Мафтунингман» б/ф 06.00 Барҳаёт наволар

06.30 «Буни хаёт дейдилар» 07.00 НТТда мусика 07:15 «Арт-интерьер» 07:30 Информацион блок 08:00 «Йўқотилган йиллар» 09:30 «Тошойна» 10:00 Бадий фильм 11:30 «Улуғимсан, Ватаним!» 11:55 «Оналик бахти» кўрсатуви 12:00 «Омад ва бахт» т/с (143, 144 қисмлар) 12:45 НТТда мусика 13:00 «Жаноб 420» б/ф 15:30 «Дилдаги гаплар» 16:00 Аргунонлар остида» 16:35 Хужжатли фильм 17:00 «Мафтунингман» б/ф


18:30 Барҳаёт наволар 19:00 «Зиё» студияси 19:20 «Умр ҳикмати» 19:45 «Аргунонлар остида» 20:30 Информацион блок 20:50 «Оналик бахти» 21:00 «Омад ва бахт» т/с (143, 144 қисмлар) 21:50 «Бизнес-телемаркет» 22:00 «Яхши кайфият» 22:30 Бадий фильм 00:00 «Йўқотилган йиллар» т/с 01:15 «Тунги ором» 01:30 Тунингиз хайрли бўлин!»

ЖУМА 3  06.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 07.10 «Икки тақдир». Т/с. 08.00 «Ахборот». 08.40 - 09.25 «Маънавият дастури». 09.25 «Бан-бан лақабли йўлбарча». М/ф. 09.55 Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар телерадиокомпанияси намойиш этади: «Мафтунокор ва бетакор». 10.15 «Қирол ва мен». Т/с. 11.00 «Ахборот». 11.10 «Умр манзаралари». 11.45 «Кун мавзуси». 12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 13.00 Миллий сериал: «Хаёт жилгалари». 13.35 «Андерсен эртақлари». М/с. 14.00 «Ахборот». 14.20 «Дунё манзаралари». 14.40 «Қишлоқ хаёти». 15.05 «Олам ва одам» дастури: «Замин гаройиботлари». 15.55 «Худудлар хаёти». 16.10 «Кулларнинг бирда». 16.20 «Орт меҳри».

16.40 «Икки дарё оралиғида». 17.00 «Ахборот». 17.15 «Саломатлик дастури». 17.35 «Эртақлар – яхшилик етаклари». 18.10 «Умр манзаралари». 18.55 «Рамазон туҳфаси». 19.20 «Ифтихор». 19.30 «Ахборот». /рус/. 20.10 «Хаёт жилгалари». 20.45 «Ватаними куйлайман». 21.00 «Ахборот». 21.40 «Буюк аждодларимиз». 22.05 «Қирол ва мен». Т/с. 22.50 «Ун дақиқа: Труба». Б/ф. 2-қисм.  06.00 «Салом, ёшлар!» 06.40 «Дуторчи қизлар». 07.00 «Мультипанорама». 07.30 «Ёшлик наволари». 07.50 «Кумуш». Т/с. 08.40 «Ёшлик баёси». 09.00 «Англалар достони». 09.30 «Китоб – офтоб». 10.00 «Давр». 11.10 «Салом, ёшлар!» 11.50 «Император аёл». 12.40 «Ёшлик наволари». 13.00 «Давр».

13.10 «Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон». 13.30 «Сержантлар». 14.10 «Соғлом авлод». 14.30 «Афсона ва ҳақиқат». 15.30 «Тупроққа таъзим». 16.00 «Давр». 16.10 «Чемпион». 16.30 «Мустақиллик ёшлари». 17.00 «Арабелла – қароқчи қиз». Б/ф. 18.10 «Рўзгор мактаби». 19.00 «Давр». 19.30 «Кумуш». Т/с. 20.20 «Ош бўлини». 20.50 «Император аёл». 21.40 «Ёшлик наволари». 22.00 «Давр». 22.30 «Сержантлар». 23.10 «Ёшлик наволари». 23.30 «Келажакка қайтиб». Б/ф. 2-қисм. 01.20 «Салом, ёшлар». 02.00 «Давр». 02.30 «Тақдир зарбаси».  07.30 «Салом, Тошкент!» 08.20 Тошкент тароналари. 08.55 «Аёл эрки». Т/с 09.15 «Интервью». 22.00 «Дилдаги гаплар». 22.30 «Пойтахт». /рус/. 22.55 «Невероятные приключения итальянцев в России».

09.45 Миллий сериал: «Умидингни сўндирма». 21қисм. 10.15 «Камер оркестрининг концерти». 10.30 «Пойтахт». /рус/. 10.40 «Джейн Эйр». Т/с 11.05 «Репортаж». /рус/. 11.15 «Умид юлдузлари». 11.35 «Уйга йўл». Б/ф. 13.00 «Салом, Тошкент!» 14.05 «Дунё» теледастури. 15.00 «Пойтахт». 15.15 «Аёл эрки». Т/с 15.45 Мультсериал: «Кувноқ думбоқчалар». 16.05». Нима учун? гуруҳи тақдим этади: «Шунақа гаплар». 16.20 «Ислохот одимлари». 16.40 Буюк келажақ сари. Х/ф. 18.00 «Пойтахт». 18.25 Бизнинг футбол. 18.35 «Кўнгил риштаси». Т/с 19.30 Тошкент тароналари. 20.00 «Пойтахт». 20.20 «Кадр ортида». 20.35 «Таянч нуқтаси». 21.15 Тошкент тароналари. 21.40 «Интервью». 22.00 «Дилдаги гаплар». 22.30 «Пойтахт». /рус/. 22.55 «Невероятные приключения итальянцев в России».

 6.10 «Саломат бўлинг». 6.45 «Спортимиз маликалари». 7.00 «Истиқлол йўлларида». 7.25 Болалар майдончаси 7.55 «Ўзбекистон ифтихорлари». 8.00 ХАБАРЛАР. 8.15 «Жозиба». 8.30 Футбол. Ўзбекистон - Озарбайжон ўсмирлар терма жамоалари. 10.15 Эшак эшиш. Жаҳон чемпионати. 11.15 «Истиқлол умидлари». 11.20 ИнтерФутбол. 13.05 Болалар майдончаси. 13.35 Мотопойга. 14.15 Теннис. 15.50 «Арсенал». 16.15 ИнтерФутбол. ... 18.00 Болалар майдончаси. 18.30 «Шижоат». 18.45 ХАБАРЛАР. 19.05 «Ўзбекистон спорти». 19.45 «ГОЛ». 20.25 «Арсенал». 20.55 «БРЕЙН - РИНГ». Интеллектуал ўйин.

21.40 АНОНС. 21.45 ХАБАРЛАР. 22.05 ИнтерФутбол. 23.55 Футбол. Евро – 2012 саралаш баҳси.  07.00 09.00 Ўзбек наволари 08.00 Сериал «Завтра наступит сегодня» 09.30 Сериал «IRIS» 10.40 13.50 Ўзбек наволари 11.30 «Миллионер из трущоб» худ. фильм 14.30 Сериал «Завтра наступит сегодня» 15.30 Мультфильм 17.10 18.00 Ўзбек наволари 17.30 «Премьера» 18.30 Сериал «Завтра наступит сегодня» 19.30 Ўзбек наволари 21.00 «Bollywood Markazida» 22.00 «SEN, MEN VA BIZ» б/ф  03:35 «Зиё» студияси 04:00 Барҳаёт наволар 04:30 «Махаллада дув-дув гап» б/ф 06:00 Барҳаёт наволар


21.40 АНОНС. 07.00 Кутилмаган томоша 07:15 «Мусиқий лаҳзалар» 07:30 Информацион блок 08:00 «Йўқотилган йиллар» 09:30 «Яхши кайфият» 10:00 Бадий фильм 11:30 Хужжатли фильм 12:00 «Омад ва бахт» т/с 12:45 НТТда мусика 13:00 «Кайнота» б/ф (Хиндистон) 15:30 «Тошойна» 16:00 «Аргунонлар остида» 16:35 Хужжатли фильм 17:00 «Махаллада дув-дув гап» б/ф 18:30 Барҳаёт наволар 19:00 «Зиё» студияси 19:20 «Умр ҳикмати» 19:45 «Аргунонлар остида» 20:30 Информацион блок 20:50 «Оналик бахти» 21:00 «Омад ва бахт» т/с (145, 146 қисмлар) 21:50 «Бизнес-телемаркет» 22:00 «Буни хаёт дейдилар» 22:30 Бадий фильм 00:00 «Йўқотилган йиллар» т/с 01:15 «Тунги ором» 01:30 Тунингиз хайрли бўлин!»

ШАНБА 4  06.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 07.10 Миллий кино: «Қайдасан, Оймомо?» 1-қисм. 07.50 «Тонги наволар». 08.00 «Ахборот». 08.40 «Бизнинг кутубхона». 09.00 «Бан-Бан лақабли йўлбарча». М/ф. 09.40 «Мустақиллик дарси». 10.00 «Қирол ва мен». Т/с. 10.45 1. «Рангинкамон». 2. «Дидар». 11.25 «Умр манзаралари». 12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 13.05 «Хаёт жилгалари». 13.35 «Шарқ тароналари». 13.50 «Кулларнинг бирда». 14.00 «Ахборот». 14.20 «Одил суд». 15.05 «Чочлар». Б/ф. 16.30 «Уйин бир масҳат». 16.50 «Йил, Ила, Топ!» 17.30 «Эртақлар – яхшилик етаклари». 17.50 «Саломатлик сирлари». 18.15 «Умр манзаралари». 18.50 «Минг бир ривоят». 18.55 «Рамазон туҳфаси». 19.30 «Ахборот». /рус/. 20.10 «Хаёт жилгалари». 20.45 «Кўнгил қўшиқ истади».

21.00 «Ахборот». 21.40 «Истиқлол фарзандлари». 22.00 «Давр». 21.55 «Қирол ва мен». Т/с. 22.40 «Байрам куни». Б/ф.  06.00 «Салом, ёшлар!» 06.40 «Сайқал». 07.00 «Мультипанорама». 07.30 «Ёшлик наволари». 07.50 «Мерлин». Т/с. 08.40 «Кўзгун». Хажвия. 09.00 «Ўзбегиш ёшлари». 09.30 «Илоҳ қанотлари». 10.00 «Давр». 10.10 «Шарқ оҳанглари». 11.10 «Салом, ёшлар!» 11.50 «Император аёл». 12.40 «Ёшлик наволари». 13.00 «Давр». 13.10 «Истиқлол қайтарган номлар». 13.30 «Сержантлар». 14.10 «Бўлажақ генерал». 14.30 «Топега!» М/ф. 16.00 «Давр». 16.10 «Мўжизавий дунё». 16.40 «Болалар табассуми». 17.00 «Финист сарлочини». 18.20 «Яшаш сирлари». 19.00 «Давр». 19.30 «Тақдир киссалари». 20.30 «Айланай».


20.50 «Император аёл». 21.40 «Ёшлик наволари». 22.00 «Давр». 22.30 Миллий сериал: «Сержантлар». 23.10 «Ёшлик наволари». 23.30 «Келажакка қайтиб». Б/ф. 3-қисм. 01.20 «Салом, ёшлар». 02.00 «Давр». 02.30 «Кўларим йўлингидан». Б/ф. 04.00 «Миллий мерос». 04.20 «Яна ўша Насриддин». Б/ф. 1-қисм.  07.30 «Салом, Тошкент!» 08.20 Тошкент тароналари. 08.35 «Каронсарой». 08.45 Мультсериал: «Сеними, шоймай тур!». 08.55 «Аёл эрки». Т/с 09.15 «Интервью». 09.30 «Пойтахт». 09.40 Бизнес-«Пойтахт». 09.45 Миллий сериал: «Умидингни сўндирма». 22 қисм. 10.15». Нима учун? гуруҳи тақдим этади: «Шунақа гаплар». 10.30 «Пойтахт». /рус/. 10.40 «Джейн Эйр». Т/с 11.10 «Все о туризме».

11.40 «Уйга йўл 2». Б/ф. 13.00 «Салом, Тошкент!» 13.50 «Кадр ортида». 14.05 «Дунё» теледастури. 15.00 «Қонун доирасида». 15.15 «Аёл эрки». Т/с 15.45 Мультсериал: «Кувноқ думбоқчалар». 16.05 «Дилдаги гаплар». 16.35 «Умид юлдузлари». 16.50 «Санъатимиз ҳазинасида». 17.05 «Мулоҳаза учун мавзу». 17.30 Миллий сериал: «Умидингни сўндирма». 23 қисм. 18.00 «Афиша». 18.15 «Истеъдод». 18.35 «Кўнгил риштаси». Т/с 19.30 Тошкент тароналари. 20.00 «Пойтахт». 20.20 Эхо-«Пойтахт». 20.30 FM-Саҳнат. 21.10 Тв-монолог. 21.15 Тошкент тароналари. 21.30 «Телекьюрер-маркет». 21.40 Бизнинг футбол. 21.50 «Афиша». /рус/. 22.05 «Экономическое ревию». 22.15 «Интервью». /рус/. 22.25 «Анонс». 22.30 «Пойтахт». /рус/. 22.55 Индийское кино: «Анатомия любви». Х/ф. 1 серия. 00.05 Кўрсатувлар тартиби.

 6.00 «Хайрли тонг!» 6.10 «Саломат бўлинг». 6.30 Тонги хабарлар. 6.45 «Шижоат». 7.00 Ўзбекистон республикаси Мустақиллигининг 19 йиллигига: «Истиқлол йўлларида». 7.25 Болалар майдончаси: Тонги гимнастика. «Спортландия». Мультфильм. 8.00 ХАБАРЛАР. 8.15 Футбол. Евро – 2012 саралаш баҳси. 10.00 «Спорт – менинг хаёти». 10.20 Эшак эшиш. Жаҳон чемпионати. 11.05 «БРЕЙН - РИНГ». 11.50 «Иқтидор». 12.20 «ГОЛ». 13.05 Болалар майдончаси. 13.35 Звезды мирового спорта - Луис Хемилтон: «Путь к пьедесталу». 14.40 Теннис. 15.50 «Арсенал». 16.15 Футбол. Евро – 2012 саралаш баҳси. ... 18.00 «Футбол – моя жизнь».

18.45 ХАБАРЛАР. 19.05 «Истиқлол йўлларида». 19.35 «Файтер». 20.00 «Стать ближе». 20.45 «Арсенал». 21.10 «РИНГ». 21.45 ХАБАРЛАР. 22.00 Саломатлик ҳазинаси. 22.05 ИнтерФутбол. 23.45 «Олимп сари». 00.00 Яқшанба дастури анонси. 00.10 Теннис. АКШ очик чемпионати кундалиги. 1.00 Тунги хабарлар. 1.10 Саломатлик ҳазинаси. 1.15 Футбол. Евро – 2012 саралаш баҳси. 3.00 Тунги хабарлар. 3.10 Спортнинг экран: «ЛУШЧИЙ УДАР». 4.45 Бокс. Халқаро турнир.

17.00 Ўзбек наволари 18.10 Ўзбек наволари 19.00 «Топ-10» 19.35 Ўзбек наволари 21.30 «Премьера» 22.00 «ПОСЛЕДНЯЯ ФАНТАЗИЯ» худ фильм 00.00 Миксер  03:35 «Зиё» студияси 04:00 Барҳаёт наволар 04:30 «Шум бола» б/ф 05:40 Барҳаёт наволар 06:30 «Буни хаёт дейдилар» 07:00 Кутилмаган томоша 07:30 «Худуд» 08:00 «Йўқотилган йиллар» 09:30 Бадий фильм 11:30 Кутилмаган томоша 11:30 «Арт-интерьер» 12:00 «Дийдор ширин» 13:00 «Биз учраганимизда» б/ф (Хиндистон) 15:30 «Яхши кайфият» 16:30 Кутилмаган томоша 17:00 «Шум бола» б/ф 18:30 Барҳаёт наволар 19:00 «Зиё» студияси 19:20 «Умр ҳикмати» 19:45 «Оналик бахти» 20:00 «Парламент соати» 20:30 «Гуру» б/ф 23:00 «Йўқотилган йиллар»

ЯҚШАНБА 5  06.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 07.10 Миллий кино: «Қайдасан, Оймомо?» 2-қисм. 07.50 «Тонги наволар». 08.00 «Ахборот». 08.40 «Ажойиб кўнгироқча». М/ф. 09.00 «Табассум». 09.30 «Қирол ва мен». Т/с. 10.15 «Саломатлик сирлари». 10.40 «Умр манзаралари». 11.15 «Ойдин хаёт». Токшоу. 12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 13.05 «КиноТеатр». 13.30 Хинд киноси: «Гоҳи шодлик, гоҳи гам». 17.00 «Болалар дунёси». 17.25 «Кул». М/ф. 17.45 «Рангин дунё». 18.15 «Умр манзаралари». 18.50 «Минг бир ривоят». 18.55 «Рамазон туҳфаси». 19.30 «Тахлилнома». /рус/. 20.10 «Денгиздан томчи».

20.45 «Кўнгил қўшиқ истади». 21.00 «Тахлилнома». 21.45 «Муқаддас қадамжолар». 22.05 «Қирол ва мен». Т/с. 22.50 «Кўтов». Б/ф.  06.00 «Бугун». 06.30 «Табассум қил». 07.00 «Ижод мактаби». 07.50 «Мерлин». Т/с. 08.40 «Соғлик – бойлик». 09.00 «Ош бўлини!». 09.20 «Қизлар давраси». 09.30 «Тонги парвоз». 10.00 «Ватанпарвар». 10.40 «Қизлар давраси». 10.50 «KINOMANIYA». 11.20 «Ўзимдан ўзимга». Б/ф. 12.50 «Қизлар давраси». 13.00 «Ёшлар нуҳуштаси». 13.30 «Қизлар давраси». 14.00 «Айланай». 14.00 «Энг улуг, энг азис». 14.10 «Қизлар давраси». 14.20 «Болалар табассуми». 14.30 «Эртақлар оламида».

16.00 «Шаҳзодадининг қўшиғи». Т/с. 19.00 «Давр хафта ичида». 19.30 «Рўзгор мактаби». 20.00 «Қизлар давраси». 21.00 «Титаник». Б/ф. 00.40 «Калпоқ». Хажвия. 01.00 «Истиқлол қайтарган номлар». 01.20 «Ватанпарвар». 02.00 «Давр хафта ичида». 02.30 «Севги сароблари». Б/ф.  07.30 «Салом, Тошкент!» 08.20 Тошкент тароналари. 08.35 «Каронсарой». 08.45 Мультсериал: «Сеними, шоймай тур!». 08.55 «Афиша». 09.10 «Аёл эрки». Т/с 09.30 «Пойтахт». 09.40 Миллий сериал: «Умидингни сўндирма». 23 қисм. 10.10 «Саргузаштлар ороли». 10.30 «Пойтахт». /рус/. 10.40 «Афиша». /рус/. 10.55 «Дўстимнинг тўйи».

12.35 «Мулоҳаза учун мавзу». 13.00 «Салом, Тошкент!» 13.50 «Адабий портрет». 14.10 FM-Саҳнат. 14.50 «Дурдона». 15.10 «Болаликка қайтиб». 15.30 «Истеъдод». 15.50 «Каронсарой». 16.00 Миллий мультфильмлар: «Музаффарнинг тушлари». «Қирқ ёлгон». М/ф. 16.30 «Элвин ва бурундуклар 2». Б/ф. 17.50 «Анонс». 17.55 «Менинг шахрим». 18.20 «Нима учун?». 19.00 «Имтиҳон». 19.20 «Тв-монолог». 19.30 Тошкент тароналари. 19.45 «Телекьюрер-маркет». 19.55 Миллий кино: «Ватан». Б/ф. 21.30 «Тошкент оқшомлари». 22.00 Тошкент тароналари. 22.15 «Телекьюрер-маркет». 22.25 «Все о туризме». 22.55 «Кино SMS со звездами»: «Вкус жизни», «Ночи в Роданте», «Дом у озера». 00.35 Кўрсатувлар тартиби.

 6.10 «Саломат бўлинг». 6.45 «Спортимиз маликалари». 7.00 «Истиқлол йўлларида». 7.25 Болалар майдончаси. 8.00 ХАБАРЛАР. 8.15 ИнтерФутбол. 8.55 «Кувноқ стартлар». 9.30 Эшак эшиш. Жаҳон чемпионати. 11.30 «Дақат галаба». Бадий фильм. 13.05 «Ўзбекистон спорти». 13.45 «РИНГ». 14.15 Теннис. 15.50 «Арсенал». 16.15 Футбол. Евро – 2012 саралаш баҳси. ... 18.00 «Махалламиз пахлавонолари». 18.30 ХАБАРЛАР. 19.05 «Чемпионнинг голиблик руҳи». Жаҳон чемпиони Вади Меньков. 19.30 Футбол. Биринчи лига. 19.45 «Арсенал». Хужжатли

сериал. 20.20 «Ринг қироллари». 21.30 ХАБАРЛАР. 22.00 Саломатлик ҳазинаси. 23.50 Футбол. Биринчи лига. Тур ҳисоботи. 00.00 Душанба дастури анонси. 00.10 Теннис. АКШ очик чемпионати кундалиги. 1.00 Тунги хабарлар. 1.10 АНОНС. 1.15 ИнтерФутбол. 3.00 Тунги хабарлар. 3.10 АНОНС. 3.15 Футбол. Евро – 2012 саралаш баҳси. 4.55 Бокс. Халқаро турнир.

17.00 Ўзбек наволари 17.30 M-files 18.00 Prime time (рус) 18.10 Ўзбек наволари 20.30 «Кинокурер» 21.00 Ўзбек наволари 21.30 «Премьера» 22.00-01.00 «АВАТАР» х/ф  03:35 «Зиё» студияси 04:00 Барҳаёт наволар 04:30 «Суюнчи» б/ф 06:00 Барҳаёт наволар 06:30 «Буни хаёт дейдилар» 07:30 Бадий фильм 09:00 Экран хандаси 09:15 «Арт-интерьер» 09:30 Бадий фильм 11:00 Бадий фильм 12:45 НТТда мусика 13:00 «Мен предма севанам» 16:40 НТТда хажвия 17:00 «Суюнчи» б/ф 17:30 Барҳаёт наволар 19:00 «Зиё» студияси 19:20 «Умр ҳикмати» 19:50 «Қишдан ҳаши дам» 20:30 «25 қадр» 21:00 «Дийдор ширин» 22:00 «Кирақаш» б/ф

ЭРКАКНИНГ ЎРНИ БОШҚА

Эрталаб ишга шоша-пиша кетаётсам, мен бурилмоқчи бўлган йўлак тўғрисида бир йигит келяпти. Бирдан тўхтадим. Унинг олдини кесиб ўтолмадим. Аксига олиб, йигитча оҳиста қадам ташларди. Гарчи шошаётган бўлсам-да, турган жойимда жим қотиб туравердим. Ҳалиги йигит ёнимга етиб келгач, жилмайди-да:

— Раҳмат, опа, ҳартугул, эски одатларимиз ўлмабди,— деб кўйди.

Раҳмат... Шу биргина сўз ташвишлардан зил бойлаган бошимдаги оғриқни аритгандек бўлди. Кўнглимни анча кўтарди. Лекин нега ва нима учун у мени олқишлаб кўйди? “Эски одатларимиз”ни эслаган йигит нималарни назарда тутяпти?

Йўл бошида келаётган эркак кишининг олдини кесиб ўтиш азалдан хотин-қизларимизга ёт одат бўлган. “Эркакнинг йўлини бойлама, юзига сапчима, режасини барбод қилма, ҳадеб тергайверма”, дея уқтиришган катталар. Аммо замона зайли билан ҳаётимизга кириб келган ёт урф-одатлар сабабли хотин-қизларимиз эркакларга хос салобат ва ҳурматнинг устунлигини унутиб қўймадиларми, деган савол мени ўйлатиб кўйди. Ҳозир асосан шаҳарларда эркаклар аёлларга ҳурмат юзасидан йўл беришади, кишлоқ жойларида эса эркак киши ҳатто ўтирган бўлса-да унинг олдида ўтиш, узоқда келаётган бўлса-да, йўлини кесиб ўтиш, шукрки, ҳалиям айб саналади.

Оилада эркакнинг борлиги саодат. Отанинг ўрни муҳимли-

гини англаб яшаган фарзандлар нобоб ишларга қўл уришдан тийиладилар, айниқса, қизлар андишадан узоқлашмайдилар. Отанинг ҳурмати оилада қандай шаклланиши, аввало, онага боғлиқ. Аёл ўз бош эгасини сийласа, эъозласа, тушунса, ардоқласа, кенгашиб иш тутса, амрига бўйсунса, бу хонадонда қобил фарзандлар вояга етиши тайин. Чунки фарзандлар отаси ёки онасидан андоза оладилар. Улар

Нима қилишни билмай бошим қотган. Рўзгорнинг бир томони тўлдирсам, бир томони битмайди. Манови... кўнги-чи, кўнги-чи ярим, сира тўлмайди. Қизимни бошқаролмай қолдим. Ишга кетишмни пойлайди, кетдим дегунча кўчага рағона бўлади. Укасига бўйин бермайди, кўшни. Сиз нолиманг, барака топгур. Эрингиз бошқаларга ўхшаб ботмон-ботмон топмасан, ҳалол, камтарин инсон. Лоа-



қал қизларингиз жиловда, отасидан ҳайиқиб туришларининг ўзи бир давлат, билсангиз...

Кўзларига ёш олиб, куйинганча гапирётган аёлни рағоналарини эшитиб, ёши улурроқ кўшни ўйлаб қолди. Кейин хижолат чеккандек кўшиб кўйди.

— Нимасини айтасиз, Кароматхон! “Эркакнинг топгани баракали, эшиқдан кириб-чиқисининг ўзи бир салобат”, дердилар қайнонам. Оёгини зўрга судраб боссаям бор бўлсин, омон

қилган киши ҳақдор бўлади. Унинг олдини кесиб ўтиш, шукрки, ҳалиям айб саналади.

Москвадаги Халқаро Абу Али ибн Сино академиясининг магистри

табиб ХУРСАНД АЛИ

табобат хизматини таклиф этади:

- Ошқозон-ичак, ўт пуфаги, қораталоқ касалликлари;
- Бепушглик, жинсий аъзолар шамоллаши, буйрак ва тухумдон кисталари, простата беши шамоллаши;
- Буйракдаги тошларни тушириш;
- Гижжа, лямблиялар ариб, теридagi оқ доғлар(ветелиго) ва ажинлар кетали;
- Умуртка чурраси, бел ва оёқ оғриғи, бод, артрит, полиартрит, бўйин ва елкада, тиззада туз йиғилиши сингари хасталиклари;
- Юрак, қон-томир хасталиклари, қон босими, инсультдан кейинги тикланиш даври ва асаб касалликлари;
- Буқоқ касаллигининг ҳар қандай тури Шарқ табобати усулида гнёҳлар билан даволанади.

Манзил: Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ тумани Қумовул (Бектемир) кўрғони.

Телефон: (+99897)156-57-31. Лицензия № 95

Табиблар реестрида 2092-рақам билан қайд қилинган.



ЭРТАЛАБКИ ТАҚВОЛИ НОНУШТА АСОСИДА:

- Сурункали қабзият;
- Асабийлик;
- Соғломлашиб, табиий семириш;
- Қорин ва сондаги ёғларни йўқотиш;
- Қон томир, ичакларни, бўғимдаги тузларни табиий тозалаш;
- Ойига 5–15 кг.гача озиш;
- 3 ойда 10 ёшга ёшариш;
- Болалар муаммолари;
- Қоннинг шакар микдори ва босимини меъёрлаш;
- Юзни оқартириб, жарроҳлик амалиёти-сиз ёшартириш (ажин ва доғлар);
- Италия, Франция ҳамда Америкадан келтирилган табиий маҳсулотлар.

Мурожаат учун телефон: (+99897) 710-03-11. Халқаро тоифали WELLNES тренер Лола Қаландарова. (+99897) 711-32-05 (Хоразм). Маҳсулот сертификатланган. №0738045



ДАКИКА – Тилимизда “минут” маъносини англатган бу сўзнинг туб илдици “парчалади” деган маънини билдиради. “Ўзбек тилининг этимологик луғати”да изоҳланишча, “дақиқа” сўзининг “заррача”, “молекула” деган маънолари ҳам мавжуд. “Минут” сўзининг ўзи ҳам лотинчада “майда, кичик, унча эмас” деган маънони англатади.

Уч-тўрт дақиқалик суккутдан кейин Отабек тилга келди.

Абдулла Қодирий

ИНСОН – Тилимизда “Одам, киши, шахс” маъноларини англатган бу сўзнинг туб илдици “бир-бирига яқинлашди”, “танишди” деган маъноларни билдирган.

Инсон – бу дунёнинг азизу муқаррам хилқати, мавжудотлар ичида сарваридир.

Эшқобил ШУКУР тайёрлади.

ҚАЙСИ ТИЛДА ИШ ЮРИТИЛАДИ?

Пойтахтда фаолият юритаётган нотариуслар нотариал ҳаракатни кўпинча рус тилида бажаришади. Аслида, қонун бўйича иш қайси тилда олиб борилиши керак?

Ғайбулла Чориев, Тошкент шахри.

Ўзбекистон Республикасида нотариал ҳаракатлар давлат тилида амалга оширилади. Мустақилликка эришганимиздан сўнг 1995 йил 21 декабрда «Давлат тили ҳақида»ги қонун янги таҳрирда қабул қилинди. Унинг 1-моддасида кўрсатилганидек, Ўзбекистон Республикасининг давлат тили — ўзбек тилидир.

«Нотариат тўғрисида»ги қонуннинг 11-моддасига биноан эса, расмийлаштирилган ҳужжат матни фуқароларнинг талабига биноан рус тилида ёки

САВОЛ-ЖАВОБ

имкон бўлса бошқа мақбул тилда тузилиши мумкин.

Агар шахс ўзи тушунмайдиган тилдаги нотариал ҳужжатни олса, нотариус ёки нотариус таниган таржимон томонидан таржима қилинади, ҳужжатга матн таржима қилингани ва мазмуну нотариус томонидан тушунтирилгани ҳақида белги қўйилиб имзоланади.

Нотариал ҳаракатни бажаришни сўраб мурожаат қилган шахс ҳужжат эзилган тилни билмаган тақдирда, у ўзи билган тилда имзо қўйиши мумкин.

Саволга Тошкент шахар Юнусобод тумани 1-давлат нотариал идорасининг давлат нотариуси Бердир ҚУРБОНОВ жавоб берди.

Ҳурматли Собир ака Ешмуротов!

24 август — таваллуд топган кунингиз муборак бўлсин. Сизга сихат-саломатлик, узоқ умр, ишларингизда муваффақиятлар тилаймиз.

Касбдошларингиз номидан Раҳима Худойберганова, Қорақалпоғистон Республикаси Хўжайли шахри.

Асал набирам Хадичабону!

29 август — туғилган кунинг билан табриклайман. Сенга узоқ умр, бахт-саодат тилайман. Келажақда баркамол киз бўлиб вояга етгин.

Бобонг Аҳмад Ражабов, Хоразм вилояти Урганч шахри.

Биз учун қадрли ва муҳтарам Умидахон!

1 сентябрь — таваллуд топган кунинг кутлуғ бўлсин! Сенга Яратгандан сихат-саломатлик, бахт-икбол тилаймиз. Бахтимизга доимо омон бўлгин!

Онанг Жумагул, уканг Шухратбек ва умр йўлдошинг Шарипбой, Хоразм вилояти Янгиариқ тумани.

Тошкент шахри Чилонзор тумани 16-мавзе 2-уй 25-хонадонда яшовчи Хамидов Анваржон Чориевичга тегишли бўлган уй ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

ХАЁТ САБОҚЛАРИ

Хотинининг яна феъли айниганини кўриб, Ҳамиднинг дили хуфтон бўлди. Ҳар галгидай индамайгина эшикни ортидан ёпиб, кўчага чиқиб кетишни ўзига эп кўрмади. Очик-ошкора гаплашиб олиши керак. Қачонгача индамай енгади? Токайгача сеники маъқул деб кўяверди? Сукут таъсир қилмаган одамга гап таъсир қилар балки... У креслога ястани бўйлаб олиб, телевизорни ўчирди-да, Шахлога қараб салмоқлаб гап бошлади:

— Ношукрчилик яхши эмас. Қачон қарамайин, нолиганинг нолиган, шукр қилишим биласанми, ўзи?

Бундай пайтда хотин зотига эрнинг бир оғиз гапи керак, холос. У ёғига дийдиё бошланди:

— Нолимай нима қилай, сизга тегиб нима кўрдим мен? Бир бурда нонингизни миннат қилишдан чарчамайсиз. Бировларнинг эгнига, бўйнига қараб умрим ўтиб борапти. Мен...

Ҳамид хотинининг гапини бўлди: — Еганинг олдинда, емаганинг ортинда бўлса. Шукр қил, бировдан кам жойимиз йўқ. Нолиган кишидан барака қочар экан.

Шахлонинг эса ҳеч ён бергиси келмасди:

— Бировдан кам жойимиз йўқ эмиш. Сизга шундай туюлар. Лекин дугоналаримнинг юриш-туришига, яшашига бир қаранг. Даврасига борсам, ўзимдан уялиб кетаман. Кечাগина Наргиз уйда зиёфат берди. Бизнинг тушимизга ҳам кирмайдиган бундай дастурхон, билдингизми?

— Борма, барака топгур, ўша танноз, олифталарнинг даврасига. Бир гала даб-дабозлар улар. Тинчгина уйда ўтирсанг бўлмайди? Билмайман ўзи сенга нима керак?

— Билмасангиз билиб кўйинг. Менга кўп нарса керак. Сизнинг бу юришингизда биримиз ихки бўлмайди. Ана, Наргизларни қаранг, қандай яшашяпти. Унинг ҳар бир айтган гапига эри тилла сувини югуртириб олади. Менинг айтган гапимга эса сиз маъзаганим раво кўрмайсиз.

Бу гаплар энди ортиқча. Ҳамид асабийлаша бошлади. Хотинининг нолишларини насиҳат билан босаман деб ўйлаганди. Бўлмади.

— Кўнсанг шу! Кўнсананг, ана, ўзинг биласан. Жонимга тегиб кетди сенинг ношукрлигинг!

Аёлларнинг қониди бир қайсарлик бор; жанжал бошландими, паст тушмаслик керак, гапини олдириб қўймаслиги шарт. Шахло яна авзга минди:

— Вой, бу нима деганингиз? Тўрт томонинг қубла, демоқчимисиз? Кутилмаган саволни эшитган Ҳамид

ҳам не деярини билмай қолди. Шаштидан сал паст тушганроқ оҳангда:

— Сени ана шу хою ҳаваслар охири адо қилади, унутма, — деб кўйди.

Аёли бўлса сира пасаймасди:

— Йўқ, сиз менга тўғриси айтинг, ҳозиргина менга кет дедингиз-а?

Ҳамид ноилож, паст тушиб, секин мингирлади:

— Ким сенга кет деди?

— Сиз-да, майли, кетаман. Бу уйда яшамайман. Менинг ўша Наргиздан нима камим бор? Фақат сиз мени кам қилиб кўйибсиз.

Ҳамид ноилож қолди. Кафтани мангилайига босиб:

— Ўзинг биласан... Агар шу ношукрчиликдан барака топаман десанг, ана,

мом! Тушундингизми!

Шахлонинг ўзини бошқаролмай қоладиган бир феъли бор эди. У бундай вазиятда ҳамма нарсдан воз кечиб юборадиган ҳолга тушар, кўзига ҳеч нарса кўринмай қоларди. У икки боласини етаклаб уйдан чиқиб кетди.

Ҳамид хангу манг бўлиб, унинг ортидан қараб қолди.

Шахло акасининг уйига етиб келганида ҳам ўзини босиб ололмаганди. Икки боласини эргаштириб, кириб келган қайсиинглисининг кайфиятини сезган Карима келиноийси уни уйга таклиф қилди.

— Келинг, Шахлохон, хуш келибсиз! Улар ҳовлига киришди. Ҳол-аҳвол сўрашди. Шахло ҳовлидаги сўрида тўшакка михланиб ётган касал акасининг

ишонаверинг, табиб табиб эмас, бошидан ўтказган табиб, дейдилар-ку!

Шахло ўйланиб қолди ва ўзига ўзи гапиргандай:

— Акам қандай полвон йигит эди-я, давраларни тўлдириб юрардилар, — деди йиллагудек бўлиб

— Кўриб турибсиз-ку, Шахлохон, энди у кишининг бир қадам ташлашларига зормиз — кўзлари ёшланди Қариманинг, — куним ўтмайди, кечалари юрагим эзилиб кетади. Акангиз ҳам кўп қийналди. Ҳеч кимни ёттулик касал қилмасин экан. Ўзлари сездирмайдилар... Болалар ҳам...

— Ўзи шифо берар...

— Қанийди... Бизни ҳаммадан зиёда қиламан деб елди-югурди, катта-катта тўйлар, уйлар қиламан деб, ўзини аямлади. Энди билсам, бундай дабдаларнинг кўпи ортиқча экан. Саломатликнинг олдида ҳеч нарсага арзимай қолар экан...

Шахлонинг миёсида ўт чакнаб кетгандай бўлди. У бирдан ўрнидан кўзгалди:

— Келиноий, мен тезда уйимга бормасам бўлмайди!

— А, энди келдингиз-у, шошилманг. Қозон осай... Болаларингиз билан келибсиз, улар ҳали ўтириганим йўқ-ку. Борарсиз.

— Йўқ, қайтамиз, қани болалар, уйга кетдик. Кейин келамиз...

Шахло болаларини олиб, акаси ва келиноийси билан шоша-пиша хайрлашиб ховлидан чиқиб кетди.

Уйига келганида эрига ҳеч нарса демади. Нима учун кетгани-ю, нима учун қайтгани ҳақида эслатадиган бирор ортиқча гапни ҳам қилмади. Кечгача ўзини койиб, эридан уялиб юрди. Кейин ҳеч нарса кўрмагандай, ҳеч нарса бўлмагандай тутди ўзини. Кечкурун эри ва болалари билан ҳазил-хузул қилиб уйнаб ўтиришганда телефон жиринглади. Гушакни Шахло олди.

— Уйдагиларинг яхшими, Барно. Ишларинг қалай? Раҳмат, ха-а, болаларим шухроқ, Шуларнинг овози. Йўқ, эшитмадим... — Шахло яна бирдан ғамгин бўлиб қолди. Овозини пастлатиб сўради, — Қачон? Нега? Йўқ-э. Наҳотки! Бўлиши мумкинмас. Хўп. Кейинроқ гаплашарми... — деди-да гушакни жойига қўйиб турган жойида қарахт бўлиб қолди.

Хотинининг безовталигидан ташвишланган Ҳамид:

— Тинчликми, Шахло, нима бўлди? Ким экан? — деб сўради.

У бўлса пастгина овозда деди:

— Наргизнинг эри қамалиб қолибди? — Нимага?

— Гиёҳванд моддалар сотиш билан шугулланар экан...

Ҳамид хотинига жиддий термулди. У эса қизариб ерга қаради...

Эшқобил ШУКУР

ФИКР ҚИЛИБ, ШУКР ҚИЛ...



катта кўча, — деб юборди охири. Шахло шу гапни эшитиб, ўрнидан ирғиб туриб кетди:

— Кетаман, яшамайман бу уйда. Елкамининг чуқури кўрсин уйингизни! Та-

нима дейишяпти? — Қараб туришибди. Шахлохон, аёлинг бахти эрининг саломатлигида экан. Бошингда эринг соғ-омон бўлса, энг катта давлат шу экан. Бошқаси бекор. Менга

бошига борди ва у билан саломлашди. Кейин келиноийси билан бироз наридаги ёғоч қаравотга ўтиб ўтирдилар. Карима Шахлонинг кўнглини сўради:

— Тинчликми, нега ғамгинроқ кўринасиз?

— Тинчлик... Ўзингизнинг ҳам кайфиятингиз яхшимасга ўхшайди? — деди Шахло бир четга қараб.

— Қайданам кайфиятим яхши бўлсин, — куйинди Карима. — Акангизнинг тўшакка ётиб қолганига, мана, етти ой бўляпти. Кўнглимга чироқ ёқса, ёришмайди. Шундай одам... Гурсиллаб йиқилди.

— Дўхтирлар

МУНАЖЖИМ БАШОРАТИ

Кўй (21.03–20.04)

Сабр-қаноат билан молиявий муаммоларни ҳал қилишга киришганингиз маъқул. Бунинг учун имкони бўлса вақтни қўшимча пул ишлаб топишга қаратишга тўғри келади. Акс ҳолда, жамгарган ҳисобингизнинг баракаси учиб, режаларингиз чиппакка чиқиши мумкин. Асабларингиз таранг вазиятда бўлганлиги учун аввало, ўзингизни кўлга олинг.

Бузоқ (21.04–21.05)

Ҳафтанинг биринчи қисмида муваффақиятлар калити қўлингизда бўлади. Қобилиятларингизни намоён этиб, нечоғлик интеллектуал шахс эканингизни кўрсата olasиз. Бу утуклар кучингизга куч қўшиганидан ҳафтанинг иккинчи ярмида сизга ижодий парвозлар ҳамроҳлик қилади.

Эгизаклар (22.05–21.06)

Аник ва кутлган воқеа-ҳодисаларнинг гувоҳи бўлмасангиз-да, мароқли дам olasиз. Натияжада, етарлича куч-қувват

тўплаб, руҳиятингизда ҳам осейишталик сезасиз. Яхши дам — меҳнатга ҳамдам, деганлариникидек, романтик таомлар, кечки овқатлар турмуш ўртоғингиз ва фарзандларингизни хушнуд этади.

Кисқичбақа (22.06–22.07)

Дўстлар билан алоқаларингиз янада мустаҳкамланади. Баҳонада ҳаммаслаксиз бажаролмай юрган ишларингиз бўйича улар билан маслаҳатлашиб, янги гоёлар ўйлаб топасиз. Юлдузлар шуни маслаҳат беришмоқдаки, дўстлик алоқаларингизни меъёрда сақлаганингиз маъқул. Йўқса, ҳаммаси тескарига айланиб кетиши мумкин.

Арслон (23.07–23.08)

Бутун ҳаётингизни нимага ва қайси томонга йўналтириш бўйича аниқ тўхтамага келасиз. Характерингиздаги ушбу ўзгариш шу кунгача ўз-ўзингизга бери келаётган саволларингизга яқун ясабгина қолмай, катта ян-

гиланишларни бошингиздан кечирингизга сабаб бўлади. Бир тўхтамага келишдан олдин ички ҳис-туйғу, хоҳишларингизни ҳам назардан четда қолдирманг.

Сунбула (22.08–22.09)

Янгиликлар яратишга қизиқшингиз ортиб, янги тадқиқотлар бошлаб юборингиз ҳеч гап эмас. Турли йўналишдаги конкурс ёки сўровномаларда ўз истеъдодингизни синаб кўринишга мумкин. Соғлигингизга зиён келтирувчи зарарли одатлардан воз кечиб, фойдала овқатланиш йўлини танласангиз, нур устига нур.

Тарози (23.09–22.10)

Тайёр туринг — муҳим бурилиш. Янгисиба эришиш учун олдингисидан воз кечишнинг вақти келди. Фақат ҳар бир масалада ниҳоятда эҳтиёткор бўлиш талаб этилмоқда. Йўқса, сизга аталган каттагина бойлиқдан қуруқ қолиш эҳтимоли йўқ эмас. Ҳа айтгандай,

ижодкорлик қобилиятингиз ҳам «кўзиб» қолиши кутилмоқда.

Чаён (23.10–22.11)

Ҳамкорлар билан янги шартномалар, алоқаларни янада ривожлантиришнинг айна вақти. Қамчини қаттиқроқ босинг, омад сиз томонда. Ҳафтанинг иккинчи ярмида анчадан буён кўрмай юрган қариндошларингиз ва дўстларингиз билан дийдорлашасиз. Соғлигингизга эътиборлироқ бўлишни ҳам унутманг.

Ўқотар (23.11–21.12)

Соғлигингиз безовта қилиши мумкин. Ўзингиз ҳақингизда қайғуриб, имкони бўлса дарҳол муолажаларни бошлаб юборинг. Тушунликка берилманг, чунки бундай кайфиятда муолажалар самараси кўнгилдагидек бўлмайди. Шанба, яқшанбада яқинларингиз ташрифидан бошингиз осмонга етади.

Тоғ эчкиси (22.12–20.01)

Янги алоқаларни ўрнатишга ва романтик учрашувларга тайёр туринг. Ишончли

ва сиз кутган хулқ-атвордаги инсонлар билан танишишдан динингиз таскин топади. Бироқ сизга ҳаммадан яқин ва керакли бўлган турмуш ўртоғингиз ва фарзандларингизга ҳам вақт ажратиш лозимлигини унутманг.

Қовға (21.01–19.02)

Уй ишлари билан кўпроқ машғул бўласиз. Чунки айна ҳафта ушбу вазифани бажаришга бўлган истагингиз ҳар доимгидан ҳам юқори бўлади. Қўпдан буён соғинган оила аъзоларингиз ва туғишганларингиз билан бир дастурхон атрофида йиғилиб ўтирганларингиздан завқланасиз.

Балиқ (20.02–20.03)

Музокалар сизни чарчатиб қўйишни истамётган бўлсангиз, хозирданок яхшилаб дам олишга улғуриб қолинг. Акс ҳолда, бутун ҳафта давом этадиган югур-югурлар ақлий ва жисмоний ҳолатингизга панд бериб қўйиши ҳеч гап эмас. Ҳафта сўнгига дала ҳовлида оилавий дам олинг.

Нурхон ПАРДА қизи тайёрлади.

«ҮН ЙИЛ ФАРЗАНД КУТДИК»

Ўзини Қашқадарё вилоятининг Қамаш туманида яшовчи Анара деб таништирган бу аёлнинг айтишича, турмуш ўртоғи билан ўн йил бефарзандликнинг оғир синовларини бошидан кечиришган экан. Турли санаторийларда, малакали шифокорлар қўлида даволанишдан бўлишса-да, ҳеч қандай ўзгариш, янгилик содир бўлмаган. Охир-оқибат, фарзанд кўрмасликлари ҳақида очик-ошқор айтишга...

— Дунё кўзимга қоронғу бўлиб кетди, — дейди Анара опа гапида давом этиб. — Жуда ёмон бўлар экан. Бу дунёда фарзанд деган овунчоғинг, суянчиғинг бўлмаса, мону давлат, уй-жойлар кўзингга кўринмас, ҳузур-ҳаловатинг йўқолар экан. Умид билан қурилган оилма бузилди деб турганди. Энг сўнгги ва тўғри йўл ҳам шу эди-да. Лекин Аллоҳнинг ўзи меҳрибон, сабрингни синаяб-синаяб, бир кун ажрини берар экан. Ана шундай оғир алам, азоблар ичида ўтирганимизда бир савобталаб одам бизга тошкентлик Муҳаббат деган аёлнинг манзилини айтиб қолди. Энг сўнгги илжинимиз шу киши эди. Бўлмаса, ҳаммаси тугарди...

Бу хабардан сўнг Анара эри билан Муҳаббат Холматованинг даво муолажаларига қатнай бошлади. «Ҳоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, бир курс муолажадан сўнг ҳомиладор бўлганимни сездим. Тўғриси, буни дастлаб Муҳаббат опанинг ўзидан эшитиб, ишонмаганим. УЗИга тушсам... табирикланди», дейди суҳбатдошим ўзгача бир шодмонлик билан. «Аллоҳга шукр, мана ҳозир ўғилчамиз бор. Турмуш ўртоғим, менга оталик бахтини берсанг, чет элга саёхатга олиб бораман, деб ваъда берувди. Насиб этса, эртага учиб кетамиз...

Сизлардан илтимосим, ана шу табиб аёл ҳақида мақола чоп этсангизлар.

«МЕН СИЗДАН ШИФО ТОПДИМ»

Анорахоннинг ушбу гапларини эшитиб, очиги, жиддий ўйланиб қолдим. Нега десангиз, ҳозир ўзини табибман, исталган касалликни даволайман, деб юрганлар бисёр бўлса... Турли савол ва хавотирлар оғушида муҳлисанимиз айтган манзил — Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани Зарқайнар кўчаси 1-уй 19 хонадонда истиқомат қилувчи табиб Муҳаббат Холматовани излаб бордим. Тўққиз каватли йўлда жойлашган ушбу хонадон ўйлағига бурилишим биланоч очик эшик олдида қатор турган эр-хотинлар, келинчаларга кўзим тушди. Секун ўзларидан сўрадим. Йигитлар минг бир истиқола билан уялиқираб туришса-да, келинчалар саволимни жавобсиз қолдиришмади. Муолажаларга қатнаётганини айтишди. Улар орасида ҳомиладор аёллар ҳам бор эди.

— Бир танишимизнинг маслаҳати билан келдик, — дейди ўзларини Тошкент вилоятидан деб таништирган Бекзоджон ва Хилолаҳон. — Улар ҳам шу кишининг муолажалари билан фарзандли бўлишди. Биз ҳам шу ниятда келганимиз, бугун олтинчи кун.

— Мен Муҳаббат опанинг муолажалари натижасида учинчи даволаниш курсида ҳомиладор бўлдим, — дейди Дилфуза. — Ҳозирда олти ойлик ҳомилам бор (юз-кўзларига табассум югуради). Узини яхши ҳис қилишимга қарамай, ҳар ойда ҳомиламнинг қандай ривожланаётгани

Газетамизнинг навбатдаги сонини тайёрлаётганимиз, бир маҳал телефонимиз жиригина...

— Яхшимисиз, синглим, бир оғизгина гапим бор эди, айтсам бўладими?

— Марҳамат, опагон, бажонидил эшитамиз.

— Бу ёғини сўрасангиз, мен «Оила ва жамият»нинг кўп йиллик муҳлисиман. Ҳар йили обуна бўлман, мунтазам келиб туради. Илтимосим шуки, газета орқали мен бир меҳрибон, кўнгли ҳам, қўли ҳам очик инсонга миннатдорчилигимни етказмоқчиман...

нини билиш учун кўришиб тураман. Ҳеч нарса безовта қилгани йўқ, дори-дармонларга ҳам эҳтиёж сезмадим...

Шу пайт узун йўлакдан ўзбекиона кийинган аёл чиқиб келди, ҳамма билан сўрашгач, навбати келган келин-куёвларни ҳузурга чорларкан, менга юзланди. Мақсадиمنى айтганимдан сўнг, юзларида ажиб бир ўзгариш сезилди ва «Анора синглим яхшимикан, ўғилчаси-чи?» деб сўрай кетди. Ва қўшиб қўйди: «Синглим, агар вақтингиз бўлса,

бат опага чексиз миннатдорчилигимни билдираман.

НАРИҒИЗА, 27 ёш.

— Мен 2004 йил турмушга чиққанман, — дейди бугун ҳомиласини қандай ривожланаётганини билиш мақсадида кўрикка келган ва ўзини Юля Карапетян дея таништирган аёл. — Бир марта ҳомилам тушиб, кейин бошқа бўлмаганди. Мана, ҳозир 7 ойлик ҳомилам бор, эгизак (кулади). Биласизми, менинг ўзим лор врачман, турмуш ўрто-

дейди суҳбатдошим. — Келинг, яхшиси, бир бошдан айта қолай. Менинг бувим катта табиб ўтганлар, кўп инсонларни даволаган. Кичкиналимизданок у кишининг ортларидан қолмай, қаерга борса, бирга юрамдим. Қўлаётган ишларини синчиклаб кузатардим. Эсимда, нима ҳам бўлди-ю, олти яшарлигимда қаршимда турган инсоннинг ички аъзоларини яққол кўра бошладим. Ички органларнинг номи ҳам ўз-ўзидан тилимга келди. Аввалига бу менга жуда кўрқин-



«УЧИНЧИ КЎЗ»ЛИ АЁЛ

ЁХУД МУҲАББАТ ХОЛМАТОВАНИНГ СИРЛИ ҚЎЛЛАРИ

мен сизга бир дафтар берайин, яхшилаб танишиб чикинг. Унга-ча муолажаларни тугатаман...

ОҚ ҚОҒОЗДАГИ ОППОК НИЯТЛАР

«Мен 33 ёшимда турмушга чиққан эдим. Шунинг учунми, жуда кўп жойларда даволансам ҳам кўнглимдагидек натижа бўлмади. 2008 йилда Муҳаббат опа ҳақида эшитганимиздан сўнг турмуш ўртоғим билан бирга унга қатнай бошладик. Қўлларини энгиллигимиз, икки ойлик муолажадан сўнг ҳомиладор эканлигимни айтди. УЗИда текширтисак, рост экан. Бутун оиламиз билан у кишини дуо қиламиз.

Дилфуза, 2008 йил октябрь».

(Дилфуза билан телефонда гаплашганимизда илгари банкда иқтисодчи бўлиб ишлаганини, ҳозирда Саида исмли бир ёш 7 ойлик қизалогининг тарбияси билан машғул энг бахтли оналардан бири эканини айтди).

«Биринчи турмушимдан тўрт йил фарзанд кўрмаганимиз туфайли ажрашишга мажбур бўлгандим. Кейин иккинчи турмушимда ҳам шу ҳол такрорланди. Умидларим пучга чиқаётган пайтда бирга ишлайдиган дўғнамандан эшитдим, унинг келини ҳам кўп вақт ҳомиладор бўлолмай, Муҳаббат Холматовага қатнагач, ниятига етибди. Шунини эшитиб келганим, мана Худога шукр насиб этса, яқинда она бўламан. Буниг учун ширин сўзли Муҳаб-

гим эса уролог. Айримларга айтсак, ишонингиз. Лекин шифокор сифатида айтишим кераки, бу дунёда биз хали тушуниб, англаб етмаган сир-синаотлар жуда кўп экан. Масалан, халқ табибати қаранг ёки Муҳаббат Холматовага ўхшаган инсонлар фаолиятини чуқурроқ ўрганиш керак. Бунга тан бермай илож йўқ. Муҳаббат опанинг кўл ва кафтларидики кучли биокувват танага ором берибгина қолмай, дардлардан игнасиз, дориносиз халос бўлишингизда ёрдам беради.

— Булар ҳали ҳаммаси эмас, — дейди Муҳаббат опа ниҳоят муолажа ва кўрикларни тугатиб бўлгач, қўлимдаги дафтарга ишора қилиб. — Буни ҳам мижозларим талаби билан икки йилдан буюн тутишни йўлга йганмиз. Уларнинг кўпчилиги фарзандларини туғиб, эсонмон кўлларига олишди. Унга-ча бирма-бир сўраб-суриштириб турман. Ниятларига етишса, бошим кўкка етади, чунки дунёга келаётган чақалоқларнинг ҳар бири менинг ҳам фарзандларим, набираларим-да!..

ЖУНАНИ КЎП ҲЎЙИМАН...

— Муҳаббат опа, кўпчилик кўлингиздаги биокувват билан даволашингизни ва ҳатто касаллик, ҳомила ҳақида ҳам текширув аппаратлари ҳуло-сасисиз тўғри маълумот бера олишингизни тасдиқлашяпти. Буни қандай изоҳлайсиз?

— Тўғри, лекин буни сўз билан таърифлаш жуда мушкул, —

чили эди, бу ҳақида ҳеч кимга оғиз очмадим. Қолаверса, ёш боламан-да, «Ҳаммада ҳам шундай бўлса керак», деб ўйлаб юравердим. Бора-бора, ўзимда бошқа гайритабиий ўзгаришларни ҳам ҳис қила бошладим. Ёнимда бир-тор бемор инсон турса, ўзимни беҳол сезар, бошим айланиб, кўзимга ҳеч нарса кўринмай қоларди. Балки, бу ҳислат менга бувимдан мерос бўлиб ўтгандир, аянам ким билсин.

Аммо мен ўшанда табиблик қилишни истамасдим, аксинча, замонавий илмларни эгаллаб, мутахассис бўлиш орзусида эдим. Афсуски, ҳаёт бизлар ўйлагандек жуда силлиқ ва текис, бир маромда кечмас экан. Кутилмаганда ота-онамдан жуда ёш етим қолдик. Оила ташвишлари эса тўнғич фарзанд бўлганим учун менинг елкамга тушди. Ука-сингилларимни ўйлаб, вақтида турмушга ҳам чиқмадим. Уларни бирма-бир жойлаганимдан сўнг 35 ёшимда турмуш қурдим. Ана шунда... Бошимдан бир қизиқ ва ғаройиб воқеа ўтди. Қизимга ҳомиладор бўлиб юрган кезларимда ўша сезилар, ғалати ўзгаришлар яна безовта қила бошлади. Бу ҳол анчагача такрорланди. Раҳматли бувим ҳам тушимга кўп бора кириб чиқарди. Хуллас, мен тушуниб етдимки, Аллоҳнинг менга берган ғаройиб хислатидан беморларни даволаш учун фойдаланишим керак экан. Мутахассислар, табиблар ва турли соҳа вакиллари билан маслаҳатлашдим. Шундан сўнг фаолиятим бошланди кетди.

✓ ИНСОН ҲАҚИДА...

Мана бугун остонамга фарзанд доғида куйган эр-хотинлар ва бошқа турли касалликлар, хусусан, бепуштлиқ, простата бези муаммолари, буйрак ва туҳумдон кистаси, миома, жинсий заифлик ва бошқа турли хасталиклар билан оғриган беморлар умид билан келишяпти. Қўлимдан келгунча ёрдам бераман. Тўғри, хали мақтанишга жуда эрта. Чунки биокувват билан иш-лаш узок ўрганиладиган, таҳлил ва тадқиқ этиладиган жараён бўлгани учун шу соҳада дахлдор бўлган қандай маълумот, манба қўлимга тушса, имконим борича ўқийман, билмаганимни сўрайман. Россиялик машҳур Жуна Давиташвили, бир пайтлар доврўқ қозонган хоразмлик Муюссар ва бошқалар қўллаган тажрибаларни синчиклаб ўрганаётганман. Айниқса, мен учун ҳаётнинг жуда кўп оғир синовларини муваффақиятли енга олган Жуна Давиташвилининг кечаги қисмати ва бугунги ибратли тақдири мактаб вазифасини ўтайди, десам муболага бўлмайди. Чунки бу метин иродали аёл эришган ютуқлар билан бирга у дуч келган тўсиқлар, укубатлар ҳар қандай инсонни ўз жисми жонида яшириниб ётган сирли кучларни янада фаолроқ ҳаракат қилишга чорлайди, деб ўйлайман.

— Даволаш жараёнида нималардан фойдаласиз?

— Мен уларга ҳеч қандай дори ёки малҳам ичирмайман. Балки беморга қўлларимни теккизишим билан ўз-ўзидан вужудга келадиган кучли ҳарорат ёрдамида даволайман, холос. Аввало, шифо Аллоҳдан, мен сабабчиман, холос. Шу ўринда бир сирни айтмай сизга, агар ният тўғри бўлса, юрак тоза, кўнгли покиза бўлса, ҳар қандай мақсадга эришиш мумкин.

ХУЛОСА ҲАҚИДА

Қаҳрамонизмингиз сўзларини тинглай туриб, уч-тўрт ой аввал бир газетда чиққан мақола ёдимга тушди. Унда айтилишича, Россиянинг Саранск вилоятида истиқомат қилувчи Наташа Демкина ҳеч қандай УЗИСиз инсоннинг ички аъзоларини бемалол кўра экан. Бу иктидори тасдиқланди, кўлаб чет эллик мутахассислар томонидан маълумлангач, уни Москвага таклиф қилишгач. Ҳозирда «рентген қиз»нинг ҳузурига кириш учун талабгорлар бир неча кун аввал навбатга ёзилган экан. Ҳоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, украинлик учувчи Сергей Лисечко, болгариялик Светлана Кулешова, новосибирсклик Вадим Кузменко ва бошқаларнинг бундай ҳайратланарли хислатлари тасдиғини топган.

Пойтахтимизда умргузаронлик қилаётган Муҳаббат Холматова улардан бири бўлса, не ажаб? Қолганини эса вақт кўрсатади.

Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА,
«Оила ва жамият»
муҳбири (t).

Муҳаббат Холматова
Ўзбекистон халқ табибати
академияси томонидан бери-
рилган № 107-гувоҳнома
асосида фаолият олиб бор-
моқда. Табиблар реестрида
2106-рақам билан қайд
этилган.

Мурожаат учун телефон-
лар: 244-44-76;
(+99897) 469-24-58.



*Ким ахир бу даҳри дундан ўтмагай?
Ким ахир бир куни асо тутмагай?
Тандан жон кетар, лек Ватан кетмагай,
Ватан қолар экан, Ватан абадий.*



*Буюк истиқлолимиз туфайли халқимизнинг
сиҳат-саломатлиги йўлида хайрли хизмат
қилмоқни ўзининг энг муқаддас бурчи деб билган*

ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ “DOCTOR-D” КўП ТАРМОҚЛИ КЛИНИКАСИ ЖАМОАСИ



*муҳтарам юртдошларимизни муборак сана —
Мустақиллигимизнинг 19 йиллиги байрами билан
самимий табриклайди!*

*Барчангизга Яратгандан дунёдаги энг қадрли бойлик — соғу
омонлик тилаймиз!*



*Ватанга бўлган меҳру
муҳаббатни ҳеч бир таърифу тавсифга сиғдириб бўлмайди.
Уни ҳар қанча улуғласак, ардоқласак, эъзозласак, шунча кам. Бу улуғ
маъво бор экан, биз — шу азиз ва мукаррам юртнинг фарзандлари
унинг номини шарафлаймиз, шонини, доғини дунёга танитаверамиз.*

• ДУНЁ ХАБАРЛАРИ • ДУНЁ ХАБАРЛАРИ • ДУНЁ ХАБАРЛАРИ •



ХИДЛАР КЎРГАЗМАСИ

Бундан 23 йил муқаддам Испания пойтахти Мадридда ажабтовур кўргазма ташкил этилган. Унда турфа гуллар, эски жиҳозлар, сиёҳ, чанг хона, кийилган ки-



йимлар намоиш этилган. Одатда, кўргазмага ташриф буорган меҳмонлар барча экспонатларни томоша қилади, завқ олади, маъқул топса, харидор бўлади. Аммо бу галги кўргазмага ташриф буюрганлар шунчаки томоша қилиш учун эмас... хидлаш учун келишди. Шарт шунчаки эди-да. Тасаввур қилнинг-а, янги гуллар ва эски жиҳозларнинг хидлари...

Билмадим, бу ҳодиса кимга қанчалик қизиқ бўлди, ҳар ҳолда, ўша пайтда ушбу "Хидлар кўргазмаси" катта шов-шувга айлиниб кетди. Шундай бўлса-да, бу турдаги кўргазма қайта ўтказилмади. Эҳтимол, унинг фақат бир марта ўтказилгани — оригинал ҳодиса сифатида тарихда қолиши кўзда тутилгандир?.. Тагин ким билади дейсиз?..

ВИТАМИНЛАР ҲАЁТНИ ҚИСКАРТИРАДИ(МИ?)

Бета-каротин, А ва Е дармондорилари хавфли касалликлар келиб чиқишининг олдини олади, деб таъкидлашади мутахассислар. Аммо... "Ҳаёт давомийлигини ҳам қисқартириши мумкин", деб қўшиб қўяди улар.

Копенгаген университети қошидаги Госпиталнинг клиник тадқиқотлар маркази ходимлари олиб борган изланишлари натижаси шуни кўрсатадики, бета-каротин ва С, А ҳамда Е витаминлари қўшилмалари умрни узайтириш учун ҳеч қандай омил вазифасини ўтамас экан.



Антиоксидантлар умрни узайтирмас, аксинча, уни қисқартиришга ҳам сабаб бўлиши мумкин экан. Тадқиқот натижаларига кўра, одамлар орасида бета-каротин қўшилмаларини истеъмол қилувчиларда ўлим сони 7%, А ва Е витаминларини истеъмол қилувчилар орасида эса 15% ва 4% га ошганлиги таъкидланди.

Шу ўрнида бир жиҳатни айтиш лозимки, олимлар томонидан йиғилган маълумотлар фақат антиоксидантлар ва витаминларнинг юқори концентрациясига тегишли. Бироқ табиий ўсимликларнинг фойдали хусусиятлари булар жумласига тааллуқли эмас. Демак, дармондориларни қабул қилишда шифокор тавсиясига кўра меъёрни аниқ белгилаб олиш керак бўлади.

Наргиза СИДДИҚОВА
тайёрлади.

ЕТТИ ОЙДА 22 МИНГ МИНУТ РЕКЛАМА

Россия уяли алоқа операторларининг телевидение ва радиодаги рекламалари 2010 йилнинг дастлабки етти ойи давомида катта суръатларда ўсди, дейилади "lenta.ru" сайтида.

Таҳлил этилаётган даврда 2009 йилдаги шу муддатга қараганда телереклама 6 фоизга кўпайиб, 22 минг минутни ташкил этган. Айниқса, иккинчи чорак охирида реклама берувчилар фаолиги ошган.

МТС, «Мегафон» ва «Вымпелком» («Билайн» савдо маркази)нинг телевидение рекламалари 16 фоизга ўсган. Телеканаллар фақатгина уларга эфирдан 20 минг минут вақт ажратган. Маълумотларга қараганда, радио рекламага қилинган харажатлар эса 109 фоизга кўпайган.

БЕФАРЗАНД РУСЛАРНИНГ ИХЛОСИ

Тирноққа зор юзлаб рус оилалари шифохона ўрнига Сибирдаги буддавийлар учун муқаддас Янжимо тангриси топиноғига боришмоқда.



Байкал кўли соҳилида буддавийлар муқаддас биладиган кўпгаб тошлар бор. Айтишларича, уларга топинганлар ўз

мақсадларига етишадиган экан. Собиқ жаҳон чемпиони Наталья Соломенская ҳам шу ерга ҳолис ният билан келганлардан бири. Қирқ ёшида она бўлган Наталья «Спорт ҳам баъзида аёл соғлиғига зарар қилиши мумкин экан. Вужудимдаги дардлардан ҳалос бўлиш учун шу ерга келгандим. Кўп ўтмай ниятимга етдим. Ҳозир қизим тўрт ёшда», дейди. "Ихлос – ҳалос", "Ихлос қилсанг, чўпдан нажот", деб халқимиз бежиз айтмас экан-да.

ОЗИШ УЧУН ЭНГ ЯХШИ ДОРИ

Америка олимлари овқатдан олдин икки стакан сув ичиш ортиқча ваздан қутулиш имконини беради, дея таъкидлашмоқда.



Виржиния политехника институти ўтказган тадқиқотда 55 дан 75 ёшгача бўлган 48 киши икки гуруҳга бўлиниб иштирок этди. Уларга бир хил калорияли егуликлар берилди. Синов гуруҳи овқатдан олдин 480 миллилитр тоза сув ичди, назорат гуруҳи эса бундай қилмади. Маълум бўлишича, сув ичганлар организмиди ҳар бир таомдан шериклариникига қараганда 75-90 килокалория кам қабул қилган. Ҳар икки ҳафта ўтган, озиш кўрсаткичлари аниқланди. Синов гуруҳидигилар етти килограммдан ошиқ, назорат гуруҳи эса беш килограммга яқин вазн ташлаган.

Тадқиқот раҳбари Брендэ Дэви сувни ҳаддан ташқари кўп истеъмол қилиш (масалан, оз муддатда 6-10 литр) оғир оқибатларга олиб келиши мумкинлигидан огоҳлантиради. Шу боис сув билан озиш муолажасида меъёрни билиш жуда муҳим.

ЭРОНГА «ОРИФЛЕЙМ» КЕРАК ЭМАС

Эронда Швеция фуқароси ва «Орифлейм» компаниясининг Хейрондаги тўрт нафар ҳамкори тебсига олиниб, фирманинг идораси ёпилди, деб ёзади швед оммавий ахборот воситалари.



Мақсуд ҳолат юзасидан ҳеч қандай тушунтириш берилмаган. Компания расмийлари бу концерн концепцияси — махсулотлар дўконлар орқали эмас, қўлдан қўлга ўтиб тарқалиши (тармоқли тижорат) билан боғлиқ бўлса керак, деган фикрда.

— Мамлакат ҳукумати бизнинг маркетинг гоёмизини тушунади, дея умид қиламиз. Бу орқали 40 минг эронлик пул ишлаш имконини эга бўлаётти, — дейди компаниянинг моливий директори Габриэл Беннет.

Интернет манбалари асосида Фаррух ЖАББОРОВ тайёрлади.

•СПОРТ•СПОРТ•СПОРТ•СПОРТ•СПОРТ•СПОРТ•СПОРТ•СПОРТ•СПОРТ

БЛАТТЕР: «ОСИЁЛИК ҲАКАМЛАРДАН МИННАТДОРМАН»

Шу кунларда Сингапур давлатида илк бора ўтказилаётган ёшлар ўртасидаги Олимпиада ўйинлари олдинд ФИФА президенти Йозеф Блаттер матбуот анжумани ўтказиб, ОАВ ходимларининг саволларига жавоб берди. Шунингдек, Йозеф Блаттерга саволлар билан мурожаат қилган журналистлар диққатидан ЖЧ–2014 билан боғлиқ тафсилотлар ҳам қолиб кетмади. Табиийки, охириги вақтлар учун энг долзарб бўлиб қолган ҳақамлик ишига доир жиҳатлар ва унга янги технологияларни жорий қилиш билан боғлиқ масалалар ҳам матбуот анжумани давомида кўтарилди.

Ёшлар Олимпиадасидаги футбол турнири ҳақида...

— Халқаро Олимпиада кўмитаси томонидан ёшлар ўртасида Олимпиада ўйинлари ўтказишга қарор қилинганда, унда қатнашадиган спортчиларнинг ёши 14 дан 18 га қадар бўлиши белгилаб олинган эди. Аммо ФИФА томонидан аллақачон 20 ёшли ва 17 ёшли футболчилар учун бир қатор турнирлар ўтказилиши бошлаб юборилгани сабабли, ушбу Олимпиада бахсларида 15 ёшли ўғил-қизлар беллашгани маъқул, деган қарорга келди.

Бразилияда ўтадиган ЖЧ-2014 ҳақида...

— Бразилияда ўтадиган жаҳон чемпионатиға маъсул бўлган маҳаллий кўмита ходимлари билан учрашганимда, ЖАР майдонларида ўтказилган мусобақа давомида қўлга киритилган ютуқлар, ушбу мусобақани ўз уйида қабул қиладиган бошқа мамлакатлар учун ҳам улкан маъсулиятни юклагани ҳақида гапирдим. Тайёргарлик ишлари билан танишиш учун шу йилнинг ноябрь ойида Бразилияга бормоқчиман. Мамлакатнинг янги сиёсий раҳбарлари билан ҳам учрашиб келаман.

Хитойнинг ЖЧ–2026ни ўтказишга берган аризаси ҳақида...

Бизга ҳали Хитой томонидан ЖЧ–2026ни қабул қилишга қаратилган расмий ариза топширилганича йўқ. Жорий йилнинг декабрь ойида ЖЧ–2018 билан ЖЧ–2022ларнинг қайси давлатда ўтказилишини белгилаб оламиз. Аммо бу билан 2026 йилда бўладиган жаҳон чемпионати Хитойда ўтиши мумкинлигини рад қилмоқчи ҳам эмасман. Ахир, ЖАР майдонларида кечган мусобақанинг туғанига эндигина бир ой вақт бўлди, бунинг устига, Бразилияда ўтадиган сайёрамиз биринчилигига ҳам тайёргарлик кўришимиз керак.

Дарвозаларнинг ишғол қилинганни аниқлайдиган янги технологиялар ҳақида...

— Ушбу масала юзасидан ҳал қилувчи қарорни октябрь ойида ўтказиладиган йиғин вақтида қабул қиламиз. «Cairos-Adidas» компанияси ходимлари томонидан таъкидланишича, бу борада анчайин тушунарли ва содда бўлган тизим ишлаб чиқилмоқда. Уларнинг ихтиёрларида ай-

нан мана шу муаммони аниқ ҳал қила оладиган қурилма бор экан. Бундан ташқари, «Hawk-Eye» ва Швейцариянинг «Longines» компаниялари томонидан ишлаб чиқилган технология ҳам мавжуд. Мен юқорида санаб ўтган компанияларнинг ходимлари Кардиффда бўладиган кенгаشا келиб, мосламаларни намоиш этишлари мумкин. Меннинг бу борадаги қарашларим эса ҳеч қачон ўзгармайди. Агарда бизга аниқ ва содда бўлган мосламаларни тақлиф қилгудек бўлсалар, уни қабул қиламиз.

Осиё футболлари ҳақида...

— Муҳаммад Бин Хаамдан Осиё футбол конфедерацияси жиловини ўз қўлига олганидан буён қитъа футболда кўпгина жиҳатлар яхши томонга ўзгарди. Шахсан ўзим келажак футбол ва иқтисодиёти Осиё қитъасида ривожланишига жуда ҳам ишонаман. Бундай фикрга келишимга сабаблар ҳам етарли. Масалан, сайёрамиздаги аҳолининг учдан бир қисми айнан мана шу қитъада яшашини эътироф этиш ҳам юқоридаги фикримни исботлаш учун етарли бўлса керак.

Мана қаранг, Жей-Лига билан Кей-Лига қандай шиддат билан ривожланиш йўлига ўтиб олди. Уларнинг ривожланиши ўз навбатида Япония ва Жанубий Корея миллий терма жамоаларининг ҳам кескин равишда кучайишига олиб келди. Шунингдек, Осиё Чемпионлар Лигаси ҳам қитъа футболнинг ривожланишига катта туртки бўлди. Яна, охириги жаҳон чемпионатида Осиё қитъаси номидан қатнашган ҳақамларга ҳам ўз миннатдорчилигимни билдирмоқчи эдим. Улар ЖАР майдонларида кечган бахсларда ажойиб тарзда ҳақамлик қила олдилар.

Интернет манбалари асосида Илҳом ЖУМАНОВ тайёрлади.




“ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ” ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

*Энг улуғ ва энг азиз айём —
Ватанимиз Мустақиллиги-
нинг 19 йиллиги муносабати
билан юртдошларимизни
самимий муборакбод этади!*

**Юртимиз ободлиги,
халқимизнинг маънавий
дунёсини бойитишдек
хайрли ишларга дахлдор
эканлигимиздан
мамнунмиз. Барчангизга
сиҳат-саломатлик,
оилаларингизда ҳамиша
тинчлик-тотувлик барқарор
бўлишини тилаймиз.**



**БАЙРАМИНГИЗ
МУБОРАК БЎЛСИН,
МУҲТАРАМ ЮРТДОШЛАР!**





ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ

юртимиз аҳолисини Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг
19 ЙИЛЛИГИ билан муборакбод этади

Замонавий технологиялар ва ускуналар сотиб олиш учун Хитой Давлат Тараққиёт банкининг кредит йўналишини жалб этган ҳолда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик лойиҳаларини хорижий валютада қўллаб-қувватлаш дастурини амалга оширмоқда.

ХИТОЙ ДАВЛАТ ТАРАҚҚИЁТ БАНКИНИНГ КРЕДИТ ЙЎНАЛИШИ:

- ⇒ кредит йўналишининг умумий суммаси – 75 млн. АҚШ доллари;
- ⇒ банк молиялайдиган импорт контрактлари ҳажми – 100 минг АҚШ долларида бошланади;
- ⇒ кредит муддати – 8 йил, жумладан 3 йиллик имтиёзли давр;
- ⇒ Хитойда ишлаб чиқарилган товарларни етказиб бериш улуши – камида 50%;
- ⇒ фоиз ставкаси – LIBOR + йиллик 3,5% (ЎЗР тижорат банкининг маржасини ҳисобга олмаганда);
- ⇒ ташкил этганлик учун воситачилик ҳақи – йиллик 0,3%.

**МИЛЛИЙ БАНК
БИЗНЕСИНГИЗНИ
СИЗ БИЛАН БИРГА
РИВОЖЛАНТИРАДИ!**

Шунингдек, Корея Эксимбанкининг кредит йўналишини жалб этган ҳолда Навоий ЭИИЗда маҳаллий (Кореянинг ҳар қандай компанияси билан узлуксиз савдо алоқаларига эга бўлган) корхоналар ва Корея билан қўшма корхоналар учун ускуналар машина қурилмаларини сотиб олиш ҳамда ўрнатиш лойиҳаларини молиялаш дастурини амалга оширмоқда.

КОРЕЯ ЭКСИМБАНКИНИНГ КРЕДИТ ЙЎНАЛИШИ:


- ⇒ кредит йўналишининг умумий суммаси – 50 млн. АҚШ доллари;
- ⇒ кредит олиш мумкин бўлган муддат – 2012 йил 4 майгача;
- ⇒ банк молиялайдиган импорт контрактлари ҳажми – 100 минг АҚШ долларида бошланади;
- ⇒ кредит муддати – 5 йилгача, жумладан, лойиҳа бўйича ҳар бир кредит учун алоҳида 2 йиллик имтиёзли давр;
- ⇒ фоиз ставкаси – SWAP ёки LIBOR + ҳар бир лойиҳа бўйича алоҳида белгиладиган маржа (тахминан йиллик 6%, ЎЗР тижорат банкининг маржасини ҳисобга олмаганда);
- ⇒ ташкил этганлик учун воситачилик ҳақи – кредит суммасига нисбатан йиллик 0,1%;
- ⇒ мажбурият учун воситачилик ҳақи – кредитнинг ўзлаштирилмаган суммасига нисбатан йиллик 0,3%.

Қўшимча маълумот олиш учун 235-17-02
рақамли телефонга мурожаат қилинг.
www.nbu.com

НАВОИЙ КОН-МЕТАЛЛУРГИЯ КОМБИНАТИНИНГ ЖАНУБИЙ КОН БОШҚАРМАСИГА ҚАРАШЛИ 2-СОН БИРЛАШГАН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ҚЎМИТАСИ

*мамлакатимиз халқини ҳамда соҳа вакиллари
рини Мустақиллигимизнинг 19 йиллиги билан
самимий муборакбод этади!*

Саховатпешалик, бағрикенглик, меҳроқибат бобида намуна бўлмоқни ўзининг муқаддас бурчи деб билган халқимиз учун бу улуғ айём ғоят қадрлидир. Шундай экан, турли миллат ва элат вакиллари бир оила фарзандларидек, тинч-тотув, аҳил яшаётган озод ва обод Ватанимизда бу улуғ байрамни ҳар қанча улуғласак, шарафласак, шунча оз.



**Муҳтарам юртдошлар, барчангизга мустаҳкам соғлик,
яхши кайфият ҳамиша ҳамроҳ бўлсин!**